

## © “Ёшлик” № 2 (264) 2013-й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги  
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

### МУНДАРИЖА

#### ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Собир ЎНАР. Элнинг эгалари. .... 2

#### МУЛОҚОТ

Ваҳоб РАҲМОНОВ. Бир асрнинг икки даҳоси. .... 6

#### АДИБ ХОНАДОНИДА

Сотим АВАЗ. Илм оstonасида. .... 12

#### НАСР

Жамила ЭРГАШЕВА. Қир устидagi аёл. Роман. .... 17  
Эшқобил ВАЛИ. Дорбоз. Ҳикоя. .... 44

#### НАЗМ

Сотим АВАЗ. Капалак саргашта кўзим ўнгида. .... 15  
Нилуфар УМАРОВА. Настарин ҳидига чайилган шамол. .... 42  
Алишер НАРЗУЛЛО. Танидингми, мени о, ҳаёт. .... 52  
Ирода УМАРОВА. Томсам субҳидамнинг ёноқларидан. .... 58  
Фарида ҲУСАИНОВА. Муҳаббат дилимнинг бебаҳо мулки. .... 59

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳусайнхон ЯҲЁ. Навоийни қачон тушунамиз? .... 46  
Саъдулло ҚУРОНОВ. Ифода ва ифодавийлик. .... 54  
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Туркиялик шогирд. .... 41

#### ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ

Ги Де МОПАСАН. Гирдоб. Ҳикоя. .... 49

#### БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Барно ХОЛБЎТА қизи. Кетаяпти кўнгил тўлғониб. .... 57  
Мадина ҒУЛОМҲАСАНОВА. Сени қайта тополмайман, болалигим. .... 63  
Севара БАҲРИДДИНОВА. Сиз туфайли бу олам рангин. .... 63

#### ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Элмурод НИШОНОВ. Мудом юксалгайдир парвозларимиз. .... 60

#### ЕЛПУҒУЧ

Турсунбой АДАШБОВЕВ. Янги пародиялар. .... 64

#### Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

#### Жамоатчилик кенгаши:

Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ

#### Бош муҳаррир:

Собир УНАР

#### Бош муҳаррир ўринбосари:

Луқмон БЎРИХОН

#### Масъул котиб:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

#### Таҳрир ҳайъати:

Бобур АЛИМОВ  
Иқбол МИРЗО  
Муҳаммад АЛИ  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Сирождин САЙИИД  
Алишер НАЗАР  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

#### Саҳифаловчи: Ғиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон “Ёшлик” журнали таҳририятининг  
компютер марказида саҳифаланди.

#### Манзилимиз:

Тошкент. ш.  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-“а” уй.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/факс: (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552

Бошишга 04. 03. 2013 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ИССН 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журналдан кўчириб босилганда “Ёшлик”дан олинди” деб изоҳланиши шарт.  
“Ўқитувчи” НМИУ босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма № 46-13. Адади 5700 дона.  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.



## ЭЛНИНГ ЭГАЛАРИ

Биласизми, биродар, шу ёшга келиб каминанинг асосий мавзуларидан бирига айланаётган бу гап чиндан ҳам жуда муҳим. Ҳа, ҳар элга бош керак. “Минг ишчига бир бошчи” деганлари сингари. Мазкур фикрни, эҳтимол бир парда кўтарибон айтмоқ зарур.

Эсингизда албатта, бултур қиш анча забтига олувди. Икки ҳафталаб қор эримай, шаҳар йўлларида ҳам юришда ноқулайлик пайдо бўлувди. Йўлларда машина тагидан тушган палахса-палахса муз, айланиб ўтасиз, қияликлар ҳам ялтираб музлаб кетган. Қисқаси совуқ ва қор одамларни керагича бездириб қўйган.

“Кунига бир матал” дер эди раҳматли отам. Қирқ йилдан зиёд давлатнинг молини боққан содда одамнинг топиб олган муҳим фалсафаларидан эди бу. Энди ўйласам ва мағзини чақсам: ҳар куннинг ўз матали бор, бугун кечагига ўхшамайди, дегани экан. Мисол, довдир-шовдир сурон солиб юрган кечаги одам бугун йўқ. Отам чуқур хўрсиниб, ичида бир нарсалар деб, сўнг баралла: кунига бир маталда-е, деб юборар эди.

Қиш-қировли кунларда қишлоқдан уч-тўртта таъзия хабарини эшитдим. Ҳаммаси ҳам қариндош – бориш керак. Аммо ҳаво бундай: ўзингни хатарга қўйиб хайё-хуйт деб таваккал қилолмайсан.

Ниҳоят эрув бошланди. Тоғам янгам билан чамаси икки ойдан бери Тошкентда эди. Етмишдан ошиб бобой бўлганда пойтахтдаги ўғлиникида қишни илим-иссиқ ўтказгиси келади-да. Қишлоқда бўлса ўт ёқиладиган биргина печка атрофида неваралари билан таллашиб ётар эди. Ёшлигида қор-ёмғирда қўрақўтон кезавери оёқни совуққа олдирган. Кейин ҳам бир палакат бўлиб оёғи синиб икки ой гипсда ётган, йиллар ўтгани билан жойи симиллаб туради. Муҳими, олти боланинг ташвишидан қутулган. Янаям мен учун кераги – умри молдўхтир, зоотехникликда кечган бу одам ўта зиёли, ўқиган, адабиётнинг шайдоси, тагин табобатга, тарихга, диний йўриқларга қизиқиб ўзича кашфиётлар ҳам қилиб юради. Минғирламайди, шикоят қилмайди, аниқ гапни яхши кўради.

Отиниям айтмабман: Худойқул Тинибеков. Қўшрабодта тақдири чорва билан боғланиб ўсганнинг ба-ри билади.

Шу одам менга Хусан Ҳакимов ҳақида кўп ҳикоялар сўзлаган. Мен унда ёш эдим ва шундан келиб чиқилган бўлса керак, ўша инсонга ихлос қўймаганман. Тоғам бўлса гапираверади: ниҳоятда каллали одам, жу-уда камгап, сиёсати чатоқ, индамай туриб жонингни олади.

Ҳай энди шу одамнинг нимаси яхши экан. Биринчи курсни битирувдимми, ишқилиб қишлоқда саланглаб юрган эдим, тоғам ўғлидан хабар жўнатибди: Собир тез кийиниб келсин, Қўшрабодга, Ҳакимовнинг тўйига бориб келамиз. Эски “Москвич”га ўтириб тириллаб жўнадик. Тошкентни кўриб қўйган йигит Қўшрабодга ўхшаган қишлоқни писанд қиладими? Бироқ Самарқанддан Қўшрабодга қараб ошувда жуда катта боғ кўрдим. Узиям учи-қуйруғи йўқ. Аниқ ҳажмини айтолмайман, лекин нариги ёғи Саксончел қишлоғига тутлашиб кетган, бу ёғи қўрғон бошланмасдан то у тугагунча – ўнг бет яшнаб ётибди. Чўл эди, дашт эди, сув йўқ эди, э қаддингдан аканг!

Худойқул тоғам гидлик мақомида, каминага ҳафсала билан тушунтириш бермоқда: Хусан аканинг иши, икки йилда шу ишни қилди, артезиан чиқарди, тош йўл ётқизди, атрофини ўради.

У пайтлар бу ишлар давлатнинг пули ҳисобидан қилинади, тушунаман. Лекин кўчатниям давлат ўстирармиди, яйдоқдаштни ҳам ўзлаштиради, дермиди ёхуд ўзи келиб экиб берармиди – шуниси қизиқ. Қизиқки... бир он ўйланиб туриб қолдим.

Тўй ўтганига икки-уч кун бўлган, биз қутлуғ бўлсинга кирган эканмиз. Тоғам билан оқсоқол бирга ишлаган – хабарим бор, аммо ўзини танимайман. Қанақадир чала битган, поли бор-у, эшик-ромлари қўйилмаган бир уйга бошлаб киришди. Ўн-ўн беш йигит ғимирлаб юрганидан билса бўладик, ҳали тўйнинг тафти ўтмаган, ҳовлидаги ўчоқ тагида ҳам ўтин тутаб турибди. Бизни алоҳида столга бошлашди. Нариги столда тўрт-беш чоғли бир-биридан семиз зотлар хурсанд, бир-бирининг гапини эшитяптими, эшитмаяптими, мастона-мастона сузилиб нуқул кулади. Охирида “оббо акам-ей” дейди. Ким акаси экан? Мен – хушёрман-да.

Биз ўтирмоқчи бўлган столнинг бошида бир катта ғула турибди. Мўла деса ҳам бўлади. Унинг нималигини сиз билмасиз, биздан сўранг: бу томонда

қир кўп, тоғ, адир кўп, ҳаммасининг ҳам номи бор деб ўйлайсизми – йў-ўқ. Шу сабаб, чўпон-чўлиқлар мол ортидан юриб, бекорчиликда, эрмакка атрофидаги тошлардан уйиб мўла ясашади – одам бўйидир, паст ё баланддир, ишқилиб бир белги-да. Эртасига қарабсизки, анов Салим чўпоннинг мўласи, оқмўла, қорамўла, Абдулланинг сойи, Солининг сойи, Токли сой, Оқ зов, Қора зов – бир белги хуллас.

“Мўла” пича бош кўтарган бўлиб, хиёл бош чайқади. Ёнидаги столга ишора қилгандай бўлди. Тоғам пилдираб бориб “мўла”нинг кўлидан тутмоқчи эди, у қўллар илтифотни сезмаган каби фотиҳага ёйилди. Тоғам тамом довираб, “ёшлар бахтли бўлсин, ёшлар бахтли бўлсин!” деб икки марта омин қилиб юборди. Бизга эса барибир – бегонаман. Тоғам бўлса тиззамга бир туртди: хапа, деб қўйди. Сўнг илтижоли бир суратда “мўла”га термулди.

– Кўринмайдилар, – деди “мўла”. Аммо кўзи юмуқ.

– А-а, Хусан ака, энди бизам катта давраларга ярамаяпмиз. Тўй куни издиҳом катта деб тортиндик, ака. Обком келган тўйга бизга йўл бўлсин.

– Шундай денг, унчалик эмасдир. Обком бова довдоска қипкепти, кўйинг десам қўймади.

– Эшитдим-эшитдим, “Волга” қуллуқ бўлсин, ака.

Тоғам шундай деб, қанчалиги эсимда эмас, киссасидан камтарона тўёна чиқарди.

Ярим қарич келадиган икки қош бир кўтарилиб тушди. Қора-қизил рангдаги сергўшт бурун тагидаги оғиз ҳаракатга келиб:

– Боря! – деб бақирди.

Новча бир йигит келиб қўл қовуштирди.

– Қолган вино-пиноларингдан опкел-да.

Новча ғойиб бўлди. “Мўла” ўша-ўша ҳолатда: на тебранади, на чой ичади, на бошқа гапирди. Мўла-да! Э, қаддингдан, э, уста Худойим!

Тоғам қулоғимга шипшиди:

– Тўёнаям ёқмади. Вино-пино деганини кўрдинг, ароқ демади. Биз отдан тушган бўлсак.

Шундай дедию тоғам кулиб юборди. Афтидан бу сиёсатни кўп кўриб юргани учун ўзини тутолмади. Бу одамнинг кўлида ишламаётган бўлса – энди барибир эмасми?

Столда егулик сероб, калла-поча ҳам бор. Тўйдан кейин ҳам қўйлар сўйилаётганининг белгиси бу. Бироқ бу нарсалар ҳали менинг мижозимга ботмас эди. Уйда онам тайёрлаган қатиққа нон тўғраб есам подшодай юравераман. Бу дов-доскалар, бу ҳашаматлар... Қабул қилолмас эдим-да. Ёшлиқ қилардим чоғи. Ҳа, дарвоқе, бундан ҳам ёшроқ вақтим – саккизинчи синфда бир синфдошим билан таътилда “Кўшраб” совхозининг ғалла хирмонига ишлашга келганмиз. Бир ярим ой кечаю кундуз ишлаганмиз. Охири безор бўлиб қочиб кетганмиз. Хирмон мудирини Бегмат Усмонов ортимиздан бир оз чой-чақа ва хирмондан кафсан жўнатиб юборган.

Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам шилдир шўрва ичамиз. Тегирмони нон. Охири ёқмайлар кетган. Биздан каттароқ Абдурайим аканинг ташаббуси билан бир куни кечаси боққа ўғирликка кирдик. Узум айна пишган пайт. Иккита катта ит вовиллаб келиб қолди-ку. Қочиб-суриниб, ким тиконли симга кийимини илдириб, ким тупроққа думалаб, ишқилиб хирмонжойга ҳаллослаб

келиб кўрпага бурканганмиз. Орқамиздан биров қувганини кўрмадик. Бироқ эртаси куни ошпазимиз Эшбой акага бир аёл икки челак узум ташлаб кетибди.

– Ёш болалар бор экан, уйдан олисда очирқаниб юргандир, беринг, есин, – дебди.

Ана холос. Ким бўлди экан бу валломат. Йўқ, аслида билар эдик, Ҳакимовнинг чорбоғи, уйи шу ерда, боғи катта, кўриб юрардик, болалик-да – кундузи оқ, қора кишмиш, тойфи, оламантўйди деган узум бошларининг симларда осилиб хор бўлиб ётганини кўриб, кечаси бир додини бермайликми, деган режалар бўлган. Не тонгки, саргузаштимиз бояғидай ниҳоя топган. Бу Ҳакимовнинг ишимиди ёки кампирининг шахсан ҳомийлиги эдими – шу топда хаёл опқочди.

Бунга сари тоғам:

– Хусан ака, бу жияним бўлади. Журналист бўлмоқчи, ўқияпти, мақолалар ёзади, – деди.

Оқсоқол бир йўла икки кўзини ҳам очиб менга ўқдек қаради. Аҳамият бергани мени саросимага солди. “Ўша ўғирлик қилиб юрган сен бола энди журналист бўлмоқчимисан?” деган каби таъқиб қилаётгандай туюлди. Лекин оқсоқол:

– Куйинг, ичинглар, – деди-да қўйди. Кўзлари ҳамон юмуқ.

Оқсоқол (энди “мўла” демайман) тоғам айтгани сингари ҳар балони билса, демак, мени ҳам билади деган хавотир ич-этимни тирнади.

– Ҳамро кеп-кетди, – деди Хусан ака.

– Тоға кепти-да, бу йигит Ҳамро тоғанинг невараси-да, укасининг ўғли.

– Ҳамзанинг, – деб қўйди, оқсоқол. Шу ҳолатида у биздан бошқа кимнингдир суҳбатини олиб, ичида маъқул кўриб ўтирганга ўхшарди.

Мен ҳайрон қолдим: отамни билар экан, Ҳамро бобом-ку, кўлида йилқичи. Қойил.

– Ҳамро қочиб-пусиб кетди. Калонов уни тузлайман деяпти. Тузламайди. Қишлоққа борганда айтинг, Исмоилнинг тракторини акт қилиб кетсин.

Ана энди бу ёқлари бошқа гаплар. Биз сизга “мўла”дан ибратли оқсоқол ясаб берамиз.

Тоғам мудом тилдан қўймай мақтайдиган одам шу – Хусан Ҳакимов. У замонларда, биласиз, бир туманда ўнтага яқин совхоз бўларди. Ҳакимовнинг хўжалиги эса “Биопункт” дейиларди. “Пангат” хўжалиги ҳам шунинг ичида, йилқичилик, қўйчилик, ғаллачилик тармоқлари бор, боз устига Пойариқнинг Кўлтўсин, Ғаллаоролнинг Лалмикор деган жойларини ҳам хўжалик ҳисобига киритган, яъниким юзлаб эмас, балки минглаб ишчилари бор эди. Мустақиллик йилларида йилқичиликни хусусийлаштиришга жон-жаҳди билан қарши тургани боис ҳозир ҳам сақланиб қолган. Билмадим, тагин қаерда бор – Жиззахда “Конний завод” – от хўжалиги бор деб эшитардим, ҳозир ҳам бормикан, бироқ мана, мен айт-япман – Қўшрабда бор.

Пангатнинг ўзини тоқзор боғ қилиб юборди. Сув чиқмайдиган қир-адирлар ҳам тоқзор бўлди. Очиғи бу ишларни бир одам қўли билан бунёд этолмайди-ку. Одамларнинг бошини қўшган, ишлатган, ҳақ берган. Натижада “бу дунёда Пангат, у дунёда – жаннат” деган мақол пайдо бўлди. Ободончилик ишини пухта қилар эди. Тоғам, у одам деярли ухламас эди, кечаю кундуз юрар эди, бошқаларниям тиндирмас эди, дейди. Ви-

лоятга борсаям, обрўси катта, хўжалик учун бир катта нарса ундирмай қайтмас эди, дейди.

Ҳозир тирик бўлганида балки жудаям катта бир фермерлик хўжалигига бош бўларди. Лекин оқсоқолчилигининг зўр белгиси – ишчиларидан биронтасининг бурни қонашига йўл қўймаган. Четдан бировларни ара-лаштирмаган. Боя Ҳамро бобом ва Исмоил тракторчи ҳақида гап бўлди.

Бобом Ҳақимовнинг йилқи-биячилик хўжалигининг бир фермасида бош чўпон эди. Аввал ўзимизнинг қишлоқда, сўнг Лолаҳовуз қишлоғида. Чўпон деганиям бола-чақали, еяромон-ичармон дегани-да. Хашак, арпадан уйига опкетиши бор, йилқиға жондор (бўри) тега ё касалланса ҳалоллаб сўйиб олсаям зоотехник (Жўрақул Калонов – ҳозир 90 ёшни қоралаб қолди, тарих билимдони, зўр одам)ка молнинг калласини кўрсатиб ҳаром ўлди деб тураверади. Албатта, ҳаддидан ошса, Ҳақимов ҳам, Калонов ҳам қараб турмайди. Ишнинг машаққати аён. Шу боис Ҳамрони Калоновга тузлатиб қўймайман, деяпти. Бу – раҳбарнинг ишга инсоф кўзи билан қараётганининг белгиси.

Энди, Исмоил ака дедик. У киши ҳам бизга амаки. Ўзи зўр, жуда оққўнғил одам. Ичишни бир йил ташлаб, иккинчи йили меъеридан ҳам ошириб ичиб юрадиган одати бор эди. Шу ҳолда пат-патининг рулига ўтириб кетаверар эди. Етмишни қоралаяпти, умринг узун бўлгур, ҳалиям одати шу: бир йил ташлайди, бир йил обдон ҳиссасини чиқаради.

Кунларнинг бирида... Э, бу қизиқ воқеа жуда. Унда отаси Облоқул бобом – Ўнар бобомнинг укаси, уруш қатнашчиси, чарс, валломат одам – тирик эди. Уша кунни бўлим кассири маош тарқатган экан. Акам шериклари билан пўла бўлгунча ичган. Яна Зармитан-данми, қаердандир бир яшик пиво ҳам олган. Трактор кабинасига орволиб, кайф зўр, қўшиқни ванг қўйиб келаверган. Қишлоқ йўли тик, қияликлардан иборат, ўнқир-чўнқир, тор.

Опаси Саломат аммам Қўрғонтепанинг пастида туради, тракторининг овозидан таниб Исмоилжон билан кўришиб-сўрашиб қолайин деб йўлга чиқса, тепада трактор тарр-тарр қилиб турганмишу, акам рулда ётиб олиб уйқуни ураётганмиш. Бир маҳал трактор секин орқага тисарилибди. Аммам вой-вой, ҳой-ҳой, ким бор деганча қолаверибди, транспорт орқага тисарила-тисарила бошқарув йўқолгач, пастга қараб қулаб кетибди. Бир думалабди, икки думалабди, ниҳоят ма-софаси бир чақиримча келадиган сайҳонликка тик қиядан сочилиб-парчаланиб думалаб кетибди.

Ўртада Омон муаллимнинг уйи бор, уйига зарар қилмай чорбоғининг деворларини бузиб ўтиб кетибди. Сойдаги сувга иккита баллон етиб борибди, тракторнинг қолган қисми йўлда сочилиб адо бўлган.

Худонинг сақлаганини қаранг: трактор биринчи қулаган захотиёқ акам кабина эшиги очилиб тушиб қолган экан. Яна қизиғи, ўша бир яшик пивоси ҳам кучоғида эмиш. Аммам буни кўрмаган экан, ой-ҳой, Исмоилжоним нима бўлди, қаранглар, деб айюҳаннос солиб бақирармиш. Қарашса, акам бир яшик пиво қўйнида, етиб келган одамларга ҳиринг-ҳиринг кулиб ётганмиш. Бирор жойи лат емаган.

Ҳа, яратган Эгам сақлайман деса қирқ йиллик қирғиндаям сақлайвераркан. Аканинг омон қолгани

яхши – Худо қайтариб берди ахир. Айби ҳам ўзи билан. Лекин мен бошқа нарсани айтаман: Ҳақимов бу воқеани эшитиб хурсанд бўлмагани аниқ, жазаваси кўзигандир балки, шунга қарамасдан акамни кечирганини қаранг!

Кал бўлсам ҳам тароғим тиллодан деганлари сингари амаким ориятли одам, Ҳақимов қанча сўрат-тирсаям бормай юрди. Ҳамро отам иккита баллонни отига хуржун қилиб Қўшработга оборса, директор: бўлди, ҳисоб, Исмоилжонга айт, қочиб юрмай бир келсин, депти. Исмоил акам бари бир бормади: юзи чидамади шекилли. Охири орқасидан бир янги “Беларус” жўнатибди оқсоқол. Акам шуниям минолмай бир мударат қийшанглаб юрди. Отасидан даққими, таёқми егач рулга ўтирди. “Беларус”ни миниб пенсияга чиқди. Аммо оқсоқолнинг вафотигача унинг кўзидан қочиб юрди.

Исмоил акамнинг меҳнаткашлиги, оққўнғиллиги, балки орияти ёққандир, эҳтимол жўжабирдай жон – шуни ўйлагандир, ҳар нечук кечиргани бор гап.

Ўзи катта қалбли одамларнинг меҳриям катта бўлади шекилли.

Ҳа, Ҳақимов Қўшработнинг оқсоқоли эди. Одамларнинг бошини қўшишни яхши эпларди. Неча райком, неча обком билан ишлади – ҳурмат-обрўйини йўқотмади. Қўл остидагиларга кўрс, кўпол муомалали бўлиб туюлди, аммо бирортасига зуғум қилмади. Шунинг учун тоғам у кишини тилдан қўймайди.

Мана, у одам дунёдан ўтгандан кейин ҳам туманга уч-тўрт раҳбар келиб кетди. Лекин бирортаси “э, бу оқсоқолнинг боғ-роғлари қаровсиз қопти-ку” деб саъй қилмади. Энди, уларнинг ичида ҳам фидойилари бўлгандир-ку, аммо айтаманки, юрт оқсоқоли бўлмадилар чоғи. Бўлмаса Хусан Ҳақимов шу боғларни Қўшработ халқи есин, тўйсин, даромад қилсин, соясида сояласин деб қилган-ку, ўтин бўлсин, кесиб печига ёқсин демагандир-ку. Гапнинг ўролиям шу-да.

Энди ҳикоямизнинг бошидаги ҳангомага қайтамиз.

Эрув бошлангач тоғам билан қишлоққа кетяпмиз.

Қир-адирларда анчадан бери муз қотган қорлар ғалати тарзда, янги жилғалар ясаб пастликка оқиб тушади. Йўллар чети лойқа-бўтана сувга тўлган, асфальт йўл тагидаги қувурлардан сув тўлиб оқиб чиқаётир. Ҳайрон бўламан: лалмикор буғдой, маҳсар экилган шудгор ерларнинг оқиб тушаётган лойлари кейин қаерга тўпланаркин?

Охири бахайр бўлсин ишқилиб. Шу кунни тоғам билан иккита жойга кириб фотиҳа қилдик. Ҳаммаёқ билч-билч бўлиб ётибди. Исмоил акамнинг кампири Ойсара чечаям яқинда қайтиш қилган. Маъракаси ўтди, эндиям бормасам тоза уят. Бироқ юқорига машина чиқолмади. Тоғамни пастда, машинада қолдириб ўзим пиёда чиқиб келдим. Ўзиям тиззамгача жиққа хўл бўлди. Лекин қарзимдан қутулдим. Эртаси кунни тагин икки жойга кириб “қўл қайтариб” чиқиб ортга жўнадик.

Кечасиям илмилиқ ҳаво бўлгани учун эрув кучайиб текис жойлардаям шарқираб бўтана оқиб ётибди. Қўлтўсинга етганимизда кўприк тагига сув сиғмай сел асфальт устидан оқаётганининг устидан чиқдик. Бир тўда одамлар чиқиб томоша қилаётир. Биз ўтсак бўладими деб сўрадик. Ўтаверинг, деб қўйди бири. Қўрқа-писа ўтиб олдик. Шу қўйи Ғаллаорол туманига қарашли Гулчамбар, Оқтош қишлоқларидан ҳам ўтдик.

Эртаси куни ўша биз ўтган қишлоқлардан бирини сеп ювиб кетгани ҳақида шумхабар тарқалди. Яхши гапдан кўра ёмони тез ёйилади. Ҳартугул қурбонлар бўлмапти. Кейинги кун укам телефон қилиб қолдики, Кўлтўсиндаги кеча сизлар ўтган кўприкни бир соатдан кейин сел бузиб, ундан бошқа йўлнинг бир қисминиям катта жар қилиб ўйиб ташлабди. Шукрки, одам оқмаган.

Ана энди шу талофатга ям роса бир йил бўлди. Кўкламдан ёзгача Кўлтўсин орқали юрувчи транспорт воситалари бир неча чақирим наридаги Довтепа қишлоғи орқали чанг-лой кўчадан айланиб ўтадиган бўлишди. Ёзда Ғаллаоролнинг Оқтош, Кўчарбулоқ қишлоқлари кўприклари янгиланди. Айниқса, Кўчарбулоқда бундай сел-тошқинларга бемалол дош берувчи катта кўприк қурилди. Лекин Кўлтўсинда... ёзда ҳув йўлни жар қилиб бузиб кетган жойга одамлар шахсий ташаббус билан иккита каттакон қувур ётқизиб, устидан шағал-тош тўкиб чиқишибди. Енгил машина, микроавтобуслар амаллаб ўтса бўладиган қўлбола кўприк. Бироқ катта ҳажмга эга юк транспортлари, автобуслар ўтолмайди. Бу йўлдан ҳар куни турли юмуш билан юзлаб эмас, минглаб одамлар ўтади. Тошкент, Жиззах, Сирдарёдан Кўлтўсин, Накурт, Қудуқча ва Қўшработнинг ўнлаб қишлоқларига Заркент, Зармитан қўрғонларига, жумладан, бизнинг Тумановул, Майинтепа, Камаровул, Бойтўп, Жабутай, Қурисой, Қувкалла қишлоқларига ҳам шу йўл орқали ўтилади. Илгари одамлар йўлнинг ўйдим-чуқурлигидан нолишарди. Энди шу йўл ҳам ғанимат бўлиб қолди. Бояги қўлбола кўприк баҳорнинг илк сели келгандаёқ оқиб кетади. Шундай катта ва серқатнов йўлга муносиб кўприк солиш нима учун бошқаларни қизиқтирмайди – ҳайрон қоласан киши.

Бир ойдан ошди, тоғам янгам билан яна Тошкентга келган. Қиш-қировли кунларда қишлоқдан бирин-кетин икки жаноза хабарини эшитдик. Орада бир ҳафтача илиқроқ, ёғин-сочинсиз кунлар ҳам бўлди. Бари бир йўлни ўйлаймиз. Кечаги гаплашганимизда тоғам Кўлтўсинда кўприкнинг йўқлиги, бир йилдан бери раҳбарлар эътибор бермаётганини айтиб нолиди.

– Собир-эй, – деди сўнг, – бурун юз қўйли одамни катта бой дер эдик. Шу айби учун улар қулоқ ҳам бўлиб кетишди. Ҳозир қишлоқларнинг ўзида бурунги бойлардан юз карра бойлар бор. Машинанинг зўридан минади, уйини қават-қават қилиб қуради, тўйига фалон минг доллар сарфлаб, номдор артистни чақириб керилади. Иномарка машиналари хароб йўллардан юрса, бу йўлларни эрта-индин келиб давлат қуриб, созлаб бериши керакдай ҳаммага қўшилиб нолиб юраверишади. Қанақа юраги қотиб кетган одамлар булар?

– Тоға, булар асли давлатдан юлиб бой бўлишни фазилат деб билишади. Халқ фаровонлиги деб пул сарфлашга ор қилишади. Шунақа пишиқ бойлар булар.

– Эҳ, Ҳусан Ҳакимов яшамади-да шу кунларда. Барисини уйдан қувиб чиқиб тикка қилмасмиди! Ў, ноинсоф, пулинг бор экан, молинг бор экан, уйингнинг ичини ялтиратгунча бу ёққаям қара, кўр бўлгур, дерди. Ҳа, айтарди шу гапларни. Ёки кўприклар учун мутасадди бўлганнинг эшиги олдида итдай ётиб оларди. Ҳай, аттанг, қадрини ўтди-да баччағарнинг.

Яқинда дунёдан ўтган биринчи адабиёт устозим Омон ака Қўчқоров тоғамнинг тенгури эди. Маъракаси ҳам ўтибди. Йўлни ўйлаймиз. Қўшиқдаги “йўллар олис, отим ориқ, етолмайман-ей” деган сатрлар эсга тушади. Ҳолбуки бу йўлларга полвон отлар ҳам дош бериши қийин энди. Қишлоғимиз узун сойнинг икки бетиде жойлашгани учун орада 4-5 та кўприк қурилган. Бултурги сел уларниям омон қолдирмаган. Бир эпини қилиш одамларнинг ўзига ҳавола. Ҳокимга ёзадими, у келиб кўриб ёрдам берамиз дейдими, лекин охир оқибат, барибир гап ўзларида қолади. Бир ташаббускор оқсоқол жон куйдирмаса қийин.

Мана, йўлга чиқдик ҳам дейлик. Ғаллаорол, Маржонбулоқ йўли билан энди юриб бўлмайди. Чунки Кўлтўсиннинг бултурги кўприги ўрнида бугун ҳайхотдай жарлик бор. Жарлик тагига қилинган омонат кўприкни кичкина сел ҳам чалпак қилиб ташлабди. Шу боис Самарқанд ёки бўлмаса Жомбой, ундан Пойарикнинг Эшимоқсоқ қишлоғи орқали Челақ, Митан, Қўшработни айланиб бориш керак. Унда камида 70 чақирим ортиқча йўл босишга тўғри келади.

Тоғамга айтдим:

– Ҳадеб Ҳакимов деяверманг. У одам энди кетди. Ҳозиргилар жуда закунчи. Бировга бир нарса дейиш қийин. Бор йўлдан юриб тураверамиз. Шунисиғаям шукр. Биздан кўра кўлтўсинликларга қийин, чунки жарлик бир қишлоқни қоқ иккига ажратиб қўйди, бизлар бўлса... шу қишлоқдан ўтиб-қайтувчи йўловчилармиз, холос. Шундай эмасми? Эртага отланаверинг, йўлга тушамиз!

Йўлга тушармиз, бориб ҳам келармиз.

Тасаввур қиламан: чўққисоқол, чорпахил, юзни қоралаган оқсоқол Ҳакимов 600 та йилқиси бор янги замон бойи Абдурахмоннинг дарвозасини уряпти. Абдурахмон чиқиб чолни жеркияпти. Тахминан бундай дейди: “Ну и что! Транспорт налогини бензинга қўшиб тўлаяпманми – тўлаяпман. Фермер хўжалигидан йўл солиғини қуртдай ундириб олишяптими – олишяпти шоввозлар! Олиб қаёққа бекитишяпти? А, қаёққа бекитишяпти? Ана, ўшалар қуриб беришсин кўприкни! Сизнинг замонингиз ўтди, бобой!”

“Бобой” мулзам тортиб қолар эди, эҳтимол.


Эҳтимол чиндан ҳам замони ўтганига афсус чекарди. Лекин ўзибўларчиликка чидай олмас эди.

Оқсоқолчилик шунда керак!

Ҳа, ҳар элга бош керак!



Ваҳоб РАҲМОНОВ



## БИР АСРНИНГ ИККИ ДАҲОСИ

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос олим  
Ваҳоб РАҲМОНОВ билан суҳбат

– Сир эмаски, бугунги глобаллашув даврида ёшларни гоҳ кўнгилочар компьютер ўйинлари, гоҳ қизиқарли мультфильмлар ёки саргузаштнамо китоблар шаклида кириб келаётган бўҳронлардан, дину диёнатимиз, яшаш тарзимиз, қарашларимизга зид бўлган ваҳший гоялардан асраш масаласи кун тартибидан турган муҳим мавзулардан биридир. Инсон онгини асраш эса қалбни асрашдан бошланади. Буюклардан бири айтганидек, қалб айнаган жойда бутун вужуд хасталикка юз туттиши табиий. Хўш, қалбни қандай асраш мумкин? У кўзга кўринмас, шоирлар тасвирлаб берган мавҳум сураатларидан бошқа шаклу шамойили бўлмасми?

Бу ўринда бизга бой адабиётимиз, унинг умрбоқий мавзулари, инсон камолотига доир ўлмас асарлар ёрдамга келади. Хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги икки буюк сиймо – Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш орқали чинакам инсон ҳаёти қандай бўлиши кераклиги ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш мумкин. Навоий ва Бобур асарларининг туб моҳиятига етиш учун уларни тушуниб ўқиш керак бўлади. Кўриниб турибдики, жараён ўз-ўзидан мумтоз адабиётни ўқитиш масаласига бориб тақалади. Таассуфки, ҳалигача мактаб ўқувчиларининг Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижоди ҳақидаги тасаввурлари “Фурбатда ғариб” ёки “Толёй йўқ” деб бошланувчи рубоийлардан ёхуд “Шер билан Дурроғ” ҳикоятидан нарига ўтгани йўқ. Аминманки, қоракўз фар-

зандларимизга адабиёт фанидан сабоқ бераётган муаллимларнинг мумтоз адабиёт бора-сидаги билимлари ҳам талаб даражасида эмас. Ҳолбуки, адабиёт муаллими мумтоз адабиётимизда мавжуд вазнлар, шеърини санъатлар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши, мактаб дарслигига киритилган шеърини матнлар ва ривоятларни таҳлил қила олиши зарур. Бу борада сизнинг фикрларингиз қандай?

– “Қалбни қандай асраш мумкин?” Бу жуда жиддий савол. Рўшунослик нуқтаи назаридан ёндашсак, ёш китобхонлар қалбини асраш ёки аниқроғи, эгаллаш учун уларни мумтоз адабиёт намуналарига қизиқтириш керак. Менинг жаҳон адабиёти ҳақидаги телекўрсатувларимиз анча қизиқарли эканлигига ҳавасим келади. Биз навоийшунос ва бобуршунослар ҳам чиқишларимизда қизиқарлилик билан муҳимликни қориштира олсак, бунга эришамиз. Қуйидаги мисол қизиқтиришга икки асос беради: биринчиси, ҳикоянинг ўзи қизиқ, иккинчиси, чала билим хавфли эканлигидан огоҳлантиради. Мирзо Абдулқодир Бедил “Чала билим билимсизликдан ёмон”, деган. Мактабда аъло ўқиш, билимларни асосли, ҳар томонлама теран эгаллаш лозим. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида “Кўрлар ва фил” ҳикоясини келтирган. Санойининг “Ҳадиқатул ҳақиқа ва шариат ул-тариқа” (“Ҳақиқат боғлари...”) ва Жалолдин Румийнинг “Маънавий маснавий”ларида мазмуни келтирилган бу ҳикоятни даҳо шоиримиз ўз достони орқали ўзбек адабиётига олиб кирди.

Мазмуни: бир гуруҳ кўрлар тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга бориб қоладилар. Сўнгра ўз

Ваҳоб РАҲМОНОВ

1940 йилда таваллуд топган. Хўжанд педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган. 1968 йилда “Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари ўзбекча таржималари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Етук таржимон. Ўнлаб илмий-маърифий қўлланмалар, юзлаб мақолалар муаллифи.

ватанларига қайтганларида, бир киши улардан: “Филни кўрдиларингми?” деб сўрайди. “Ҳа” дейишадилар. Савол берган киши: “Далил келтиринг-чи” дейди. Улар айта бошлайдилар: Филнинг олдинги оёқларини ушлаб кўрган басир: “Устун” дейди. Қорнини пайпаслагани: “Устунсиз” дейди. Хартумини ушлагани: “Аждаҳо” деса, тишларини тутиб кўргани: “Икки суяк” дейди. Қуйруғидан тутгани: “Бир илон осилиб турибди” деса, филнинг бошига қўл ургани: “Бир қоянинг тумшуғи” дейди. Қулоғини ушлаб кўрган басир эса: “Қимирлаб турган икки елпуғич!” дейди. Бу сўзларни тинглаб турган ҳиндистонлик филбон элга қараб: “Булар филни ўз кўзлари билан кўрмаганлар, лекин ҳаммалари тўғри айтаяптилар. Ана шу айтилганларнинг ҳаммаси йиғилса, фил ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўлади” дейди. Бу ҳикоя ҳақидаги хулосалар:

– филбон басирларни хижолат қилмади. Андиша қилди. Комил одам ўзгани мулзам қилмайди.

– уларнинг гапларини тасдиқлаб, фил ҳақидаги ҳақиқатни айтди.

– шунча кўрлар, яъни билими чалалардан кўра, битта филбон-билимдон одам ҳақиқатни билар экан, билими мукамал экан. Шунинг учун кўп ўқиш ва ўқиганини ўқиш керак экан.

Энди худди шу воқеани эслатадиган иккинчи бир қизиқарли ҳолатга мурожаат этайлик. Ҳатто илмнинг энг мураккаб соҳаси – матншуносликка ҳам ўқувчини қизиқтириш мумкин. Чунончи, мен “Рубой ичидан одам чиқди!” десам, балки сизнинг энсангиз қотар... Бироқ мен матншунослик – сеҳргарлик ва донишмандликдир дея гап бошласам сиз балки қизиқарсиз.

Бобурнинг ярим аср давомида китобдан китобга ўтиб келаётган қуйидаги рубойи, (балки буниси ўнинчи маротаба такрор нашридир) тўғри ўқилмаган, бунда на соғлом мазмун бор ва на қофия, деб даъво қилсам-чи?

*Гар руҳ дам этса оҳанги на ғам,  
Мажлиста не ҳузн қолур эрдию не ғам,  
То борғали руҳ дам беринг мажлисдин,  
Мажлис элига не руҳ қолдию, не дам.*

**“(Шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур) “Шарқ”, 1996, 93- бет)**

Биринчи мисра мазмуни: Арвоҳ мусиқа чалса на ғам?! Ие, арвоҳ мусиқа чаладимиз? Қофиялар: ғам- ғам-дам... Рубойнинг бирор мисраси Бобур аслиятига мос эмас. Демак, олимларимиз Бобур матнини тўғри ўқий олмадилар. Ҳолбуки, улар Навоийга нисбатан Бобурни тушуниш осон деб даъво қиладилар.

Мен шоир аслияти – араб ёзувидаги Бобур қўлёмасига қарамасдан бу рубой таҳририга киришаман ва эпақага келтиролмаган жойда аслиятга қараб оламан. Бунда менга Бобур ва унинг

муҳтидаги кишилар ҳақида билишим ва луғат соҳасидаги тажрибам асқотади.

“Бобурнома”да уч-тўрт ўринда Бобур базмларининг гули – хушовоз ҳофиз Рухдам ҳақида сўз боради. Бу ҳақда мен “Бобур мажлисларининг Масиҳоси” номли мақола ҳам ёзганман. Таҳрирга киришдим; нағам – нағма, куй, ашула; оҳанг – бошламоқ.

*Гар Рухдам этса оҳанги нағам,  
Мажлиста на ҳузн қолур эрдию на ғам.*

Мазмуни: базмда Рухдам ашула бошласа, базмдагиларда ғаму ҳазинлик деган нарса қолмайди.

Ана шунақа сеҳрли овоз соҳиби бўлган Рухдам! Балки бу исм ҳам эмас, лақабдир, ким билсин... Рухдам нафаси жон бағишловчи демақдир. Бу сўз (Рухдам) Исо алайҳиссаломга нисбатан қўлланилар эди, холос.

Учинчи мисрага интуициям кучи етмайди: “беринг” сўзи хато! Буни тузатолмайман. Ночор Шафиқа Ёрқин ва Билол Южел тузган Бобур “Девон”ларидан шу рубойни топаман. Мана, гап қаёқда: “беринг” эмас, “бизинг” экан! Бизинг – бизинг демақдир. Мана бу масала ҳам ҳал бўлди ҳисоб.

*То борғали Рухдам бизинг мажлисдин,  
Мажлис элига на руҳ қолдию, на дам.*

Мазмуни: базмимиздан Рухдам чиқиб кетгач, базм аҳлининг ҳаловати бузилди. Эътибор бер-япсизми? Мен сеҳргарлик қилиб Бобур рубойи ичидан Рухдам исмли машҳур ҳофизни тортиб чиқардим-а! Энди хулоса: бу ҳикояда олимлик зақоси тантанаси ва шарафи бор! Балки ўқувчи шу бир мисол кашфидан олимликка бироз қизиқа бошлар. Ахир мен ўнлаб олимлар ҳал қилмаган матн муаммосини ҳал қилдим-а?! Ахир, Рухдам масаласини жаҳон олимлари, ҳатто Билол Южел ҳам тўғри ҳал қилолмаган. Биргина “Бобур “Девон”ида (1994 йил, “Фан”) бундай матн нуқсонлари юзлаб топилишини айтсак, миллатимиз чинакам синчков олимларга муҳтож эканлиги маълум бўлади. Буни ҳам ёшлар билишлари лозим.

Қизиқтиришининг иккинчи усули: ёшларни жиддий равишда комилликка чорлашдир. Айтиш мумкинки, мумтоз адабиёт жавоҳирлар қони. Бу хазинага тушганлар ахлоқ-одоб жаннатига тушадилар ва ҳақиқий адабий-эстетик лаззат туядилар, ҳис-туйғулари, мушоҳадалари баркамол Шахс бўладилар. Бунинг учун улар аввало ўз олдларига юксак орзу қўйиб олмақлари керак. Юксак орзусиз бола – одам эмас! Одам ҳайвондан орзулари билан ажралиб, фарқ қилиб туради. Ватанга Шахслар керак! Шахс бўлиш учун ҳар томонлама мукамал билим керак. Шахс – инсоният гултожи! Эй фарзанд, келажакнинг масъулиятли фуқаросисан, деб эслатиб турайлик ёшларга!

“Навоий ва Бобур асарларининг туб мохиятига етиш учун уларни тушуниб ўқиш керак”. Бу – ҳақ гап. Бироқ бунинг ҳозирча иложи, имкони жуда оз. Бунинг учун Навоий ва Бобур асарларининг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилига табдил қилиниши керак. “Хамса” дostonлари, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Бобурнома” табдили бор, холос. Мумтоз адабиётни китобхонга етказишнинг кўплаб усулларини ўйлаб топмоғимиз лозим. Профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Хамса” дostonларини ҳикоя қилиш асосидаги янги талқинларини мен табриклайман. Бу “Хамса” “Янги аср авлоди” нашриётида 4-5 маротаба қайта нашр этилди. Энди бу эстафетани “Шарқ” ҳам давом эттира бошлагани жуда яхши иш бўлди.

Энди дадиллик билан “Хамса” дostonларининг жанрини сақлаган ҳолда ҳозирги тилга ўгириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолди. Муаммо шундаки, олимларимиз халқдан Навоий ва Бобур асарлари аслиятини тушунишни талаб қилмоқдалар. Табдилга юзлаб айб қўймоқдалар. Тўғри, буюк ижодкорларнинг йирик ҳажмдаги асарларини ҳозирги ўзбек тилига ўгириш асносида хатоликларга ҳам йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун табдилни мукаммаллаштирайлик, саралайлик! Ҳолбуки, ўзлари олим бўлатуриб, асл матнни тўғри ўқиёлмаяптилар-у, малакасииз, луғат билмайдиган китобхонга даҳоларни аслиятдан тушуниб олинглар, демоқдалар. Ана холос! Билим босқичма-босқич эришиладиган жараён бўлади. Китобхон аввал асарнинг ҳозирги тилдаги табдилини ўқисин, қизикса, аслиятга интилади...

“Адабиёт” фанидан сабоқ бераётган муаллимларнинг мумтоз адабиёт борасидаги билимлари талаб даражасида эмас”лиги қанчалик аччиқ бўлмасин – бу ҳақиқат. Бунга ҳам биз, табдил душмани бўлган олимлар айбдоримиз. Навоий ва Бобурни уларга ҳам аввал табдилда тушунтириш лозим. Минг таъна қилмайлик, улар аслият нашрини ўқимайдилар. Бу соҳада юз йилни зое қилдик, десам муболаға бўлмас. Агар биз олимлар, Навоий ва Бобур дўсти, халқ дўсти бўлсак, биринчи навбатда Навоий ва Бобур асарларининг жанрини сақлаб,



ҳозирги тилга тўла табдил қилмоғимиз керак. Шундагина ўқитувчи ўқийди, ўқувчи ўқийди, миллат ўқийди.

Республика мактаб, коллеж ва лицейларидаги тил ва адабиёт ўқитувчиларининг тенг ярмини мен ҳайдовчига ўхшатаман. Улар диплом олгач, бадий асар ўқиш ва ёдлашни йиғиштириб қўйиб, фақат тирикчилик кўйида куймаланадилар. Лекин уларни ҳам ғалвирга солиш пайти яқинлигини қайд этгим келади. Ўзига талабчан бўлмаган адабиёт ўқитувчисига куни қолган миллатга раҳмим келади.

Устозлар, ўз-ўзимизга талабчан бўлайлик! Бу ўриндаги талабчанлик Навоий ва Бобур асарларини луғат орқали мукаммал ўқиб чиқиш ва юзлаб шеърларни ёд билиш демакдир. Бунинг устига, устозга таъмагирлик эмас, талабчанлик фазилат!

– Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек мумтоз адабиётини ёритиб турган икки ёруғ юлдуздир. Уларнинг замондош бўлиши, битта асрда яшаши Яратганнинг буюк ҳикмати бўлса ажаб эмас. Ижодининг илк босқичларида Навоий Бобур учун унинг ўз таъбирича айтганда, “назири йўқ устод” вазифасини бажарган. Тарихий китоблар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзаро мактуб ёзишганлари ҳақида маълумот беради. Бобурнинг ўзи ҳам “Бобурнома” асарида Навоийдан мактуб олгани ҳақида ёзар экан, “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишер тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғафво бўлди”, деган сўзларни келтиради. Мазкур асарида Алишер Навоий ижоди ва шахсияти ҳақидаги фикрларини очиқ-ойдин ёзгани, Навоийнинг туркий тилда битган ғазалларига юксак баҳо бергани ҳам унинг Навоийга бўлган чуқур эҳтиромидан далолатдир. Лекин айни пайтда Бобур ростгўй танқидчи ҳамдир. Чунончи у Навоий рубоийларининг вазнлари ҳақида фикр билдирар экан, айрим ўринларда хатоликлар борлигини таъкидлайди. Шунингдек, буюк шоирнинг форсий девонидаги ғазаллар анча бўш эканини айтади: “Яна “Мезон ул авзон” номли аруз китобини битган, анча мулоҳазаталаб: йигирма тўрт рубоий вазнининг тўрт вазнида хато қилган. Баъзи баҳрларнинг вазнларида ҳам янглишган. Бу аруздан хабардор одамга маълум бўлади. Форсий девон ҳам тартиб берган. Форсий назмда “Фоний” тахаллусини қўллаган. Баъзи байтлари ёмон эмасдур. Бироқ аксари сушт ва бўштобдир”. Умунан олганда, Бобурни Алишер Навоий асарлари ҳақида танқидий фикр билдирган кам сонли ижодкорлардан бири дейиш ҳам мумкин.

– Бобурнинг Алишер Навоийга нисбатан танқидий муносабати сири ҳозиргача кенг оммага маъ-



лум эмаслигида биз олимлар ҳам айбдоримиз. Маълум бир асарни баҳолашда икки хил фикр бўлади. Биринчиси, умум илм аҳли фикри. Иккинчиси, шахсий фикр.

Авалло, Бобурнинг рубоий вазнидаги Навоий хатолари ҳақидаги фикри бир жиҳатдан андишата-лаб. Котиб хатосини Бобур Навоий хатоси деб ҳисоблаган. Арузшуносларимиз бу масалага қизиқиб, обдон текшириб кўрганлар ва Бобур хулосасига қўшилмаганлар. Навоий котибларининг кўпчилиги форсийзабон кишилар бўлганини ҳисобга олсак, буни тушуниш қийин эмас.

Бобурнинг “Девони Фоний” ҳақидаги танқидий фикрига келсак, бунда ҳам икки жиҳатни ҳисобга олмоқ жоиз. Биринчидан, бу танқид Бобурнинг шахсий фикри. Бу – умум илм фикри эмас. Навоий замондошлари, устоз ва шогирдлари, кейинги асрлардаги форсийзабон олимлар, эрон олими Саид Нафисий ва академик Абдулғани Мирзоевлар “Девони Фоний” ҳақидаги тадқиқотларида Навоий шеърларини Ҳофиз ва Саъдий шеърлари даражасида маҳорат билан ёзилганлигини қайд этганлар. Улардан бирор киши Бобур фикрини ёқламаган.

Иккинчи бир жиҳатни мулоҳаза қилайлик. “Хазойин ул-маоний” барча темурий ҳукмдорларга совға тариқасида элчилар орқали юборилган. Бобур Навоийнинг она тилидаги шеърлари болидан баҳраманд бўлиб камол топган шоир. Афтидан у 1506 йили Ҳиротга келгандан сўнг “Девони Фоний” билан танишган ва иккинчи тилдан Бобур аввалги асални топа олмаган. Асал еб юрган одам шакарни писанд қилмайди. Қолаверса, жаҳон Бобурдай иккинчи бир қаттиққўл адабиётшуносни билмаса керак. Унинг бирор шоир ҳақидаги “Ёмон ёзмайдур” деган баҳосини олий даражадаги мақтов тарзида қабул қилмоқ керак. Масалан, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонига ниҳоятда салбий баҳо беради. Уни ўқиган кишининг Муҳаммад Солиҳ шеърятидан кўнгли совийди, дейди. Шунингдек, достондан биргина тузук байт топади:

*Бўлди Танбалга ватан Фарғона,  
Қилди Фарғонани танбалхона.*

Ҳолбуки, мен Муҳаммад Солиҳни Муҳаммад Шайбонийхон маддоҳи сифатида қанчалик ёмон кўрмайин, унинг достонини мақтагим келади. У ўн етти ёшли Бобурни илк маротаба ўз достонига қаҳрамон қилиб олди ва унинг ҳаққоний, тўлақонли ижобий образини яратди. Бироқ достонни даштли ўзбак ўқувчиси дидига мослаб ёзганини ҳам инobatга олмоқ керак бўлади. Муҳаммад Солиҳни умрида бир маротаба кўрган Бобур эса уни ярамас, золим деб баҳо беради. Алишер Навоийнинг Муҳаммад Солиҳга берган баҳоси ҳам ижоди, ҳам шахсига нисбатан ижобийдир.

Демак, Бобур фикри билан умум фикри кескин фарқ қилмоқда...

**– Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур муносабатларига доир сўзлари кўпчиликка ёд бўлиб кетган: “Албатта, Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин”. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий яратган адабий ва шеърый анъаналарнинг давомчиси саналади. Айтайлик, Навоий шеърый вазнлар хусусида “Мезон ул-авзон” асарини ёзган бўлса, Бобур аруз қоидалари ҳақида “Муфассал” номли бебаҳо асарни битди. Маълумки, Навоий ижодида ҳаёт моҳиятини англашга уриниш истаги устунлик қилади. Шоирнинг қатор достонлари, “Тарихи ҳукамо ва анбиё” номли тарихий асари, айниқса фалсафий мазмундаги “Лисон ут-тайр” достони шундан дарак беради. Айни хусусиятдан Бобур ижоди ҳам ҳоли эмас. Чунончи, у исломий ақидалар, шарият қонунлари ҳақида “Мубаййин” номли асарни яратди. Темурийлар салтанатида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг “Волидия” асарини катта кўнт билан таржима қилди.**

**“Бобурнома”да у ҳатто мана шу асар хосияти туфайли оғир хасталикдан тез кунда оёққа турганини баён қилган. Навоий ва Бобур ижоди ўртасида муштарак жиҳатлар борлиги кўпчиликка маълум. Лекин айни пайтда бу икки муҳташам ижод олами ўртасида бир-бирдан фарқ қиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Мисол учун, гарчи улар ўртасида давр нуқтаи назардан катта фарқ бўлмаса-да, “назмий тиллари” турлича. Навоийни тушунишимиз қийин-у, Бобурни осонроқ тушунамиз. Ҳазалларининг вазнлари эса бир-бирдан кескин фарқ қилади. Навоий ижодида тўққиз байтдан кам ғазалларни деярли учратмайсиз. Бобур ғазаллари эса олти ёки етти байтли, беш байтдилари ҳам бор. Бу тафовутнинг сабаби нимада?**

– Бобур ва Навоийнинг дин, дин арбоблари ва аҳкомларига муносабатларида ҳам яққол сезиларли фарқлар бор. Бобур – мусулмони комил, фикҳ олими, дин ва пирларни икки олам халоскорлари, нажоткорлари деб биладиган, дин амалиётига катта аҳамият берадиган шоҳ. Дин уни кўпроқ амалий фаолият жиҳатидан қизиқтиради. Бобур динга чуқур кирмоқчи эмас, Навоий сингари сўфий ва тасаввуф арбоби ҳам эмас. Шу жиҳатдан уларнинг қарашлари бир-бирдан фарқланади. Агар Бобур тасаввуфга қизиққанида эди, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳу дарвеш” достонига (жинсдош ошиқлар масаласи) танқидий ёндашмаган бўларди. (Композиция ҳақидаги фикрида Бобур ҳақ, албатта) Кишилар ҳақида келажак одамларига маълумот беришда Бобурни дунёвийлик, Навоийни сўфиёна сеҳрлилик банд этади. Буни муҳтасиб Шайх Ҳусайннинг Бобур ва Навоий тапқинидаги кескин фарқи кўрсатиб туради.

“Бобурнома”дан: “Яна Мавлоно Ҳусайн Шайх эди... Ҳикмат илмини, ақлий илмлар ва калом (“Қуръон”) илмини яхши биларди. Оз сўздан кўп маъно топиб, диққат билан нозик фикр юритмоқ унинг ихтиросидир... Муҳтасибликни (диний ва дунёвий тартиб назорати) ҳам ҳеч ким ундан яхши бажарган эмас. Султон Абусаид мирзога яқин бўлгани туфайли Султон Ҳусайн мирзонинг замонида шундай мислсиз кишини таҳқирладилар”.

“Насойим ул-муҳаббат”дан: “Ҳусайн Шайх Исмоил ота фарзандларидиндур. Мустаҳсам муомалалиқ киши эрмиш. Халқ анинг атвориға маҳлиё бўлубтурлар. Дунё асбоби сари майл қилмайдур. Бовужуди фахр ўзни ул навъ ғаний кўргузур эрмишки, халқ риоят йўлин топмаслар эрмиш. Оламдин ўтган замонида (нақл қиладиларки) элдин ғойиб бўлғондур. Ҳозир бўлғоч боши устида бир қуш кўнғон эрмишки, ҳеч ким ул нақшу ранглик қуш кўрмаган эрмиш. Элни кўргач учубтур, валлоҳу аълам (Аллоҳ энг кўп билгучидир)”.

Бобур Ҳусайн Шайхни жамиятнинг энг фаол шахси сифатида, сўз санъатида соҳир киши тарзида талқин этмоқда. Салтанат ўзгариши туфайли таҳқирланганини баён этмоқда. Навоий эса уни фақр (дарвиш) аҳлига мансублиги ва вафотига доир афсонавий тафсилотлар билан шуғулланмоқда...

Ана шу биргина тарихий шахсга нисбатан Бобур ва Навоий қарашлариданоқ Бобурнинг динга фақат амалиёт тарзида ёндашгани, Навоийнинг динга чуқур кириб кетгани, ҳатто шахсни илоҳийлаштиришга мойиллиги сезилмоқда. Чунки Навоий – сўфий, Бобур – подшоҳдир!

Бобур ва Навоийнинг “назмий тиллари” турличалиги ҳам тўғри. Бунинг сабабини мен бундай мушоҳада этаман: ҳамма замонларда ҳам подшоҳ шоирлар китобхонни кенг халқ оммаси деб тасаввур этган ва омма тушунсин деган андишада тилнинг соддалигига аҳамият беришган. Бу масаланинг бир жиҳати. Лекин бу билан Бобур ўз маҳоратини пайсатирган эмас. Навоий назарида, афтидан, китобхонлар оммасининг идрок даражасини юксалтириш нияти ҳам бўлган. Навоийёна байтларнинг мазмун қамрови бениҳоят кенглиги, сўз гавҳарига маънолар денгизини жойлаш каби маънавий жасоратлар шоир даҳосигагина хос. Ҳатто ўзининг бу мислсиз улуғворлигини Алишер Навоий лўнда қилиб айтиб ҳам кўйган:

*Дур бўлур баҳр ичра пинҳон назмидин шаҳ мадҳида  
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дурри макнун аро.*

Шоҳ мадҳидаги Навоий назмидан хижолат тортиб гавҳар денгизга яширинади. Чунки у (Навоий) ҳар бебаҳо гавҳар (сўз)га маънолар денгизини жойлагандир.

Бобурда бундай улкан даъво йўқ. У шоҳ ва шоир. Яъни, унинг асл орзуси – давлат, ҳокимият. Лекин кўнгил хуши – машқий ижоди билан ҳам На-

воий ёнида туриши унинг беқиёс маҳоратидан хушxabардир.

Бобур ҳаётидаги доимий ҳарбий сафарлар, кўнимсизлик, вақт имкони билан боғлиқ ҳолатларга кўра Бобур ғазалларининг байтлари – 5-7 байтли бўлган бўлса ажабмас. Навоий бу томондан ҳамма имкониятга эга эди. Ҳатто девонни барча ҳарфларга тегишли қофияли қилиш ғамини ҳам ер эди у...

Мен Навоий ва Бобурни қайта-қайта синчиклаб ўқиб, шогирднинг устоздан икки маротаба ўзганини кўрдим. Биринчиси, аруз вазнлари талқинида. Навоий “Мезон ул-авзон”да 130 вазн атрофида фикр юритган бўлса, Бобур аруз рисоласида 537 вазнни кашф этган. Ҳатто ҳарфий санъатларни қўллашда ҳам бир маротаба мўъжиза кўрсатган десак бўлади. Санойиё илмида истихроҷ (келтириб чиқармоқ) санъати бор. Шоир айтилган ҳарфлардан ёки сирли (назарда тutilган-у, айтилмаган) ҳарфлардан сўз яратади. Айниқса, қуйидаги байтларда нарсалар айтилган-у, уларнинг ўхшаш ҳарфлари айтилмай “Оллоҳ” сўзининг яратилгани истихроҷ санъатидаги Бобур ихтироси, “сеҳри ҳалоли”дир.

*Қадди била икки зулфу оғзи  
Жонимға бало бўлубтур “Оллоҳ”.*

Қад – алиф, икки зулф – икки лом, оғзи “ҳ”дир. Шу ҳарфлар йиғилса Оллоҳ сўзи ҳосил бўладики, Навоий тирик бўлса-ю, бу байтни ўқиса, қойил қолиб “Оллоҳ-Оллоҳ!” деб ҳайрат изҳор қилиши мумкин эди!

**– Алишер Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарини ёзиб, туркий тилнинг тарихий нуфузини тиклаб берди. Мазкур бебаҳо асарда у туркий тил феномени борасида тўхталиб, туркий фольклор ва этнографиянинг бойлиги ҳақида сўз юритди, туркий тилнинг ички имкониятларини, афзалликларини кўрсатиб берди. Хўш, она тилига муносабат масаласи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида, ҳаёт тарзида қай шаклда намоён бўлган? Маълумки, бир сафар Бобур ўғли Ҳумоюнга мактуб йўллаб, уни ёзиш услубининг баландпарвозлиги, ортиқча такаллуфлари учун койийди. Бундан кейин тушунарли ва равон ёзишга ундайди. Ҳолбуки, Ҳумоюн мирзо Бобурийлар салтанатининг вориси эди. Унинг учун равон жумла тузишдан ҳам муҳимроқ ишлар, айтайлик, сиёсат илми ва ҳарбий санъатларни пухта эгаллаш каби масалалар ҳам бўлганлиги шубҳасиз. Лекин подшоҳ отанинг ворис ўғлига ёзган мактуби уни тил ва ёзув масаласига жиддий ёндашувга даъват этишдан бошланади.**

– Гарчи Бобур Навоий каби тил ҳақида махсус асар ёзмаган бўлса-да, қомусий “Бобурнома”да тил ва тилшуносликка оид ўз мулоҳазаларини баён этган. Ҳатто бу соҳада кашфиёт ҳам қилган. Урта турли тиллар оиласига мансуб тилларни қиёсий

ўрганиш жаҳон тилшунослигида Бобурдан бошланган десак муболаға бўлмайди.

Бобурни кўпроқ этимология сўзларнинг келиб чиқиш тарихи қизиқтиради ва бу соҳада ўрناق бўларли янги илмий хулосаларни ўртага ташлайди. Бундан ташқари сўзлардаги ассимиляция ва диссимиляция ҳодисаларининг турли тиллардаги амалиётига ҳам қизиқади.

Янги ёзув ихтиро қилгани эса Бобурнинг новатор тилшунос сифатидаги ўқтам қиёфасини намоён этади. Бобур наздида маҳорат шеърни ортиқча бежаш ва мураккаб ёзишда эмас. Бобур маҳоратли тилшунос бўлганлиги боис содда ва аниқ фикр назоратида маҳорат кўрсатишни муҳимроқ деб билади.

**– Мумтоз адабиётни ўрганиш жараёни тадқиқотчидан чуқур билим, сабр-тоқат ва мустаҳкам иродани талаб этади. Чунки арабий имлодаги қўлёзма асарларини ўқиш осон юмуш эмас. Яхши адабиётшунос бўлишни мақсад қилган, мумтоз шоирларимиз асарларини нашр этиш чоғида йўл қўйилган хатоларни тузатишга бел боғлаган инсон эса матншуносликдан ҳам яхши хабардор бўлиши зарур. Сўрамоқчи бўлганим шуки, бугунги ёш тадқиқотчилардан кўнглингиз тўляптими?**

– Йўқ. Матн яратиш соҳасида 1970 йилги ҳолат билан ҳозирги нашрлар (мумтоз адабиёт ва тарихий манбалар назарда тутилса) орасида нуқсонларга бойлик жиҳатидан айтарли фарқ кўрмаганимдан ғоят афсусдаман. Бунда кексаю ёшни ажратмаяпман. Бироқ ноумид шайтон. Биздан кейингилар биздан ақллироқ, донишмандроқ бўлишлари, биздек чалалик балосидан қутилишларига ишонаман.

**– Истиқлол йилларида барча соҳалар каби адабиётга муносабат борасида ҳам янгиликлар рўй берди. Мумтоз шоирлар ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини тўлиқ шаклда нашр этиш ишлари йўлга қўйилди. Алишер Навоийнинг “Мукамал асарлар тўплами” қайтадан нашр этилди.**

**Муаззам “Бобурнома”нинг сиз ва Каромат Муллахўжаева томонидан ҳозирги ўзбек тилига табдил қилинган янги нашри амалга оширилди. Айтиш мумкинки, бу асарнинг барчага бирдек тушунарли бўлган шаклда нашр этилиши Бобур ижоди, шоир яшаган мураккаб тарихий шароит ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш учун имкон яратди. Умуман олганда, бундай ишлар давомли бўлиши керак. Заҳматкаш олимларимиздан эканлигингиз**

**кўпчилигига маълум. Сир бўлмаса, айтиш кунларда қандай режаларни амалга оширяпсиз?**

Истиқлол йилларида ўзбек мумтоз адабиёти намоёндалари асарларининг тўлиқ нашрлари чоп этилгани юзаки қараганда хушxabар ва кишини хотиржам қилгудек воқеа бўлиб кўринади. Аммо Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик ва ўн жилдлик куллийётлари менинг матншунослик нуқтаи назаримда, яъни шахсий фикримча, яроқсиз нашрлардир.

Мен йигирма томлик ҳақида “Маърифат” газетасидаги (9 феврал, 2005 йил) мақоламда, томликка икки жилд тузатиш илова қилиш керак, деб даъво қилган эдим. Ўша тузатишларнинг асосий қисмини мен кейинги ўн жилдликка киритсам ҳам нашр барибир эпақага келмади. Ҳар бир жилдда юзлаб нуқсонлар содир этилган, юзлаб сўзлар 2, 3, 4, 5, 8 хил ёзилган нашр ҳақида мен ижобий гап айтолмайман.

Куни кеча “Бобурнома”нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдили иккинчи маротаба нашр этилди. “Ўқитувчи” нашриёти бизни огоҳлантирмай такрор нашрни амалга оширган. Мен ҳам, олима Каромат Муллахўжаева ҳам бармоқ тишлаб қолавердик. Беш йил бурун йўл қўйган нуқсонларимизни бу нашрда тузатиш имкони бизга берилмади.

Чунончи Бобурнинг машҳур тошбитиги Бобур қўли билан тошга ўйиб ёзилган-у, мен буюриб ёздирган, деганман. Шунда яна бир жиддий нуқсоним бор: матнни “Гулистон”дан деб кўрсатганман, ҳолбуки “Бобурнома”да зикр этилган уч байт шеър “Бўстон” асаридан экан...

Кароматхон ҳам асар аслиятига ишониб, Бобур Иброҳим Лўдийнинг отасига ер-мулк берганлигини айтганлар. Ҳолбуки, унинг отаси аллақачонлар ўлган, ер-мулк унинг онаси Буъага берилган эди...

Бундай жиддий нуқсонларни бартараф этишни учинчи нашрга сақлаб қўйишимизга тўғри келди. Узр ва афсус!

**– Суҳбатимиз якунида “Ёшлик” журнали мухлисларига тилакларингиз...**


– Мен “Ёшлик” журнали мухлисларига – Сиз буюк имкониятлар замонида яшаяпсиз, ўз олдингизга касб маъносида улуғ орзуни қўйинг ва умрбод унга интилиб, етиб, касбингизни санъат даражасига етказиб жаҳон илм-фанига янгиликлар киритинг, ҳаёт-мамонт масаласи – ахлоқ-одоб эканлигини билинг, ахлоқ жаннатига шу дунёда киринг, дейман. Ахлоқсиз одам миллиардер бўлиши мумкин, аммо бахтли бўлолмайди.

Кенг маънода маърифатли бўлинг, маърифатсиз одам ўзини жоҳилликка мубтало қилган шўрликдир.

**Суҳбатдош: Гулноз МҰМИНОВА**



Сотим АВАЗ



## КЎХНА ҚАЛЪА ФАРЗАНДИ

Болалигим ўтган Кўхна қалъани ҳануз кечагидай хотирлайман. Бир-бирига тутшиб кетган, пасту баланд синч уйлардан иборат эди у. Шифтига қўл узатса етгудай икки хонаю бир даҳлиздан иборат уйимизнинг поли ўрнига пишган ва хом ғишт аралаш терилган эди.

Отам уруш қатнашчиси, юк машинаси ҳайдовчиси, онам оддий уй бекаси эдилар. Улар бировнинг кўнглини қолдиришни ўзлари учун гуноҳ ҳисоблашарди. Шу сабабли, янгиариқлик қариндошларимизнинг сўзини ерда қолдирмай бир хонани уларнинг педагогика институтига ўқишга кирган ўғиллари – икки талаба учун ажратишганди. Бу албатта, оғир шароитни янада мушкуллаштирди. Аммо, охир-оқибат яхшиликка бўлди. Талаба йигитлардан мен шашка ўйнаш ва китоб ўқиш “касаллиги”ни юктириб олдим.

Ўйин ва мутолаа кўпинча бир-бирига мувофиқ келмайди. Аммо менинг ҳаётимда улар бир-бирини тўлдириб борди. Тахта узра ютиш йўлларини излаган каби, китоб ўқиш воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиш занжирини ҳис қила бошладим.

Институтни тамомлагач, йигитлар хайрлашиш олдидан, менга оқ ва қора доналар солинган шашка тахтаси ҳамда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” китобини ҳадя қилишди.

Вақтни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилардим. Эрталаб бир муддат Отабек ва Кумушнинг муҳаббати ҳақида ўқисам, мактабдан кела солиб болалар билан шашка ўйнашга киришиб кетардим. Уларнинг барчасини ютиб, яна китобга шўнғирдим. Охир-оқибат китоб хисси устун келди. Уни тамоман ўқиб бўлмагунча, ўйин тўхтаб турди.

Шашка бўйича шаҳар ва вилоят биринчилигида бир неча бор ғолиб бўлиб, Республика мусобақасида тўртинчи ўринни эгаллаганим ва спорт усталигига

номзод даражасини қўлга киритганим ҳамон эсимда. 60-йиллар охирлари, 70-йилларнинг бошларида вилоят газеталарида шашка мусобақаларидаги муваффақиятларим кўп қайд этилган.

Пушкин, Лермонтов, Сергей Есенин, Маяковский шеърларини жуда ёқтирардим ва ёд билардим. Навоийни, Бобурни, Фузулийни, Огаҳийни ўқиб турардим. Сўнгра замондошларимиздан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон шеърларини ёд олишни бошладим...

Раҳматлик ўқитувчим Ҳожар опа Раҳмонова менинг адабиётга қизиқишимни доимо рағбатлантиришга интиларди. Бадий асарларни ролларга бўлиб ўқирдик. Шунда менга кўпинча ижобий ва асосий қаҳрамон роли топшириларди.

“Хоразм ҳақиқати” газетаси таҳририяти ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими жойлашган муҳташам бино Урганчнинг қоқ ўртасида. Шу бино ёнидан кунда бўлмаса ҳам, кун ора ўтиб тураман. Унга суқланиб боқиб, шу даргоҳда қандай бахтли, омади келган инсонлар хизмат қилишади деб ўйлайман ўзимча. Уларни ҳамма танийди. Ёзганлари кетма-кет газета ва журналларда босилиб туради, китоб бўлиб чиқади.

Таниқли шоирлар Эгам Раҳим, Раҳим Бекниёз, Фозил Зоҳид, Рўздат Отаев, Неъматжон Солаев, Улибиби Отаевалар, айнан шу ерда хизмат қилишарди. Уларнинг ёнига яқинлашиб шеърларининг кўрсатиш осон иш эмас. Айниқса, газетада шеъринг чиқиши осмондаги ойна узиб олишдай гап. Аммо, кўнгил шу даргоҳга, ҳеч бўлмаса унда хизмат қилаётган бахтли инсонларни кўриш учун боришга бетўхтов даъват этади. Бу даъватга қулоқ солмасликнинг, шу ишни бирёқли қилмасликнинг ҳам иложи йўқ гўё...

Сотим АВАЗ

(Сотимбой Авазов) – 1952 йил Урганч шаҳрида туғилган. 1991 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унинг “Кечиккан баҳор”, “Тонғи ҳислар”, “Ҳуқуқ”, “Нозбўйларим”, “Ҳикматистон”, “Дил ва манзил” каби шеърый асарлари республика нашриётларида чоп этилган.

Шунингдек, “Муруват чоғи” романи, “Мадраҳим Шерозий”, “Темирғози тўра”, “Йиллар ва йўллар” қиссалари муаллифи.

Ҳозирда “Урганч оқишми” газетаси муҳаррири. Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

Кунлардан бир куни юрак ютиб тахририят жойлашган тўртинчи қаватга кўтарилдим. Ҳаяжон босди. Бир даста қоғоз ушлаб бораётган қиздан, шеърларимни кимга кўрсатсам бўлади, деб сўрадим. У ҳам “бир сен қолувдинг шеър ёзмаган” дегандек боқди-да: “Раҳим Бекниёзга” деди.

...Раҳим Бекниёз пешонасига кўтариб қўйган кўзойнагини тушириб, шойилмасдан дафтаримни ва рақлаб бошлади. Эринмай бешта шеъримнинг ҳаммасини ўқиб чиқди. Бу чинакам эътибор эди ва шунинг ўзи ҳам мен учун етиб ортарди. Лекин у бу эътиборнинг устига марҳамат ҳам кўрсатди.

– Тузук... Аммо, энди шеърга жило бериш керак. Яъни, ёзавериш, ёзавериш, кейин бадийлаштириш лозим.

Унинг “жило” деган бир сўзи хотирамда бир умрга муҳрланиб қолди.

Ҳар сафар шеър устида ишлаётганимда унинг жилоси борми деб ўз-ўзимга савол бераман. То шу жилони шеърга бахш этмагунча ва уни ўзим чуқур ҳис қилиб, қалбдан эътироф қилмагунча шеърим тугал бўлди деб ҳисобламайман.

Орадан икки-уч ой вақт ўтди. Бир неча янги шеърлар ёздим. Қофия, туроқларигача ҳаммаси жойида. Жило бахш этсин дея, ўхшатишлар, истиоралар ҳам қўшганман. Аммо Раҳим Бекниёзнинг олдига боришга бироз истиҳола қилдим. Ахир, жило бундай бўлмайди, деса нима қиламан? Барибир тахририятга бориш истаги голиб келди. Раҳим Бекниёз таътилда экан. Шу сабабли шеърларимни бошқа бир ходимга кўрсатдим. У тахририятда илмий ва шеърый асарлар таҳлили ва таҳрири бўйича катта эътибор топган Отамурод Пирматов экан.

У қисқача салом-алиқдан сўнг шеърларимни шунчаки ўқиб бошлади. Бир неча лаҳзада бутун дафтарни кўриб чиқди. Ниҳоят “қолдириб кетинг” деди. Бу менга “йўлингдан қолма” дегандек туюлди. Ахир у шеърларимга шунчаки нигоҳ ташлади холос. Энди дафтарим тахририятда оддий қоғоз бўлиб ётаверади. Ҳеч бўлмаса, жило беринг ҳам демади-я. Барибир чикаришмайди, деган қатъий хулосага келдим.

Орадан икки ҳафтача ўтди. 1969 йилнинг май ойи, тўғрироғи 1 май куни “Хоразм ҳақиқати” газетасида илк шеърим босилиб чиқди. У анча ўзгартирилган, тўлдирилган, ҳақиқатан ҳам ўз жилосини топган эди. Шеър учун “жило”нинг аҳамиятини шу куни тушундим. Бу Отамурод Пирматовнинг иши эканлигини билдим. У кўзимга авлиёдек бўлиб кўринди.

Орадан бироз вақт ўтиб, вилоят газетаси тахририятида бирга хизмат қилган давримизда аслида устознинг ўзи чинакам шоир эканлигини ҳам англаганман. У илми, идроки зиёда бўлганлиги боис ўзининг ёзганларини нуқсонли ҳисоблаб, ҳеч кимга кўрсатмасди. Аммо бир қатор илмий мақолаларнинг, танқидий-таҳлилий ишларнинг муаллифи сифатида пешқадамликни қўлдан бермай келарди.

“Урганч оқшоми” газетасини ташкил этишда ва фаолиятини кенг йўлга қўйишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатди. Мушкул туюлган кўплаб масалаларни ҳал этишда унинг ташаббускорлиги, билимдонлиги қўл келган.

Отамурод Пирматовнинг сўнги нафасларида ҳам қандайдир қалбни титратувчи рамзлар кўргандай бўлдим. У мўъжазгина боғчасида кўкка бўй чўзаётган дарахтлар остини юмшатиб, қийғос очилган гулларнинг

япроқларини ювиб, уйига кираверишдаги зинага ўтирганча мангу уйқуга кетибди. Дарахтлар бўйи эгилиб, гуллар бошларини сарак-сарак қилиб қолишгандир шу онда. Бу унинг хотираси ҳали кўп вақтлар хира тортмаслигидан дарақдай туюлса не ажаб.

Мақтабни тамомлаш арафасида ўзимни бир меvasиз дарахтдай сеза бошладим. Ҳаракат кўп, аммо ҳосили қани? Бу савол мени ҳар хил кўринишда ўртар эди. Ҳазрат Навоийнинг “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” деган ҳикмати хаёлимдан кетмасди. Қолаверса, Лермонтовнинг:

*Замондош наслимга қарайман ғамгин,*

*Унинг келажаги нурсиз, шарафсиз.*

*Дунё, таниш-билиш, гумонлар юкин,*

*Кўтариб кексаюр бекор ва нафсиз,*

каби мисралари тинчлик бермасди. Институтга албатта киришим кераклигини чуқур ҳис қилардим. Кирилмаслик фожеага ўхшаб туюла бошлади.

Биринчи йили институтга кирилмадим. Тўғрироғи, барча кириш имтиҳонларини яхши топширсам ҳам “резерв”га олиб қолишди. “Резерв”дан ҳам ўтиш насиб бўлмади. Хуллас, кейинги йили кирдим.

Биринчи курс. Биринчи семестр. Биринчи имтиҳон. Бу қил кўприқдан ўтишдай гап. Яна устига устак лангарсиз ҳолда. Ахир имтиҳонни институт ректорининг ўзи – филология фанлари доктори, оғзингни очишинг билан ўпкангни кўра оладиган тилшунос олим Отаназар Мадраҳимовнинг шахсан ўзлари оладилар.

Имтиҳон вақтида домланинг кўзларидаги майин табассум катта умид бахш этди. Берилган саволга жавобан тилдаги ассимиляция ҳодисасини китобий қодалар қилиб ўзим тушунганимча айтиб бердим. Домланинг чеҳраси ёришди.

Домланинг ўша кунги гаплари сўзма-сўз ёдимда турибди: “Сизга беш баҳо қўйсам, ярим баҳо ҳақим кетади. Тўрт қўйсам, сизнинг ярим баҳо ҳақингиз менда қолади. Майли, менинг ҳақим кетса кета қолсин. Лекин сиздан яхши тилшунос чиқиши мумкин”.

Ректорнинг аъло баҳосидан кейин тўрт йил давомида ҳеч бир домла ундан кам баҳо қўйишни ўзига эп кўрмади. Ҳамиша домланинг баҳосига муносиб бўлишга ва қарзни такрор-такрор узишга интилдим. Кўп йиллар давомида бевосита тилшунослик билан шуғулланмасам ҳам тил устида, тил соҳасида ишлаб келаяпман. Ниҳоят “Мадраҳим Шерозий” китобини Отаназар Мадраҳимов билан ҳаммуаллифликда ёзганда устоз-шоғирдлик илдизлари чуқур кетганлиги кўпчиликка аён бўлди.



\*\*\*

Ниҳоят орзуимга етишдим. “Хоразм ҳақиқати” газетаси таҳририятига ишга қабул қилишди. “Маданият ва турмуш” бўлимида фаолият бошладим. Ўтирган хонамиз ҳеч кўз олдидан кетмайди. Узунлиги чамамда 3 метр, эни ундан сал каттароқ бўлган мўъжазгина хонада уч киши ўтираемиз. Тўрда бўлим мудирини Неъмат Солаев, ундан кейин Уллибиби Отаева ва мен.

Уллибиби опанинг нурафшон чехраси кичик хонамизга чирой бағишлаб турарди. Унинг дарёдай қалби эса одамларга обиҳаёт тутиб чарчамасди.

Таҳририятга энг кўп ташриф буюрувчи ва қутилдиган меҳмонлардан бири Матназар Абдулҳаким эди. У оҳиста, гўё ўзининг ташрифи ҳеч нарса англатмаслиги ва ҳеч кимни безовта қилмаслигини истагандек, тасодифан кириб келарди. Оҳистагина салом-алиқдан сўнг бошини сал қуйи эгган ҳолда, энг муҳим масалаларни сўрай бошларди. Агар хонада бир ўзим бўлсам, у нима ўқиётганлигимни суриштирарди. Шунда хориж ёзувчиларининг асарларидан гап бошласам, мавзунини оҳиста Навоий ёки Оғаҳий ғазалларига бурарди. Бошқа гап-сўзга мутлақо ўрин қолмасди.

Агар Неъмат ака жойида ўтирган бўлса, улар тезда Навоий ғазаллари шарҳига киришиб кетишарди. Бир куни Матназар Абдулҳаким байт айтди.

*Кўнгишлар нақдини тарож этарга, ёпмоғинг бурқаб  
Анингдек турки юз боғлар қароқчи қарвон кўрғач.*

– Вой бўй, – хитоб қилди Неъмат ака. – Нақадар аниқ ва тиниқ. Шундан ўтказиб айтиб бўлмас.

Матназар Абдулҳаким эса айнан шу гапни чуқурроқ ўзганга бурди.

– Ҳар сафар шу байтни ўқиб, янги маъно топаман. Илоҳий муҳаббатнинг инсоний муҳаббат билан уйғунлиги шу даража бўлар. Шоир кўнгишлардаги мавжуд мулкни тарон-тарож қилиш учун юзингга рўмол боғлаганинг, қароқчининг қарвонини узоқдан кўриб, юзини яширишига ўхшайди демоқ билан барча хатти-ҳаракатлар қисмат олдидан катта қийматга эга эмас, муҳаббатсиз ҳаёт йўқ. У барибир бир лаҳзада забт этгувчидир. Шу сабабли, кўнгишни эзгу ҳисларга тўлдириш умр қарвонини яхшиликлар билан бойитиш лозим, деган. Унинг фикридан ҳар куни янги фикрлар униб чиқади.

Агар Матназар Абдулҳаким фақат илмий ишлар билан шуғулланса, у фалсафа бўйича фан доктори бўлиши муқаррар эди деб ўйлайман, ўзимча. Ахир унинг “Иккинчи муаллим сабоқлари” китоби фикр-фалсафа, илм. У илмлар илми ҳақида шоирона фикр



руитар экан, барибир дунё эътироф этган илмий таҳлиллар, яқун ва хулосалар ҳудудларидан нари кетмайди. “Иккинчи муаллим сабоқлари”нинг энг муҳим жиҳатларидан бири муаллиф илм-фанда ҳали кам қўл урилган, деярли тадқиқ этилмаган соҳага мурожаат қилганлигидадир. Матназар Абдулҳаким бу асарда Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини улуғ Форобий илмий нуқтаи назарлари билан муқояса қилади. Энг қадимги юнон файласуфларининг илмий асарларидаги бетакрор кашфиётлару назариялар Паҳлавон Маҳмуд ижодида талқин қилинишини чуқур тадқиқ этади.

\*\*\*

Ўзимнинг энг яхши шеърларимни, насрий асарларимни мустақиллик даврида ёзганман деб фахрланиб юраман. Бу бежиз эмас. Чунки, юрт истиқлоли билан бирга илмимиз ҳам, ёшимиз ҳам ортди. Жуда кўп устозларнинг сабоқларини олдик. Ана шундай устозларимдан бири Анвар Обиджон бўлди.

Анвар Обиджон билан бирга Ичон қалъадаги Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳини зиёрат қилдик. Шу даргоҳнинг кираверишидаги кичик бир ҳужрани ҳам кўздан кечиришини сўрадим. У ерда ўтган асрнинг бошларида олинган Муҳаммад Раҳимхон II Феруз ҳамда Исфандиёрхоннинг набираси Темиргози тўранинг одам баравар келадиган фотосуратлари сақланарди. Устоз хонларнинг суратини шунчаки кўздан кечирди-ю, Темиргози тўранинг расмини кўриб, жуда ҳайратланди. Кичкина тўра бошида дубулға, қўлига милтиқ ушлаб, шижоат билан боқиб турарди.

– Бу ким?

– Темиргози тўра, Ферузнинг набираси.

Орага бир лаҳза жимлик чўқди. Мен уни бузмақчи бўлдим.

– Хоразмнинг Мўмин мирзоси...

– Сотимжон, қандай ижодкорсизлар? Шу йигитча ҳақида китоб ёзмайсизларми? Ахир бу сурат журналларимиз, китобларимиз муқовасини безаши керак эмасми?

Очиғи, хижолат бўлдим. Устознинг таънаси бош устига. Аммо нега энди бу ҳақда ўзимиз ўйламаганмиз.

– Шу йигитча ҳақида бир китоб ёзинг, сиздан илтимос.

Кўп ўтмай ишга киришдим. Аммо, Темиргози тўра 12-13 ёшида вафот этганидан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Уни заҳарлаб ўлдиришган деган гумон бор, холос.

Ниҳоят орадан бир неча йил вақт ўтиб, “Темиргози тўра” қиссаси дунёга келди. Унда асосан, бадийий тўқималарга таяндим. Мақсадим, шу кичкина тўра бахонасида даврнинг талотўпларини, айрим армонларни ҳам ифодалаш бўлди.

Китобга устознинг ўзи сўзбоши ёзди ва у “Шарқ” нашриётида эълон қилинди.

Илму ҳикматнинг чегараси йўқ. Ҳар бир жойдан, ҳар бир инсондан унинг зиёсини топиш мумкин. Энг муҳими уни топишда. Унинг остоналарини танишда. Умр бўйи илм излашга интилиб, янглишмаганимни ҳис қиламан.



## Камалак саргагита кўзили ўнгида

### МУҲАББАТ

Дудогингда ўйнайди ёқут,  
Ёногингда ёнади олмос.  
Бу жозиба бўлмагай унут,  
Уни гизлаб яшириб бўлмас.

Нигоҳларинг ёяр андуҳин,  
Табассуминг бўлар дилга банд.  
Назокатинг уйғотган руҳни  
Қилиб бўлмас сира занжирбанд.

Нозингдан шавқ олар сиймолар,  
Қаҳринг қадга бағишлар виқор.  
Лутфинг тутган меҳригиёллар,  
Чегараю чек билмас зинҳор.

Келтиргайсан кўнгилни тобга,  
Сўзингга йўқ қолмаган қойил.  
Сен бахш этган ширин азобга  
Илож йўқдир бўлмасдан мойил.

Аммо, оҳанрабо исмингга  
Ёғар қонсиз капалаклар ҳам.  
Ўтдек ёниб турган жисмингга  
Кўз тикар кўршапалаклар ҳам.

### ИШОНЧ

Мен сенга ишондим, ачинмам,  
Маймунлар йиғласа ҳолимга.  
Сенга ишонганим, дўстгинам,  
Эрк бермоқдир ўз хаёлимга.

Мен сенга ишондим, қайғурмам,  
Хиёнатнинг жарларин ўйлаб.  
Сенга ишонмасам, азизам,  
Юролмам ўз юрагим бўйлаб.

Мен сенга ишондим, чекинмам,  
Оқибатда бўлмаса тўзим.  
Сенга ишонмасам, маҳзунам,  
Севолмайман ўзимни ўзим.

Мен сенга ишондим, ғамим йўқ,  
Қисматимда агар қул бўлмак.  
Ўзи менинг парвона янглиг,  
Ишончимга шамчироқ керак.

\* \* \*

Бир оқиом руҳ они унутиб ўзни,  
Амуни ёқалаб ошуфта кездим.  
Шунда самодаги минг юлдуз-кўзнинг,  
Гўёки пичирлаб ётганин сездим.

“Жонингга фалакдин жавр етиб-елиб,  
Дарёдай мавж уриб ҳар қанча тўлма.  
Амунинг қошига ошиқдай келиб,  
Мангуликдан зарра умидвор бўлма”.

Оғирлигим собит дарёга ортиб,  
Лол қолдим юлдузлар ҳам оғишидан.  
Шунда сув гўёки оёқдан тортиб,  
Бир зум юбормади ўз оғушидан.

Лол қолдим, Амунинг хитобин ёдлаб,  
Аждодлар умидин уққан сингари.



Гүё “Сувора”нинг савтидай додлаб,  
Кўтарилиб тушиди тўлқин лаблари.

“Юлдузлар неча бор алдасалар-да,  
Йўлдан адашмаган карвон – она юрт!  
Мангуликдан шарор кутсанг, кўзларга  
Авалло она юрт тупрогини сурт”.

\* \* \*

Қонимнинг шаробга мойиллиги бор,  
Шаҳду жаҳд, шитобга мойиллиги бор.

Ўтлар аро куйган жисмим беайбдир,  
Бағримнинг каبوبга мойиллиги бор.

Ўқиб уқмасалар ҳамки дардимни,  
Кўнглимнинг китобга мойиллиги бор.

Борлиққа устувор йўқлик ародир,  
Умримнинг саробга мойиллиги бор.

Ҳамиша безовта юрак сабабким,  
Жонимнинг азобга мойиллиги бор.

Хаёллар саргашта келажакдадир,  
Тилимнинг шу тобга мойиллиги бор.

Сотим Аваз учун савоб сўралса,  
Руҳимнинг жавобга мойиллиги бор.

\* \* \*

Хатони мен эмас, тадбир қиладир,  
Пешонамга битган тақдир қиладир.

Табиат кўнглимни нотабиий деб,  
Руҳимга акс таъсир қиладир.

Камалак саргашта кўзим ўнгида,  
Сароб камандини тафсир қиладир.

Тош тегса кўзгуга, ишонч ҳам сингай,  
Кўз гумондин мубҳам тасвир қиладир.

Ҳар замон бедардлар дардин тоғ этса,  
Гумроҳлар ҳар лаҳза дилгир қиладир.

Умрим биносини емирадир вақт,  
Ҳали бир кун ўзи таъмир қиладир.

Ҳар қадамим асли ҳамду санодир,  
Ҳар нафасим асли такбир қиладир.

Сотим Аваз ҳою ҳавасларига,  
Сабру шуқр расмин занжир қиладир.

\* \* \*

Кўнглима байрам керак,  
Гул каби ҳамдам керак.

Лангари шиқ истарам,  
Дорки, мустаҳкам керак.

Меҳнатга саъйдир агар,  
Ёлғиза ёрдам керак.

Шодлана билмоққа ҳам,  
Авалло бир гам керак.

Шарҳи дил изҳорига,  
Журъати илдам керак.

Хотири жамлик учун,  
Хотири хуррам керак.

Бевафо дўстлар ҳануз,  
Узру авф, чидам керак.

Умр ўтиб, кўринди Ёр,  
Энди орзу кам керак.

Тилга кўп вақтлар сукут,  
Кўзга гоҳ-гоҳ нам керак.

Эл дарди, Сотим Аваз,  
Дардинга малҳам, керак.








Наср  
Наср Наср  
Наср

Жамила ЭРГАШЕВА



# ҚИР УСТИДАГИ АЁЛ

Роман



Жамила ЭРГАШЕВА

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тугатган. Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Адибанинг "Изҳор", "Интиқом", "Таназзул", "Аёл жодуси", "Зулфизар" каби китоблари чоп этилган. Айни кунда "Аёл ва замон" газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишламоқда.

*Дунёдаги жами меҳрибон  
момоларга бағишлайман*

Тоғларга сел келди. Кенг ўзанлар ўртасида кўз илғар-илғамас кумуш камардек ялтираб оқиб ётган Сурхон шовқин-сурон билан шовуллаб келган лойқа сувни бир сесканиб бағрига олди. Пишқирган сув ўзанлардан тошиб, қай бир чаққон деҳқон дафтар чизигидек эгат тортиб кўйган пайкалларни ҳам ювиб кетди. Ҳаво бирдан совиди. Жаҳл отига миниб, пишқириб оқаётган Сурхонни ёқалаб, Робия хола-нинг ҳовлиси томон куёв навкарлар ўтганда поёнсиз осмон ўртасида ҳайрон йилтиллаб турган куёв ҳам қаёққадир ғойиб бўлди.

Робия хола бир умр фаол бўлиб ўтган: биргад бўлган, депутат, делегат бўлган, ҳамиша эл устида, элнинг олди бўлиб юрган, ҳеч топмаганда ҳам шапалоқ билан юз қизартиб, катта-кичикнинг иззатиغا етган аёл эди. Куёвнинг оёқлари остига ловуллаб турган хонатлас билан оқлик тўшаб, поёндозни қўшқават қилди. Эгнига бухороча зарбоп тўн солди. Дастурхонида анқонинг тухумидан бўлак ҳамма нарса бор эди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди, фақат кунчиқарда пайдо бўлган қорамтир булут ҳамма ёққа сарғимтил соя ташлаб олгани юрагини сикди. Келин кийинаётган хона билан қудалар ўтирган хона ўртасида югуриб юраркан, ҳар замон – ҳар замон осмонга қараб кўярди. Аксига олиб, қора булут музаффар қўшиндек тобора шиддат билан осмонни эгаллаб борарди. Қаердадир қарғалар ҳам қағиллади. Шоҳистага отаси дуо бераётган пайт бирдан шамол турди. Қиз ота дуосини олиб, ён-атрофи ранг-баранг шойи тасмалар, шарлар билан безатилган машинага ўтиргунча шамол боласини излаётган телба онадек увиллай бошлади. Бир пасда ер-у осмон чанг-тўзон билан қопланди. Бир қадам нарида турган нарсани кўришнинг иложи йўқ эди. Бирин-кетин йўлга чиққан машиналар куппа-кундуз куни тунги чироқларини ёқиб олишди. Орадун бир човгум сув қайнайдиган фурсат ўтмай, шатир-шутур ёмғир ёға бошлади, изидан қор учкуллади. Келин куёвнинг уйига етиб келганда ҳамма ёқ оппоқ қор эди:

– Бу Азиз момо! – деди келин-куёв ўтирган машинани бошқариб келаётган ўрта яшар киши. – Тўқсон, бир кунимча йўқсан, дер экан. Ҳақиқатан ҳам тўқсон кунлик қишда шу қаҳрнинг ўндан бирини кўрганмикдир? Лекин чатоқ бўлди. Ҳамма нарса уйғониб қолган эди. Бу йил бодом йили бўлди, деб юрган эдик ҳаммамиз.

– Бир йил бодом емасангиз, емабсиз, ака! – орқада келиннинг ёнида ўтирган янга кулди. – Энг муҳими, Азиз момо келиннинг йўлига поёндоз тўшади.

Ҳайдовчи пешойнадан янгага бирров ҳайрон ва норози қараб кўйди-да, сўнг ўзига ўзи айтаётгандай сўзланди:

– Ҳа-а... Элнинг ризки эди-да...

Куёв томон машинани қий-чув билан кутиб олди. “Азиз момо”нинг кутилмаган қаҳридан шошиб қолган катта-кичик оёқ остида лойга айланаётган ола-чалпоқ қор устида дийдирашиб, келин-куёв ўтирган машинани ўраб олишди. Машина эшиклари бирин-кетин очилиб, ҳайдовчи, куёв, куёвжўра машинадан тушди. Келин янга эса ўзлари томондаги эшикнинг тутқичига маҳкам ёпишиб, келинга қўл узатган куёвнинг йўлини тўсди:

– Олдин ҳақини беринг!

Куёв чўнтагидан беш-олтита минг сўмлик чиқарди. Янга ишва билан бош чайқади:

– Бу кам!..

Бу сафар куёвнинг ёнида турган жўраси чўнтак кавлаб, янгага пул узатди:

Янга пулга қараб, мазах қилгандай кулди:

– Яхши йигит, мен сиздан сақич пули сўраётганим йўқ. Мен келин олиб келдим, хўрозқанд эмас.

Келин хижолат тортиб, янгасининг биқинига қаттиқ туртди. Янга бир силтаниб, яна эшик тутқичига ёпишиб олди:

– Тўғри-да, кўлидан келган йигит уйлансин!

Куёв оқ-сарикдан келган рангпаргина йигит эди, дув этиб қизарди.

Куёвжўра машина эшигига энгашиб, янгага пичинг қилди:

– Ўзингизнинг нархингизни ҳам айтинг, янга, кўтара савдо қиламиз.

Атрофда енгилгина кулги кўтарилди. Поёндоз ушлаб, келиннинг тушишини кутиб турган аёл пастки лабини тишлаб, ерга қаради: “Яшшамагур, қуданинг иззатини қилмади!”

– Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, йигит! Кўлингдан келадиган ишни гапир! – қарздор бўлиб қолишни истамаган янга ҳам куёвжўрани масхара қилди.

Йигитлар қийқириб юборди: “Тамом бўлдинг, Ҳамдам!”

Ҳамдам, афтидан куёвжўранинг исми шундай эди – нимадир демоқчи бўлиб унга томон юраётган эди, куёвнинг имоси билан икки йигит уни қўлтигидан тутиб, нари олиб кетишди.

Куёвнинг ўзи чўнтагидан бир даста пул чиқариб, янгага берди. Янга пулни занжирлари ялтироқ сумкачасига солиб, машина эшигини очди. Сўнг ғолибона пастга тушиб, тор кийимдаги келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилганча давранинг қоқ ўртасидан кесиб ўтиб, дарвоза олдига бориб турди. Йигитлар Ҳамдамнинг биқинига туртишди.

– Зўр нарса экан! Кўтара савдо қилсанг, пулингга куймас экансан.

Ҳамдамнинг қуюқ қошлари чимирилди:

– Изимдан итдек эргаштирмасам, отамнинг ўғли эмасман.

У шундай деб олов айланаётган келин-куёвни томоша қилиб турган “янга”га тикилди. Бироз ўтиб “янга” унинг ўтли нигоҳларини ҳис этдимми, ялт этиб, унга қаради. Ҳамдам дастлабки ғалабадан севиниб кетди. Қошларини чимириб турган хушрўй жувонга маънодор тикилиб, кўзларини қисиб кўйди. Жувон аввалига ҳайрон бўлди, сўнг йигитнинг ошқора шилқимлигидан қаҳрланиб, зарда билан юзини бурди. Аммо Ҳамдамнинг ўз “машғулот”ини тўхтатиш нияти йўқ эди. Жувон ҳам қизиқувчанлик туфайлими, қаҳрини боса олмаганиданми, яна унга қаради. Ҳамдам эса кулиб, яна кўз қисди. Янга энди астойдил қаҳрланди, унга бутунлай орқа ўгириб, келинни ҳам кутиб турмасдан, ҳовлига кириб кетди: “Тарбиясиз!”

Тантиқ янга қайсидир маънода ҳақ эди. Ҳамдам олти қиздан сўнг тилаб-тилаб олинган Тиловмурод, айтгани қонун, истагани муҳайё, ушлагани ўзиники бўлиб ўсган йигит эди. Янганинг у узатган пулни масхара қилиб, яна сенсираб гапиргани унинг ҳамиятига теғди.

Тўйхонанинг ўзидаёқ бу ойимчанинг кимлигидан тортиб, телефон рақамигача аниқлаб олди.

– Биз энди божа бўламиз, – деди куёвнинг елкасига маъноли қоқиб.

Аҳмад ошнасанинг феълени яхши билар эди. Нимага шаъма қилаётганини дарров тушунди:

– Ошна, сен бундай гапларни қўй. Эри жуда яхши йигит. Буёғи биз бор. Бир аҳмоқ хотиннинг калтафаҳмлигини деб...

Ҳамдам узр сўраётгандай қўлини кўксига қўйиб, кулди:

– Ошна-а!.. Ошначилик ўз йўлига, лекин ҳар кимнинг ўз ҳисоб-китоби бор. Биласан, мен қарз бўлиб юришни ёмон кўраман. Айниқса, аёл кишидан!..

\* \* \*

Тўй куни ёққан қор шу куниёқ эриб кетган бўлса-да, ҳали ҳавонинг заҳри синмаган, ҳамма жой заҳ нам, аллақачон йўлга чиққан қиш нимасинидир унутиб қолдиргани учун ортига қайтган бесаришта хотиндек ивирсиб юрарди.

Улар юзочидан тушга яқин қайтишди. Тўйда ишлатилган стол-стуллар айқаш-уйқаш бўлиб ётган ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Айвон деразасида турган телефон дунёни бошига кўтариб жиринглаб ётарди.

– Нозима, анавини ол, ўзини еб ётибди, – тугун кўтариб ошхона томон кетаётган Робия хола келинига буюрди. – Бобонг қаерга йўқолган...

– Алло-о, эшитаман, – Нозима деразадан телефон гўшагини олиб, қулоғига тутди. – Да-а!

– Нозимахон, ўзингизми?

– Ҳа, менман. Ўзингиз кимсиз? – у жавобни эшитмасдан овоз эгасини таниди. – Бирон ишингиз бормиди?

– Бир аҳвол сўрай, дедим сиздан. Тўй ташвишлари билан чарчамадингизми? Яна... Сиздан узр сўрамоқчиман. Кеча бироз кайфим бор эди. Одобсизлик қилган бўлсам, кечиринг.

– Шундайми? Ҳа, майли, соғ бўлинг.

– Нозимахон, биласизми, мен баъзан тўйларда қўшиқ айтаман. Кеча янги қўшиқ ўргандим. Бир эшитиб кўринг, – йигит ширали овозда қўшиқ хиргойи қила бошлади. – “Қалбимда оҳ урар, оҳларим унсиз, сенга талпинаман кечаю кундуз. Балки сен яшарсан, жонгинам, менсиз. Мен қандай яшарман дунёда сенси-из?..” Қалай, ёқдимми?

Тугунларини жойлаштириб, ошхонадан чиққан Робия хола унга қаради:

– Ким экан? Кимни сўраяпти?

Ўғирлик устида қўлга тушгандек, Нозиманинг ранги оқариб кетди. Ҳамон қулоқларига босиб турган гўшакка:

– Сиз айтган одам бу ерда яшамайди. Сизга нотўғри телефон беришибди, – деди, сўнг қайнонасига юзланди. – Нормурод деган йигитни сўраяпти.

Бир оз вақт ўтиб, телефон яна жиринглади. Бу сафар Нозима айвон ичкарасида эди. Индамай телефоннинг симини узиб қўя қолди. Хонасига ўтаётиб, девордаги баланд тошойнага қаради: сарвдек қаддиқомат, шунча тўй ташвишларидан кейин ҳам ловуллаб турган қошу кўз, тим қора сочлар кўнглини тўлдирди: “Қандингни ур, Нози! Икки болали бўлсанг ҳам, бир кўчага чиқсанг, изингдан ўн йигит юрагини чангаллаб қолади”. Беихтиёр куёвжўра айтган қўшиқнинг сўзлари

юрагидан қайнаб чиқаётгандай бўлди: “Мен қандай яшарман дунёда сен-си-из?..” Шу қўшиқ хиргойиси билан кийим алмаштирди. Тор-танқис кийим-бош, турли тасмалар исканжасидан озод бўлган танаси енгил нафас олди. Кенг-мўл пахталик қўйлагини кийиб, диванга чўзилди. Оёқларини узатгандан сўнг жуда чарчаганини ҳис қилди. Бир қарашда ёрдамчи кўп: овсинлар, амма-холалар, жиянлар! Аммо ҳеч бир иш Нозимасиз битмайди. “Нози, дастурхон керак!”, “Нози, сочиқ керак”, “Нози, меҳмон келди”, “Нози!..” У шу катта хонадоннинг бекаси, чўрисими, ҳарқалай ҳамма нарсанинг жойини фақат у билади ва фақат у топиб бериши керак. Албатта, қайнонаси турганда унга бекалиқ тегармиди? У хизматкор, маошсиз ишлайдиган, ҳеч қачон раҳмат эшитмайдиган хизматкор! Айниқса кейинги кунларда унга жуда алам қилди. Қайнонаси кенжа қизининг сепига бор бисотини тўкиб солди. Эшиқдан ким келса, қизининг сепини бир-бир кўрсатиб мақтанади: “Борган жойида тили қисик бўлиб юрмасин. Бизда фақат ўғилни ўйлашади. Ахир қиз ҳам фарзанд, бировнинг эшигига боради. Эси бор ота-она қизга ўғилдан икки баравар кўпроқ қилиши керак”: Бу гаплар, унинг исми қўшиб айтилмаётган бўлса-да, суяк-суякларидан ўтиб кетаварарди. “Ҳа, унинг онаси бунча сеп қилмаган. Қаердан ҳам қилсин, ўзи оддий муаллима бўлса... Буёғи жўжабирдай жон, ҳар йили бир боласини уйлайди”.

Нозима анчадан бери олмос кўзли узук билан зиракка пул йиғиб юрган эди. Бу жамғармага баъзан эри ҳам улуш қўшиб турарди. Озгина қолган эди, ёзда таътил пулини олса, бўлди эди. Тўйдан уч кун аввал эри “Сен пича шошмай тур. Пулингни ўзим қилиб бераман”, деб бор пулини онасига чиқариб берди. Унинг тили танглайига ёпишиб қолди. Онаси ўғлини алқаб-алқаб, ўздан озроқ пул қўшиб, қайинсинглисига худди у орзу қилгандай олмос кўзли узук билан зирак олиб келди. Яна “Ичинг куйиб, ўл!” дегандай она ва қиз бири олиб, бири қўйиб, харидларини унга кўрсатиб, мақтанишарди: “Товланишини бир кўринг, ҳар қиррасида юз хил ранг бордек гўё!”. Нозима ҳарчанд ўзини бепарво тутишга уринмасин, уддасидан чиқа олмади. Томоғига нимадир тиқилиб, икки чеккасидаги томирларда иссиққина нималардир вижир-вижир қилиб, кўзлари томон оқиб кела бошлади. У зўрға “Ҳа-а, ҳа, яхши, жуда чиройли экан!” деди-ю, ортига бурилиб ётоғига чиқиб кетди. Бироз ҳоври босилгач, ўзини уришди: “Арзимас бир тақинчоқ учун ўзингга аччиқ гап сотиб олишнинг нима кераги бор? Ҳозир бир нима дейдиган бўлсанг, сенинг ҳам онанг қилсин эди, дейиши аниқ. Сиз қизингизга менинг неча йилдан бери йиғиб юрган пулимга қилаяпсиз. Бу пул мен учун онаминг сутидек ҳалол эди, десинми? Нима фойдаси бор?”

Айниқса эрининг бездек бўлиб, пулни индамай онасига чиқариб бериши унга жуда алам қилди. Ўзи бу эркак қачон унга ёлчитиб бирон нарса олиб берган?! Одамларнинг эри хотинига ота-онасидан яшириб пул берса, бу!.. Қачон бўлса, мўлтираб онасининг кўзига қараб туради.

Бир аччиқ билан болаларини етаклаб, онасиникига кетиб қолай, деди. Яна шайтонга ҳай берди. Яхшиям кетмаган экан, бироз чарчаган бўлса ҳам тўй баҳона қанча қариндош-уруғларини кўрди, еди-ичди, ўйнаб-кулди. Куёв томон ҳам зўр тўй берди. Куёвжўраси тушмагур кўзи билан еб қўймади, қўймади.

Энди кўзи илинган экан, кимдир елкасига қаттиқ туртди, чўчиб кўзини очди. Бошида қошлари норози чимирилган эри турарди:

– Туриб, онамга қарашсанг бўлмайдим? Етмишга кирган кампир музлаб, идиш-товоқ ювиб ётибди, сен бўлсанг, ялпайиб!..

Хона анча салқин эди, устига ҳеч нарса олмай ётиб қолган экан, бироз мизғиганигами, эти жунжиқди. Эрининг юзига бир қараб, керишиб олди. Сўнг ўрнидан туриб ўтирди:

– Бунча ваҳима қиласиз? Қиз туғиб, қиз узатган бойбича ишлайди-да. Ичингиз ачиётган бўлса, ўзингиз ювинг ўша идиш-товоқларни.

– Хей-й! Ўзингдан кетма, хотин! – хотини жанжал истаб турган бўлса-да, ўзини босди. – Чой-пой қил, меҳмон келди.

– Уф-ф! – Нозиманинг ростакамига жаҳли чиқиб кетди. – Яна меҳмонми? Бу уйда тинчлик борми ўзи? Кечаги меҳмондорчиликнинг жойини тозалаб улгурмасингдан янгиси кириб келаверади. Тўйиб кетдим ҳам-маларингдан!

– Э-эй! Менга қара! – Сардорнинг жаҳли чиқиб кетди. – Сенга ўзи умуман одам иси ёқмайди. Есанг, ётсанг, солланиб кўчама-кўча юрсанг! Кун бўйи телефонга осилиб, онанг билан ғийбатлашсанг! Дангаса!

– Онамни тинч қўйинг, онамга тил теккирманг!

– Онанг билан қўшмозор бўл! – Сардор жаҳл билан хонадан чиқиб кетди.

Нозима анча вақт ўзига келолмай ўтирди. Зарда билан тўшакка чўзилиб ҳам олди, аммо уйкуси бузилиб бўлган, чарчоғи ҳам бир қадар ёзилган эди. Ҳеч ким уни йўқлаб келмаслигига кўзи етгач, ўтириб-ўтириб ўрнидан турди-да, ошхонага ўтди. Қайнонаси жавраб-жавраб қозон кавлар, эри пиёла артар эди. У беихтиёр эшик ортида туриб қолди: “Майли, болам, майли. Икки боласи бор. Индама. Бир кун рўзгор ўзига қолса, одам бўп қолади”. “Э-э, шуми? Ҳеч қачон ўзгармайди. Ўзгарса, шунча йилдан бери ўзгарарди-да. Сиз ўлиб кетсангиз, бу эшикдан на бир ошнам, на бир қариндошимни олиб кира олмасан керак. Чивинини кўришга эринадиган жонивор. Шу икки бола сияман десаям балога қолади. Гўдаккиналар кўрққанидан сизнинг олдингизга келади. Ўзининг боласи ёқмаган одамга сиз билан менинг меҳмоним ёқармиди?”. “Майли, болам, майли. Ҳозирча ўзим бор. Мен ўлиб кетсам, меҳмонларнинг ресторанида кутаверасан. Топмай ўтирган жойинг йўқ”. “Э-э, она, қирққа кирсам ҳам шунингизни ҳайдаб, бошқа уйланаман”. “Тавба де-е! Гулдай болаларнинг бошига ўгай ота, ўгай она зулмини солмоқчимисан? Хотининг ҳали ёш, биров тўққизда бош бўлар, биров ўттизида ҳам ёш бўлар. Бўлади-да. Қилмайди эмас, қилади. Бир итфеъли бор, бир умр ҳамма нарсадан норози бўлиб юради. Бироз ношукр, шунча йил яшаб, бундан кейин ҳам бир умр яшаши керак бўлган уйга ҳеч меҳр қўймади. Фақат “онамни кига” деб туради. Шунисига доғман, болам, майли, инсоф-тавфиғини берсин!”

“Ҳа-а, уйлан! Илоё, уйлан! Мен ҳам сенинг ювиндига зор бўлиб ўтирганим йўқ. Икки боламни ойдинда оёғим билан боқаман. Шу болаларнинг уст-бошидан ҳам қизганиб, йиғиб юрган пулларимни синглингга ҳадя қилиб юбординг. Аблаҳ!”, у шартта ортига бурилиб, ҳовлига чиқди. Намхуш ҳаво ловуллаб қизиб кет-

ган юзларига урилди. Ўпкаси тўлиб, йиғлагиси келди. Ҳовлининг адоғига қараб юрди. Қайнонаси уни деразадан кўриб қолди, шекилли, чақириб қолди.

– Нозима-йув!

“Худди ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нарса демандай!”

– Ҳа? – норози тўнғиллади у.

– Соат тўрт бўлди, болалар ҳам боғчада илҳақ бўлиб ўтиришгандир. Шуларни олиб кел, болам.

Қайнонаси ҳар доим шундай қилади. Бир умр элни бошқарган аёл-да. Тулки! Бир гап айтса, эътирозга ўрин қолдирмайдиган қилиб айтади. Ҳозир “Келин деган ҳам шунча ётадимми?” деганда, ҳаққи борми-йўқми, бир бобиллаб, хумордан чиқарди. Бу “болаларнинг олиб кел” деяпти.

Бунга нима дейди? Бола ўзиники бўлса! У индамади, лекин барибир изига қайтмади. Индамай ҳовлининг адоғига ўтди. У ерда қайнотаси яхши кўрадиган жой бор. Болта ўтмаганидан кўп йиллардан буён дарахтлар орасида кўндаланг бўлиб ётган ўрик танаси. Қайнотаси кўпинча ўша ерда ўтириб чекади, ҳовлини томоша қилади, невараларига ўйинчоқлар ясаб беради. Бу ерни Нозима ҳам яхши кўради, ҳовлини йиғиштириб, супурганда, шу ерни ҳам супуриб қўяди. Қуюқ дарахт шохлари орасидан бу ерда ўтирган одам кўринмайди, аммо у ерда ўтириб, ҳам боғни, ҳам ҳовлини бемалол томоша қилиш мумкин. Унинг бироз эти жунжиқди, боғнинг ичи салқин эди, ёқаларини кўтариб, қўлларини кўкраги устига қовуштириб олди. Кўнгли жуда ғаш эди. Эрининг гаплари қулоқлари остидан ҳеч кетмасди. “Аблаҳ!” Тўйдан олдин ҳам хафа қилган эди: “Бунча ёпишдинг шу бриллиантга! Бриллиант тақиб юрган бойваччанинг қизимисан?!”

Юзига тарсаки тортиб юборгандай бўлди. Буларнинг ҳар гапи икки бошли тўқмоқ. Тўқмоқнинг бир учи унинг бошига тегса, бир учи, албатта, онасининг бошига мўлжалланган бўлади. Тўғри, унинг онаси олмос тугул, ёқут ҳам тақмаган. Лекин, онасининг йўли бошқа, замони бошқа. Саққиз бола билан қандай ҳам ўзига қарарди шўрлик? Бу эса шунча ойликчининг ичида яшайпти. Озгина эркинлик беришса, ҳамма нарса олиши мумкин. Аммо қайнонаси ҳамманинг пулини ҳисоб-китоб қилиб, ҳали таъмир бошлаб юборади, ҳали гилам кўтариб келади, ҳали сигир савдо қилади. Унинг кичкинагина маоши ҳам шу катта-катта харажатлар ичида қумга синган сувдек сингиб йўқ бўлиб кетади. Шу харажатлардан қисиб-қимтиб йиғиб юргангани!

– Нози, Нозима-йув-в!

Қайнонаси яна увиллай бошлади. “Уф-ф!..” Афтидан боққа кириб кетганини кўрган, шекилли. У индамай ўрнидан туриб, дарвоза томон юрди. Энди бормаса, қўймайди.

...Болаларнинг олдидаги косачаларнинг овқатларини бидонга йиғаетган боғча опа уни кўриб, ғалати бўлиб кетди. Хижолат бўлганини сездирмаслик учун кулиб, ўзини оқлашга тушди:

– Ҳаммаси денг, бойваччанинг боласи. Боғчанинг овқатини емайди. Емасанглар, еманглар, дедим. Товуқларим бир мазза қилсин.

Аёлнинг ялтоқланиши ғашини келтирди. Бир гап қилиб, чақиб олай, деди-ю, яна индамади. Йўлда ўғлидан сўради:

– Нима овқат беришган эди?

Ўғил бурнини жийирди:

– Гуручли овқат. Гуручларнинг орасида чўплари, тошлари ҳам бор. Егимиз келмади.

– Мен едим, қорним роса очқаб кетган эди. Ҳаммасини еб қўйдим, – деди қизчаси онасининг мақтовидан умидвор бўлиб.

– Қандай единг, чўплари, тошлари бўлса?

– Чўплариниям еб қўйдим. Мен чўпларни ҳам ея оламан, – яна мақтанди қизча.

“Шугиналаримни товукларга бериладиган хўрақларга тенг қилиб ишлайман. Топган пулим кимларнинг кунига ярайди”.

Ёнларидан ғизиллаб ўтган машина йўл ўртасидаги қўлмак сувини шалолатиб, уларнинг устига сачратиб ўтиб кетди. Яп-янги халатига лойқа сув чапланди. Яна эрини ёзғирди: “Беш дақиқалик йўл! Меҳмонларнинг оғзига қараб ўтирмасдан, болаларни машинада олиб келса бўларди! Йўқ, у онасини хафа қилиши мумкин эмас. Хотини, болалари нима бўлса, бўлсин. Онасининг дили ранжимаса, бўлди!”

Қайнонаси меҳмонларини кузатиб бўлган шекилли, қўлларини белига тираб, дарвоза олдида турган экан.

– Боғчага кетган-кетмаганингни билмай, энди ўзим борсамми, деб турган эдим.

Болалар момосига ёпиша кетди.

– Момо-а! Аммам келдимми?

– Аммам уйдами?

– Энди аммангнинг уйи бошқа ёқда. Энди ўша ёқда яшайди.

– Нега, нега?! Нега аммам бизни ташлаб кетди? Мен ҳам аммамникига бораман! – Санжар ерга чўнкайиб ўтириб олганча, йиғлай бошлади.

– Тур-е, тентак! – Нозима боласининг қилиғидан аччиқланиб, костюмининг елкасидан тортиди. – Тур, бор, кийимларингни алмаштир!

Санжар ўрнидан туриб, онасига ёпишиб, юмдалай кетди:

– Ҳаммаси сизни деб бўлди. Сиз аммамни ёмон кўрардингиз, у шунинг учун кетиб қолди.

– Нима? Нима дединг?! – Нозима ўғлининг юзига қарс эткизиб, тарсаки тортиб юборди. Бола мувозанатини йўқотиб, чайқалиб кетди. Қўрқанидан бошини билаклари орасига яшириб, ўтириб олди. Нозима уни бир тепиб, ҳовлига ўтиб кетди: “Юзинг қурсин, сендай боланинг!”

Робия хола турган жойида тахтадек қотиб қолди: “Бу келин чиндан ҳам қутурибди”. Санжарнинг миттигина вужудига ҳар зарба текканда худди ўзининг елкаларига қамчи тушгандек бир сесканиб, изиллаб йиғлаб қолган болани бағрига олгунча қалтираб қолди:

– Ҳай, эси йўқ болам-а, нима қиласан онанга гапириб? Шу амманг йўқ бўлиб кетмайдими? Сенга амма нима керак?

Бошқа нима ҳам десин? Бир нарса деса, бу келиннинг ҳаммиша тугуни тайёр. Онаси ҳам беўй хотин. Ҳеч қачон, “Икки болали бўлдинг, энди сабрли бўл” демайди. “Кел, болам, тор қорнимга сиққан, кенг уйимга ҳам сиғасан” дейди. Буёғи ўғил ҳам тўнини тескари кийиб турибди. Ҳозир бир нарса деса, ҳеч ўйлаб ўтирмайди: “Она, олдини қайтарманг, кетса, йўқолсин. Қачонгача шундай яшаш мумкин? Унга на сиз ёқасиз, на бирон қариндош-уруғим. Фақат мен бўлсам. Мен ҳам тилсиз-

жағсиз, кундузи пул топиб, кечқурун идиш-товоғини юви-иб ўтирсам! Э-э!.. Чарчаб кетдим, она!”

Айвонда яна телефон жиринглади. Кимдир синини улаб қўйган шекилли. Яна Нозима тўғри келди. Дарвоза олдидаги можаронинг қаҳри билан ўқдек учиб хонасига ўтиб кетаётган эди, атрофга хавотир билан бир қараб олиб, қўрқибгина гўшакни олди:

– Алло, эшитаман.

Гўшакдан кўшиқ эшитилди:

– Энди мен кўнглимни узолмайман, ҳижронли кунларни чўзолмайман...

Зим-зиё кўнгил уйининг дарчасидан бир қатим нур сизиб киргандай бўлди. Атроф ёришиб кетди. Ҳузур қилиб чуқур нафас олди, аммо бу қўшиқни охиригача эшита олмайди. Афсус... У бир сўз демай, гўшакни ўрнига қўйди. Болаларини эргаштириб, хонасига кириб кетган қайнонасининг эшигига кибрли қаҳр билан бир қаради-да, телефоннинг синини узди. Сўнг ҳовлига чиқди. Ғарбга қараб оғиб бораётган баҳор кўёши ҳам унинг кайфиятига монанд бесаранжом ҳовлига майин нур сочиб турарди. Ошхонага кириб, ювуқли-ювуқсиз идиш-товоқлар уюлиб ётган столнинг ёнбошига осиглик турган пешбандини олиб, олдига боғлади. Газ ўчоқда бир човғум сув қайнаб турган экан. Ҳамма идиш-товоқларни аввал ишқорлаб, сўнг иссиққина тоза сувда ювиб-артиб, тахмонларга жойлади. Сўнг столларни, газ ўчоқни ялтиллаб артиб, ошхонани ҳам супириб чиқди. Ҳовлини супириб бошлаганда, эри уйдан чиқиб, стол-стулларни бир четга тахлай бошлади.

Кўёш сўнгги нурлари билан уфқни лола ранга бўяганда бедапояга ўрнатилган қозон-ўчоқлардан қолган кул изларини айтмаса, ҳовли яна осойишта ҳолига қайтган эди. Эру хотин бирга ишлашган бўлса-да, бир-бирига бир оғиз ҳам гап ташламади, бунга ҳар иккаласида ҳам заррача рағбат, хоҳиш йўқ эди. Нозима ҳар-ҳар замон қандайдир интиқ хавотир билан телефон турган айвон деразасига қараб-қараб кўярди. “Ишқилиб, биронтаси яна телефонни улаб қўймасин-да. Бу йигит мени қиз бола деб ўйладимикин? Топган қўшиқларини қаранг”. Шундай хаёллар билан ғимирсиб юриб, баъзан эрига кўзи тушиб қолар, унинг уюлган қовоқларини кўриб, яна асаби бузиларди: “Ҳа, ҳамма менинг эримдек соқов қарға эмас-да! Онам ҳам ўлсин, “бой-бой” деб шуларга берди. “Бой” эмиш, қачон қарасанг, “вой-вой”. Шунинг ҳам кўнгли бор, деб, бирон нарса қилиб беришининг ўрнига, “Ҳали ойлик олмадингни?” деб ўтиришади”. Болаларнинг усти-боши, боғчаси-ку, тўлиқ унинг елкасида. Маош теккан куни индамай болаларини бозорга олиб чиқади-да, бош-оёқ кийинтириб қайтади. Қайнонаси уришмайди-ку, лекин бир тўнғиллайди: “Болаларнинг эски-туски ичиде катта бўлгани яхши, кўз-пўз тегмайди. Ҳали катта бўлишса, кияверишади”. Баъзан ўзича хижолат ҳам бўлиб қўяди: “Болам, рўзғор деган ҳеч тўлмайдиган ғор бўларкан. Бир умр эр-у хотин ташиб-ташиб тўлдиролмаган эдик. Энди Сардор билан сен қўшилдинг. Харажат-у орзу-ҳаваслар ҳам шунга яраша ортди. Майли, болам, Шоҳистани узатиб, эсон-омон эгасига топшириб олайлик, кейин топганимиз ўзимизники. Еймиз-ичамиз. Қимматбаҳо кийимлар оламиз. Санаторийларга борамиз”, деб қолади. Нозима бу гапларга сира ишонмайди. Шу кампир тирик турса, ҳеч қачон эшакни уларнинг қўлига бериб қўймайди. Ҳали у, ҳа-

ли бу ҳаражатни ўйлаб топаверади. Ҳар йили нимадир куради, кейин ўзи фахрланиб юради.

“Ушанда ҳам бир нарса чиқиб қолади”, деб тўн-ғиллайди Нозима. Кампир эса кулади: “Тирик одамнинг орзу-ҳаваси тугармиди? Бир кун ўлиб кетсам, мен тежаб-тергаб қурдирган бу ҳовли-жойларда мазза қилиб яшайсизлар. Ушанда мени эсламайсизлар ҳам”. “Ким аввал ўлиши ёлғиз Аллоҳга аён. Одамзод бугунини ўйлаб яшаши керак”, яна тўнғиллайди у. Унинг бу уйдагиларнинг раъйига қарамай қўйганига кўп бўлган. Бошида ҳамманинг кўзига қараб турарди. Ичи йиғлаб турса ҳам, жилмайиб юрарди. Бу жуда оғир эди. Шу японлар бир умр табассум билан, тавозе билан юриб, қийналиб кетса керагов, деб ўйлар эди ўз ҳолига ўзи ачиниб. Шу минғир-синғир кампир билан шу қозон-товоқ умрбод бўйнига тузхалта қилиб осилганини англаб етган кун жуда сиқилиб кетди: “Э-э, бор-э!” деди ва юзидаги табассумни керакисиз буюм мисол илиб отди. Бу ёқда онаси ҳам бир нарса деса: “Болам, камбағалман деб, хўрлашларига йўл қўйма. Ҳеч иккиланмай қайтиб келавер. Қўлингга дипломинг бўлса, болаларингга ўзим қарайман. Ҳеч замонда хор бўлмайсан”, дер эди. Одамзод гапи кўр ейишини, атрофдагиларнинг нозик жойини билса, истаса ҳам ўнг гапини айта олмай қолар экан. Бу миянги кампир эса невараларини жуда яхши кўради, чин тўлганда бир тошмаса, жим!.. Ҳатто ўғлига ҳам бир оғиз бир нима демайди. Шундай бўлгач, унинг ўзини йиғиштириб олишга ҳаракат қилиши шартми? Ўзи умуман олганда, ҳаёт унинг учун жуда ёқимсиз машғулотга айланди: на уйда рўшнолик бор, на ишда! Одамларнинг уйи ғурбатхона бўлса, ишга бориб, кўнглини ёзиб, яйраб келади. Буларнинг мактаби ҳам жиннихонанинг ўзи! Ҳамиша юраги зирқиллаб, ишга боради, бир амаллаб дарсини тугатгач, яна юраги зирқиллаб, уйга қайтади.

\*\*\*

Одатда тўй ўтказганлар ишга чиққанларида тўй дастурхонидан қатлама-патир, қанд-курс, иссиқ-совуқ ичимликлар дегандай, бир тугун қилиб борарди. У ҳам ҳеч бўлмаса ўзининг “тилчи”ларига ул-бул қилиб борай, деди-ю, яна юрагига сиғмади. У ишга борганда, ўқитувчилар хонасида ҳеч ким йўқ эди. Гир теварагига қинғир-қийшиқ ўриндиқлар териб чиқилган катта хонанинг ўртасида беўхшов кўққайиб турган узун столнинг бошида, унга ёпилган сиёҳранг ёпинчиққа бир зум тикилиб турди-да, журнални ҳам олмасдан хонадан чиқди: “Ишга чиқдим, деб ўринбосар хонимга бир оғиз айтиб қўяй”.

Қабулхонада компьютерга тикилиб ўтирган котиб йигит уни кўриб, сапчиб ўрнидан турди:

– Келинг, опа!

Нозима овоз чиқармасдан директорнинг хонасига ишора қилди: “Шу ердами?” Котиб эса ўринбосарнинг хонасини кўрсатди: “Бу ёқда”. “Уфф!..” Бир умр шундай!.. Қачон қарасанг, бирга ўтиришади. Муаммонгни ҳам, узрингни ҳам бирга эшитишади! “Индамай ортига бурилган эди, ичкаридан “Ки-им?” деган шанғиллаган овоз эшитилди. Котиб “Иложсизман” дегандек унга бир қараб, ичкарига товуш берди:

– Нозима опа келган эди.

– Кирсин.

Опа – эти қочган қоп-қора юзининг ярмини ялтироқ гардишли кўзойнак ёпиб олган ўринбосар аёл, хонанинг тўрида бир уюм қоғозлар ортида чиройли финжонда буғланиб турган хушбўй қаҳва хўплаб ўтирарди. Қаҳва шунчалар тотлимиди ё ҳамсўхбатидан бирон ширин сўз эшитганми, унинг кўзлари масрур сузилиб турарди:

– Кел, Нозима!

Опадан қуйироқда ўтирган директор унга қараб ҳам қўймади, индамай қаҳвасини ичаверди: “Хонимчасидан кўрқди!”

– Келдим, – бемаҳал кириб қолганидан хижолат бўлди у. – Ишга чиқдим, деб бир оғиз айтиб қўяй, дегандим.

– Яхши, тўйларни ўтказиб олган бўлсанг, энди ғайрат қилиб ишла. Бугун мактабимизга вазирликдан одам келаркан, – унинг кўзларига синовчан табассум қалқди. – Бир чиройли дарс ўтиб бермайсанми?

Нозиманинг ранги ўчиб кетди: “Ҳатто консепт ҳам ёзгани йўқ. Кўргазма ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бир ҳафтадан буён тўй ташвишлари билан юриб, журналлар ҳам тўлдирилмаган. Бу... нархини ошириш учун жўрттага қармоқ ташлапти. Ялиниб, жилпанглашини истаяпти!” У зўрға қаҳрини ичига ютди. Ҳамон илжайиб турган Опанинг кўзларига илтижо билан қаради:

– Розиман, фақат бошқа сафар! – бирдан ич-ичида нимадир узилиб кетгандай бўлди. На ўзининг, на атрофдагиларнинг ҳурматини қила олмаган бир енгилтак аёлнинг олдида чорасиз, ожиз одамга айланганидан уялди. – Бир ҳафтадан бери тўй ташвишлари билан юриб...

– Айбини бўйнига олади ҳам, яхши! – боядан бери гапга қўшилмай ўтирган директор унга қаҳр билан бир қараб, қақиб олди.

Нозима индамади.

“Опа” маънодор танглай қоқиб, бош чайқади:

– Майли, боравер.

Қабулхонада ғазнабонга дуч келди:

– Бердиқулова! Как раз сизни излаб юрган эдим.

Сиз тўйлаб юрган кунларингизда биз учта комиссияни кузатдик. Бугун яна комиссия келар экан. Икки минг сўмдан саккиз минг сўмга қўл қўйинг.

У узундан-узоқ рўйхатнинг боши-охирига қараб ҳам ўтирмади: “Кафанликларингга буюрсин!” Ғазнабон кўрсатган жойга индамай имзо чеқди.

– Э-э, раҳмат опа! Ҳамма сиздай мард бўлса экан. Арзимаган икки минг учун ётиб ёқалашади-ей одамлар...

Биринчи соати 7“а” га эди. Бу синфга ҳамма ўқитувчилар ҳайиқиброқ киради. Чунки бу синфга фақат бадавлат одамларнинг болалари йиғилган. Уларга ҳар йили энг яхши синфхона, энг мулоим ва тажрибали ўқитувчилар ажратилади. Аммо ўша яхши ўқитувчилар ҳам уларга ҳеч қачон ошиқча гап қила олишмайди, аксинча ота-онасидан кўрқиб, баъзилари дурустроқ совға-салом умидида уларга очикдан очик хушомад қилишади. Чунки ҳокимнинг ҳам, прокурорнинг ҳам, бозорқўмнинг ҳам боласи шу синфда. Бу болалар учун дуппа-дуруст бир муаллимни бадном қилиш ёки орадаги тафовутни унутиб, ялтоқланиб ташаккур билдирар даражада қимматбаҳо совға келтириш ҳеч гап эмас. Нозима эса улардан сира кўрқмайди, совға ҳам

кутмайди, олиб келишганда ҳам олмаган: “Ордона қолсин!” Фақат бир парча болаларнинг эғнидаги энг сўнги урфдаги қимматбахо кийимларга қараб, ичи ёниб кетар эди. Ўзи камхарж оилада ўсган эди, энди бой оилага тушиб ҳам ўқувчиларича кийина олмаса. Синф уни одатдагидек шовқин-сурон билан қарши олди, уларнинг саволларга кўмиб ташлашлари учун жиндеккина баҳона керак:

- Малим, тўй яхши ўтдимми?
- Шоҳиста опа чиройли келин бўлдимми?
- Нечта машина келди?
- Куёв чиройли йигит эканми?

Нозима синф журналини кўксига босганча бир оғиз бир нарса демасдан қошларини чимириб, доска ёнида болаларнинг тинчишини кутиб тураверди.

Дўстона мулоқотга эриша олмасликларига кўзи етган болалар аста-секин тинчиб қолди. Шунда ҳам орқа партада ўтирадиган бир-икки бетамиз, “Нега кайфиятинг йўқ,а?”, “Сени кимдир хафа қилганга ўхшайди, айт, ким хафа қилди?” деб бир-бирларига пичинг отишди.

Нозима бу пичингларни эшитмаганга олди: “Нима ҳам дейди бу бетамизларга?!”

Дарс бошланди.

– Хўш, ўтган дарсда қандай мавзу ўтилган эди?  
– Мен айтай, – ўрнидан сапчиб турди биринчи партада ўтирган бозорқўмнинг ўғли.

– Қани, Мирзаев?

– Ўтган дарсда тўй бўлган эди, – у жавобни дўндиргандек мутлақо жиддий оҳангда гапирди.

Синфда дув этиб, кулги кўтарилди.

Фақат Нозима кулмади.

– Ўтир, Мирзаев, яна бир марта шундай қониқарсиз жавоб берсанг, баҳонинг журналга ҳам тушади. Хўш, сизларнинг эсларингдан чиққан бўлса, мен сизларга қарашиб юбораман. Тўйгача бўлган дарсимизда “Равиш” мавзусида гаплашган эдик. Қани, Жаҳонгир, – ҳали юзидаги мамнуният ифодаси тарқалмаган бозорқўмнинг ўғлини доскага чиқарди. – Равиш деб нимага айтилади? Иккита гап тузиб, таркибидаги равишни топиб бер.

Жаҳонгир бироз каловланиб қолди:

– Малим, мен бу мавзуга ўтган дарсда тайёрланиб келган эдим. Бугун эсимдан чиқиб кетди.

– Кеча ўқиган нарсамиз бугун ёдимиздан чиқиб кетса, ўқиганимиздан нима фойда? Сиз шундай ўқингиз керакки, ўрганганларингиз бир умр эсдан чиқмасин. Ўтир, икки! – у журналга ҳам “2” қўйиб қўйди.

– Сайфиддинов, – энди прокурорнинг ўғлини доскага чиқарди – қани, равишнинг қондасини сен айт-чи!

Бола бироз ерга қараб турди-да, сўнг муқаррар журналга тушадиган “2”нинг олдини олмоқчи бўлдимми, ўзича исён кўтарди:

– Малим, мен ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Менга равишнинг қондаси умуман керак бўлмайди.

– Жуда яхши, Сайфиддинов, сен ҳуқуқшунос бўлавер. Аммо шуни билиб қўйки, ҳуқуқшунослик институтига топширадиган шаҳодатномангга ўзбек тили фанидан ҳам баҳо бўлиши керак. Бу баҳо эса шу фандан олган билимингга қараб қўйилади. Равишни билмайсанми, ўтир, “икки”!

Синфга сув қуйгандек жимлик чўкди. Ҳар доим кимнидир масхара қилишга шай чеҳраларда қовоқлар

уюлди, қошлар чимирилди: “Шошмай тур, ҳали кўрасан!”, “Худога шукр, мандан сўрамади”, “Бугун ҳақиқатан ҳам кайфияти йўқ. Эри билан уришганми?”, “Директордан гап эшитган бўлса керак”...

– Хўш, дарсга тайёрланиб келган бирон одам борми? Йўқ! Демак, қолганларга оғзаки “2”, янаги дарсда бу баҳони тўғирлашларинг керак. Акс ҳолда, бу “2”лар журналга тушади. Энди, янги мавзуга ўтаммиз...

Нозима бу синфнинг унга нисбатан “чегара”ни босиб ўтишига ҳеч қачон йўл қўймаган. Болалар ҳам ҳаммиша ҳаддини билишарди. Бугун Нозиманинг руҳиятидаги тушкунлик, болаларнинг кайфиятидаги баҳорий кўтаринкилик тўқнашиб, ана шундай дилхираликни келтириб чиқарди.

Катта танаффусда ҳовлиқиб Мастура дугонаси келди.

– Опа шу йил бир тўйиб сумалак емадим, дебди. Наврўзда ҳам ўтирмаган эдик. Сумалак қилинар экан, ҳар бир кишидан йигирма минг сўмдан йиғиштиришмоқчи. Қўшилсанми?

– Ў, тавба, – Нозима ёқасини ушлади. – Йигирма мингдан юз ўқитувчининг пули икки миллион бўлади. Икки халта ун юз минг бўлса, қолган бир миллион тўққиз юз минг сўм пулни нима қилар экан бу еб тўймаслар?! Бировнинг ҳаққидан ҳеч ҳазар қилишмайди-я, ноинсофлар!

– Қўйсанг-чи, осмондан тушгандай гапирасан-эй. Ахир сумалак бир кеча-кундуз қайнайди. Кечки пайт базм дастурхони ёзилар экан. Тандир, кабоб, кола, фанга, дегандай.

Базмни эшитиб, Нозиманинг баттар орқаси тутди:

– Қўй, дугона! Ўша даврада ўтириб, яна бир марта хўрланишни сира ҳам истамайман.

– Нозима, қўйсангчи! Мен ўша катта оғиз бойлар билан уларнинг лаганбардорларига умуман эътибор қилмайман. Муштдеккина қорним бор, бир бўлак пишлоқ билан бир ликоп салат есам ҳам тўйиб қоламан. Кейин мазза қилиб ўйнайман. Сен бундай бўлма. Ҳамма нарсадан кир ахтараверсанг, ўзинг ҳам кирланиб қолсан.

Нозима чуқур хўрсинди:

– Мен бошқача бўла олмайман, беихтиёр ўша бойваччаларга, уларга алоҳида ташилаётган сергўшт, ёғли-ёғли таомларга қарайвераман. Уларнинг тўрда ўтириб олиб, бизнинг ризқимизни е-еб, яна бизга беписандлик билан қараб ўтиришларини кўргани кўзим йўқ. Ҳатто, уларнинг дастурхонига қўйиладиган идиш-товоқлар ҳам бизникидан бошқача, қимматбахо бўлади.

Аслида Нозима юз карра ҳақ эди. Бу мактабда одамга эрининг мартабаси, усти-бошига қараб муомала қилишар эди. Шунга қараб муаллимлар гуруҳларга бўлинган. Амалдор, пулдор кишиларнинг хотинлари бир гуруҳ, дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган ёшлар бир гуруҳ, Нозима билан Мастурага ўхшаш ўртамиёналар бир гуруҳ. Шубҳасиз, ҳаммиша, ҳар қандай давранинг тўри, эътибори бойвачча хонимларники эди. Директор ва ўринбосар опа, яна бир-икки ёши ўтиб қолган “закунчи” муаллималар ҳам уларнинг ёнида эдилар. Уларга ҳаммани муҳокама қилиш, ҳаммага танбех бериш ҳуқуқи берилган. Ҳамма улардан қўрқади, ҳамма уларга хушомад қилади. Бир куни Нозима тўртта узук тақиб келган эди. Эри Ички ишларда

қандайдир катта лавозимда ишлайдиган тошкентлик оймча уни атай ёнига чақириб, танбеҳ берди:

– Нозимахон, бу нима юриш? Ҳамма ёгингиз тилла бўлиб кетибди-ку. Бу ер тўйхона эмас, мактаб! Сиз эса отарчи эмас, ўқитувчисиз, – аёлнинг чимирилган пайваста қошлари, кишига ўқдек қадалувчи сурмали кўзлари, бақбақалари ҳам зеб бўлиб турган ажинсиз оппоқ юзлари, хуллас, бутун турқи тароватидан чакчак этиб, захар томиб турарди. Нозима беихтиёр унинг каттакон олмос кўзлари ловуллаб турган зираги билан узугига қаради.

– Бундай узуклар кимда йўқ, балки менда бир ҳовучи бордир. Бор, деб, боримизни бармоғимизга илиб, ўқувчиларнинг олдида ялтир-юлтир қилиб юришимиз шартми?

Аёлнинг қаҳрли кўзлари олмосдан ҳам ўткир эди, Нозима қип-қизил ёқут кўзлари бақрайиб турган узуклар тақилган қўлларини тиззалари орасига олди. Унинг ноўрин каттачилигидан қаҳри келди, аммо ўзи неча йиллардан бери интилиб ета олмаган тақинчоқлар қулоқ ва бармоқларида ялтиллаб турган аёлга ўтказиб бирон нарса дея олмади.

Ўша кунги мулоқотдан сўнг неча пайт ўзига кела олмай юрди. Ўша “тергов” эсига тушса, ҳалиям мазаси қочади.

...– Йўқ, дугон, мен бу базмга қатнашмайман.

– Қатнашсанг, қатнашмасанг, ойликдан йигирма минг ушлаб қолаверади. Ундан кўра қатнашайлик. Ебичиб, ўйнаб-кулиб...

– Мен барибир қатнашмайман.

Унинг бунчалар кайфиятсиз эканлигига дугонаси хайрон бўлди:

– Нима бўлди? Яна қайнонанг билан жиқиллашиб қолдингми?

– Э-э... йўқ! Ўз-ўзимдан сиқилиб кетаяпман.

– Сен ўзинг тилчи бўлсанг, бошқаларга нисбатан тарбиявий нарсаларни кўпроқ ўқийсан. Шукр қилишни ўрганиш керак. Нима дейди, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, ғурбат излаганга, ғурбатдир дунё. Бошингда эринг бўлса, болаларинг бўлса! Қасрдек уй-жойинг бор. Қайнонанг ҳам ёмон хотин эмас.

– Жонимга тегиб кетган ҳаммаси. Минг яхши хотин бўлса ҳам ҳар кун пешонангдан бир киши қараб турса, тўйиб кетасан. Ҳар куни бир хил ҳаёт: иш-уй, уй-иш, супур-сидир, пишир-қуйдир, юв-чай, дарс, конспект-жонимга тегди ҳаммаси. Ҳеч тинмайсан, лекин ҳеч биринг икки бўлмайди. Ўрни келганда, бир ўқувчингча кийина олмайсан.

– Э-э, кўй-е! – дугонаси уни астойдил уришди. – Бугун чап ёнинг билан туриб келгансан, шекилли. Шукр қил, дугон. Қаноатда гап кўп. Мана мен, диқ-диқлаб эримни Россияга жўнатдим, энди еганим ичимга тушмайди. Юбораётган пуллариам кўзимга кўринмайди. Айниқса, кечқурун овқат маҳали болаларимнинг кўзига қарашга уяламан. Ҳаммаси соғинган. Пулимиз оширтошиб ётмаса ҳам бош эгамиз бор эди, бағримиз бутун эди. Ўйлаб қарасам, эримнинг қорасиям қора тоғ экан. Энди “Соғмикин? Тинчмикин?” деб диқиллаб умрим ўтаяпти. Бир кўнғироқ қилиб қолса ҳам дунё топган тентакдек суюниб қоламан.

– Лекин эрим пул топаман, деб Россияга кетса, мен сира хафа бўлмас эдим!..

Дарслари тугагач, икки дугона бирга чиқишди. Айна пешин бўлгани учунми, ҳаво исиб кетган, “Азиз момо”нинг уч кун олдинги қаҳридан ном-нишон қолмаган. Бироз кечикиброқ гулга кирган бодомлар яна тўй саргузаштларини, кўшиқчи куёвжўрани ёдга солди. Мастура ётоқ мебели олган экан. “Бир кўр-чи”, деб уйига бошлади. Чоққина ҳовлидаги сокинликка ҳаваси келди:

– Қандай мазза! Уйингда ошиқча одам йўқ. Хоҳласанг, ётасан, хоҳласанг, турасан. Қайнона-қайнота эмас, эримни ҳам кўргим келмаяпти. Бизнинг уй-штаб! Бировини кузатсанг, иккинчиси “ассалому алайкум” деб келиб туради. Шундай чарчаб кетдим-ки! Болаларим кўшнининг боласини эргаштириб келса ҳам ёқмайдиган бўлиб қолган. Қани, икки хоналигина уйим бўлса!.. Ётсам, турсам, ўзим истаган ишни қилсам!.. Биров менинг кун тартибимни тузиб бермаса!

– Бунинг ҳеч иложи йўқ. Бандаларининг кун тартиби бир умрлик қилиб Аллоҳ томонидан тузиб қўйилган бўлади. Масалан, тонг отади, биров “тур” демаса ҳам, ўзининг эҳтиёжларинг учун турасан. Қорнинг очади, овқат қиласан. Овқат қилиш учун масаллиқ керак, масаллиқ топиш учун эса қаердадир ишлаш керак. Хуллас, ўша қайнона-қайнота бўлмаса ҳам, тирик экансан, тирикчилигингни қилаверасан.

– Барибир!.. Ҳеч бўлмаса, бировнинг назоратида эмас, ўзинг учун, ўз ихтиёринг билан қилсанг, у бошқача бўлади.

– Қўй-е, дугон, душманларинг ҳақида гапиргандай гапирма.

Мастуранинг мебели жуда чиройли экан. Кўшниси болаларини боғчадан олиб келиб берди, у овқат қилди. Ҳеч уйига қайтгиси келмади, шу ерда кечгача қолиб кетди. Қайнонаси билганини қилсин, ўғлининг қайта уйлангиси келиб ётган бўлса, овқатини ҳам ўзи қилиб есин. Болаларни қайнотаси олиб келади.

Эртаси куни биринчи соатдан директор чақиртираётгани айтишди. Кеча айтган гапи ёдига тушиб, кўнгли беҳаловат бўлди: “Менга комиссия олиб кирманг”, деб дурустроқ илтимос қилсам бўлар экан”.

Одатдагидек, директор Опанинг ёнида экан. Ҳар доимгидек саломига алик ҳам олмади. Опа эса бирдан бобиллаб кетди:

– Эй, сен нима қилиб юрибсан? Бутун бошли синфга “2” қўйишга нима ҳақинг бор? Ўзингга ҳам баҳо қўйгансанми? Бутун синфдан бирон болага “2” дан зиёд билим бера олмаган муаллимнинг баҳоси “1” бўлади, билдингми? Сенларнинг шунча комиссияларингга пеш бўлиб юрганам камлик қилгандай, энди прокурорнинг олдида тик туриб, сўроқ беришим керак.

Нозима кўзларини чақчайтириб, оғзидан тупук сачратиб бақираётган Опага қараб, кўрқиб кетди. 7 “а” га қўйилган “2” лар анчадан сўнг ёдига тушди:

– Опа, у синф... – синфнинг уни қандай масхара қилганини айтиб, ўзини оқламоқчи эди, Опа гапини бўлди:

– Олдимга туш, сени прокурор чақираяпти!

Унинг оёқларидан жони чиқиб кетгандай бўлди, лекин бирдан қайсарлиги тутди:

– Менинг дарсим бор, болаларни ташлаб кета олмайман.

– Ҳей! – сумкасини қўлтиғига қисиб, олдинга тушган Опа ортига қараб, бир ўшқирди. – Олдимга туш, деяпман сенга!



Энди тайсаллашнинг фойдаси йўқ эди. Синфхонага кириб, сумкачасини олиб чиқди.

Прокурор – сочларига оқ оралаган, лекин лўппи юзларидан ҳали қирққа ҳам кирмагани кўришиб турган ёқимтойгина киши экан. Ям-яшил гилам тўшалган кенг хонасида нозик ҳидли фаранги атирнинг хушбўй иси кезиб юрарди.

– Хўш, мухтарам Бердиқулова сиз бўлсангиз керак-а? – биринчи бўлиб унга қўл узатди, қўллари ҳам юмшоққина эди. – Қани, ўтиринглар-чи? Аҳволлар яхшими? Бизнинг болалар сизни қийнаб қўймаптимми?

– Йўғ-е, Абдурашид ака, сизнинг болаларингиздек бола борми мактабда? Сизнинг болаларингиз мактабимизнинг фахри-ку. Улар буни эмас, бу ноўрин талабчанлик билан болаларни қийнаб юради баъзан, – унинг ўрнига жағи-жағига тегмай ялтоқлана кетди Опа. – Узиям қилган ишидан пушаймон, кечирим сўрагани келдик.

Прокурор опага мамнунлик билан бир қараб қўйди-да, яна Нозимага юзланди.

У ёнбошда турган темир шкафни шарақлатиб очди-да, қора елим қоғозга ўроғлик муштумдай нарсани олиб, Нозиманинг сумкасига солиб қўйди.

– Сиз... нима қилаяпсиз? – ҳайрон бўлди Нозима.

– Кеча йигитлар бир аёлни ушлашган экан. Ўша аёлнинг сумкасидан чиқди бу қора ажал. Кўрсангиз бинойидай аёл... Ўзини қамоққа олишди, буни ашёвий далил сифатида олиб қўйгандим.

– Мен уни нима қиламан?

– Сиз?... – кулди прокурор. – Ҳозир иккита милиционерни чақириб, сизни текшириб кўришларини сўрайман. Сумкангиздан манови матоҳ чиқади. Опангиз эса жиний ҳаракатни асослаб ёзилган баённомага қўл қўяди. Ўқитувчи, аёл, она эканлигингиз инобатга олинган тақдирда ҳам сизнинг барча орзуларингиз, келажакингиз барбод бўлади

– Ие, мен!.. – Нозима шошиб сумкасига ёпишди.

Прокурор уни оҳистагина нари суриб қўйди, унинг қўллари жуда қувват эди:

– Шошманг! – кескин буйруқ берди у, сўнг сумкага солинган тугунчани олиб, яна темир шкафига солди. – Энди ўтиринг, мана сумкангиз.

Нозима сеҳрлангандек бўлиб ўриндиққа чўкди. Прокурорнинг ўткир нигоҳларига дош бера олмай, ерга қаради.

– Лекин мен бундай қилмайман. Мен ҳар қандай инсоннинг орзусини ҳурмат қиламан, қўлимдан келганча ўша орзусига етишишига ёрдам бераман, ҳеч бўлмаса, ҳалақит бермайман. Болаларимизнинг оналарига қиладиган энг зўр совғалари бу уларнинг баҳоларидир. Менинг ўғлим етти йилдан бери бирон марта “4” баҳо олиб кўрмаган эди, ўзича менга қизил шаҳодатнома совға қилишни орзу қилиб юрган экан. Сизнинг кайфиятсизлигингиз бир мурғак қалбнинг бегубор орзуларини чилпарчин қилди.

– Йўқ, Абдурашид ака, уни тўғирлаймиз. Янги журнал олиб, қайтадан ёзиб чиқамиз, – шошиб-пишиб топагонлик қилди Опа.

Прокурор Опага қарамади ҳам.

– Хўш, мураббий сифатидаги мана шу ҳаракатингизни нечага баҳолаш мумкин? Қани, ўзингизга ҳам баҳо қўйинг-чи? Сиз ўқитувчисиз, сиз боланинг қалбида янги орзулар туғилишига сабабчи бўлинг, бор орзулар

томирига болта урмасдан. Шундай ўқитувчилар бор – каттанинг боласи деб, фақат хушомад қилади, натижада болани талтайтириб юборади. Яна бир тоифа ўқитувчилар бор – амалдорларнинг болаларига онасининг ҳавоси билан бурни кўтарилган деб, нафратланиб қарайди. Хушомад ҳам, нафрат ҳам керак эмас. Бола – кимнинг фарзанди бўлишидан қатъий назар – ўқувчи. Унга сиз билимдан аввал меҳр беринг. У билан, мен ўқитувчиман, деб, масофа сақлаб гап-лашманг, аксинча, дўст бўлинг. Мен жуда қаттиққўл прокурорман, лекин болаларимга дилкаш дўстман. Қизим ҳам мен билан бемалол сирлаша олади. Агар мен ҳуқуқшунос бўлмаганимда, албатта яхши ўқитувчи бўлар эдим.

Хонага ёқимсиз жимлик чўкди. Анчадан сўнг бу жимликни яна прокурорнинг ўзи бузди.

– Ҳа, яна бир гап: ўқувчим прокурор отасига шикоят қилибди, деган хаёлга борманг. Мен кечаги дарснинг тафсилотларини яна бир “2” олган боланинг отасидан эшитдим. Каттачилик қилиб, идорасига чақирди, деб ҳам ўйламанг. Прокурор Бердиқуловани уришгани келибди, деган хаёлга боришларидан сақландим. Энди бораверинглар...

– Узр, минг бор узр, – Опа қўлини кўксига қўйиб, қайта-қайта кечирим сўрарди. – Ўзим бошида туриб ҳаммасини тўғирлатаман, ўғлингизга ҳам ўқитувчининг хато қилганини тушунтираман. Фақат сиз биздан хафа бўлмасангиз бўлди.

– Раҳмат... – Нозима бошқа ҳеч нарса дея олмади. Хонадан чиқаётиб, бурчақда қаққайиб турган оппоқ темир шкафга кўрқибгина бир қараб қўйди, сўнг сумкачасини қўлтиғига янада маҳкамроқ қисиб олди.

Опа мактабга боргунча жавраб борди:

– Худога шукр қил, Сайфиддинов золотой одам. Бошқа бўлганда, жавобгарликка торттириб юбориши ҳеч гап эмас эди. Прокурор учун бир одамнинг тақдири нима деган гап? Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдимми? Сенга қилмаса, эринггами, аканггами, бир тухматни ёпиштиради. Минг пушаймон бўласан, аммо кейин фойдаси йўқ. Сайфиддиновни чақириб гаплашсан, кечирим сўрайсанми, хушомад қилсанми, нима қилсанг, қил, лекин кўнглини топ. Янги бир журнал берман. Эртадан бошлаб, 7 “а”нинг журналига ўтирасан. Ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқасан.

Бошқа пайт бўлганда, ҳеч бўлмаса, ўз ҳуқуқини даъво қилиб, ўзини тарозига солиб кўрарди. Аммо бугун... Опанинг ёши ўтиб қолган бўлса-да, жуда тез-тез юрар, унинг даққиларини индамай эшитиб бораётган Нозима унга етиш учун изидан деярли югуриб борарди. Шу шошқин ҳолатида ҳам кўз ўнгидан боягини сумкага кириб чиққан елим қоғозга ўралган тугунча сира кетмас, қўлтиғига маҳкам қисиб олган сумкачасини дамба-дам ушлаб-ушлаб қўярди.

Шунча ўйласа ҳам англай олмади: Бу одам ким эди? Жон оғритган дўст бўлмас, дейишади. Унинг кўнглига солган кўрқув юракларини тилка-пора қилиб ташлади. Бу дўстнинг ишими? Аммо унга ҳеч нарса қилмади, на уришди, на сўқди. Фақан тушунтирди. Мураббийлардек. Мураббий, лекин сабоғи жуда аччиқ мураббий эди у. Гапнинг индаллосини айтганда, прокурор батамом ҳақ эди. Унинг бу болалардан нафратланиши ҳам рост. Шунинг учун ҳам уларнинг эркаликлари, ҳазиллари жуда малол келади. Шунинг учун ҳам

улар билан дўст бўла олмайди. Уларнинг бола эканлигини унутган эди Нозима. Энг катта хатоси ҳам шу эди.

\* \* \*

Оллоқул ака табиатан бўйни бўш одам. Унинг отаси шундай эди. Отаси бироз қотайсин, деб армияга юборди, институтда ўқитди. Лекин сут соғувчи онасидан кейин колхоз раисининг сўзини ерда қолдиrolмай, хотини биргад бўлиб кетди-ю, беш йил ўқиб, эришган касбини эсдан чиқаришга мажбур бўлди. Бир умр хотиннинг етовида юрди, унинг хизматини қилди. Онаси ҳеч қўймас эди: “Хотинингни изидан қолма, менга “фалончининг келини ана ундай, мана бундай” деган гаплар керак эмас”, дерди. Аслида шу одам бўлмаса, Робия холанинг биргад бўлиб, бир нималарга эришиши кўп душвор эди. “Дадаси, трактор керак”, “Дадаси, бу кеча сув навбатимиз экан, қулоқнинг бошидан кетманг”, “Дадаси, комбайн керак”... Аввалига узукнинг кўзидек аёлини ҳар жойда ҳар кимга сарғайтирмаслик учун юрди, кейин ёшлари ўрта бўлгач, “ҳоримасин, толмасин”, деб юрди. Хуллас, бригадирликнинг номи Робия холаники бўлса ҳам, бор ташвиши Оллоқулбойники эди. “Эр эмас, югурдак” деб кулганлар ҳам бўлди. Лекин кўпчилик “Гулдай хотинни вақти-бевақт ёлғиз қўймаган маъқул-да. Шу биргаднинг оти Робияники бўлса ҳам, даромади Оллоқул бойниқига киргандан кейин юраверсин-да”, дер эди.

Ҳалиям шу. Нима гап бўлса, шу аёлнинг оғзига қараб туради. Робия хола ундай эмас, бундай дедими, тамом, у айтгандай бўлади. Ўша куни Робия хола кун бўйи йўқ бўлиб кетди. Вақт асрдан ошганда шошиб етиб келди. Юз-кўзларидан шодумонлиги кўриниб турарди.

– Ҳа, лотарейнга мошин чиқдим, кампир? – деди Оллоқулбой яхши бир гап умидида.

– Мошиндан ҳам зўр нарса чиқди, дадаси.

– Нима гап? Одамнинг ичини қизитмай, тезроқ айтсанг-чи?

– Ҳаж!.. Дадаси, бугун ҳокимиятга борган эдим, навбатларингиз келди, тайёргарликларингизни кўраверинглар, деди. Қаранг, биз барибир Аллоҳнинг суйган бандалари эканмиз, охири фарзандни ҳам уйли-жойли қилиб, эгасига топширгандан сўнг, навбатимиз етиб турганини қаранг. Аллоҳга шукр, минг шукр!

Оллоқулбой ҳам масрур жилмайди:

– Ҳа, Аллоҳга шукр, бўлмаса сен намозингни ўқи, мен бориб болаларни олиб келай. Йўл-йўлакай момоси билан келишармикин, деб индамай ўтиргандим.

Бу янгилик кечки овқатнинг устида ҳаммага эълон қилинди:

– Энди, болаларим, охири қарздан ҳам қутулдик, кенжа қизни эгасига топширдик, – одатда бундай вазифалар Робия холанинг зиммасига тушарди, бу сафар ҳам ич-ичидан тошиб келаётган қувончли оиласига ўзи етказишни истайди, – Анчадан бери орзу қилиб юрган эдик. Болаларнинг ҳаммасини жойлаштирадик, ҳажга борамиз, деб. Мана, ҳаммаларингни уйли-жойли, дипломли, касбли-хунарли қилдик. Энди, Сардорбой ўғлим, отанг билан менга тегинмайсан. Рўзғорнинг аравасини ўзинг тортасан. Биз, насиб этса, келгуси йил ҳажга борамиз. Беш йил аввал ариза ташлаб қўйган эдим. Бориб учрашсам, кейинги йилга навбатимиз келиб турган экан. Роса суюндим. Аллоҳ на-

сиб қилган бўлса, умрнинг қолганини тоат-ибодатга бағишлайман.

Сардор негадир шошиб қолди, бироз ранги ўчди. Афтидан унинг ҳам рўзғордан бошқа қандайдир режалари бор эди. Аммо она ҳажга бораман, деб турганда, нима дейди? “ҳажда нима бор? Мана бу ерда ўтириб, менинг оиламни боқинг”, дея олмайди-ку. “Эҳ, тинчимаган кампир!.. Ҳар кун бир нарса ўйлаб топиб туради”. Аммо Сардор сир бой бермади. Оғзидаги луқма томоғига тикилиб қолаёзди, бир амаллаб ютди.

Нозима индамади: “Бу уйда ҳаммаша кимнингдир орзу-ҳаваси учун яшаш, ишлаш керак. Энди бутун оила ҳаж сафарига, ҳожи тўйларга пул йиғади!”

Робия хола ён-атрофидагиларга қараб, айтган гапи ҳеч кимга маъқул тушмаганини кўрди. Очиғи, дили оғриди, нималардир алам қилди. Болам деганинг ҳам бекор экан. Бир умр бола-чақа деб яшади, елкасидан рўзғор халта тушмади. Эру хотин икки қизни тўрт қизнинг сепи билан узатди, тўрт ўғилга тўрт уй қуриб берди, тўрт машина олиб берди. Энди қариган чоғида ҳам топганини шуларга едириб-ичириб ўтирса!..

Еб ўтирган овқатига пашша тушгандек кўнгли хижил бўлди. У табиатан жуда қайсар эди, ўғлининг бефарқлиги кайфиятини туширган бўлса, ҳамон кўнгли қувончига бир маҳрам изларди. Хонасига кириб, катта акасига кўнғироқ қилди.

– Акажон, мени табрикланг.

– Ҳа, тинчликми?

– Мен ҳажга кетаяпман. Бугун денг, таваккал қилиб, ҳокимиятга борсам, шундайгина навбатим келиб турган экан. Тайёргарлигингизни кўраверинг, келгуси йил борувчилар рўйхатининг бошида турибсиз, дейишди, – у янгиликни айтар экан, яна ҳаяжонланди, юрак ютиб, иккинчи томондан. “Ў-ўй!” дегандай ҳайратли қувончларга тўла хитобни кутди.

– Ҳа-а, яхши, – акасининг овозидаги совуққина оҳангда на қувонч, на хайрихоҳлик бор эди.

Робия хола шу ерда акасига ёқмаган мавзуга нуқта қўйса бўлар эди, аммо у ўзини тўхтата олмади:

– Чолу кампир бир йиллик нафақамизни йиғсак, бемалол етар экан.

– Яхши!

Шу билан “янгиликлар” тафсилоти ҳам, эҳтиёжи ҳам тугади. Яхши кўрган ўйинчоғини синдириб қўйган боладек шумшайиб қолган Робия хола оғринганини билдирмаслик учун гапни янгага, болаларга бурди:

– Янгам ҳам яхши юрибдиларми? У кишига гап йўқ, шу ёшида тиниб-тинчимайди.

– Ҳа-а, худога шукр. Қўй энди, десам ҳам, “Болаларни жойлаштириб бўлайлик”, дейди. Бўлмаса, олтишдан ошган аёлнинг икки жойда ишлаши осонми?

Ака хотинининг фазилатлари ҳақида гап бошлагач, очила қолди.

Робия хола ажирғанди: “Буларнинг хотинини мактаб турсанг, сендан яхши одам йўқ. Эй, кўнгли учун, “Ў-ўй! Маладес, синглим. Зўр иш бўпти, табриклайман. Аллоҳ йўлингни очгани рост бўлсин”, деб қўй! Бир оғиз хайрихоҳлик шунчалар қимматми?”

Эртаси куни онасининг ёнига борди. Болалиги ўтган қадрдон ҳовли-жой йиллар ўтиши билан тўкилиб, худди кекса онаси каби мунғайиб, ерга қапишиб бораётган бўлса ҳам, Робия холани ҳаммаша оҳанрабодай

чорлаб турар, дарвоза олдидаги кичкинагина хонада қачон борса, тикиш машинасининг ёнида ниманидир тикиб ўтирадиган кампир онасини кўрганда кўнгли кенгайиб кетгандай бўларди. Бориши билан “Чарчадим, онажон” деб ўзини онасининг каравотига ташлар, онаси эса тикишини давом эттирарди. У ётган жойида онасига гап берар, дарду ҳасратларини айтар, онаси “Ҳа, ҳам” деб ишини қилаверар, бекордан бекор унинг вақти ўтиб кетаверар, кекса онаси эса бу вақтда ниманидир битирар эди. Баъзан Робия холанинг аччиги келар эди: “Шу ёшингизда икки букилиб, тикиш қилишнинг нима кераги бор?”. Онаси унинг қаҳрига парво ҳам қилмайди: “Бу машина менинг олтмиш уч йиллик дугонам. Ҳовли супира олмасам, ер чопа олмасам, шу машина билан вақт ўтганини билмайман. Кеча Холбиби келган экан, қизининг сепига деб, етти-та елпуғич бердим. Бечора хурсанд бўлиб, яна ўнта тикиб берасиз, деб, ўттиз беш минг сўм бериб кетди. Ўн беш минг кўшдим-да, бир қоп ун олиб келдирдим”.

“Вой, она-ей, саксонга кириб ҳам, шу болангининг нонини кўтаринг. Сиз зерикканингиз учун эмас, нон ташвиши билан тикиш қиласиз”.

“Унисиям, бунисиям. Мен ҳам шуларнинг дастурхонидан нон есам, қараб ўтираманми?”

Робия хола бу мунозарада кўпинча онасига ён беради. Нима бўлганда ҳам онаси ҳақ. Бу кампир саккиз бола туғиб, қаторга қўшган. Ҳаммаси ўқиган, топармон-тутармон, лекин биронтаси йилда бир марта бир қоп ун ёки икки килогина гўшт олиб, онаминг кўнглини олай, демайди. Ҳаммасининг ўз ташвиши ўзига зиёда. Робия холанинг ўзидан қиёс, ҳали тўй қилади. ҳали уй қилади. Баъзан ёлчитиб онасининг кўнглини ололмаётганидан куйиниб кетар эди: “Онажон, рўзгор араваси жуда оғир экан, диқ-диқ тинмайман, лекин ҳеч ўзимдан орттира олмайман. Илтимос, сиз ўлмай туринг, ўзимдан ортиб, сизга нимадир қила оладиган кунларга етгунимча, ўлманг. Майлими?”

“Майли”, дер эди кампир тишсиз оғизларини камшайтганча кулиб, худди қачон ўлиш унинг ихтиёрида экандек.

Энди қараса, у ўзидан орттириб, онасига нимадир қилгунича, онасининг ўзи кетмаса ҳам, ҳаваслари, эҳтиёжлари тугаб борар эди: “Йўқ, ёғли овқат ея олмайман, ичимни суриб юборади”, “Йўқ, жуда ширин экан, керак эмас”, “Йўқ, сунъий кийим баданимга ёқмайди. Менга пахталиккинаси яхши...”

Хуллас, бу кампирга энди кўп нарса керак эмас эди. Шундай бўлса-да, Робия хола илтимос қилаверади: “Онажон, ўлмай туринг”. Боиси, бу дунёда бемалол дардини айта оладиган ягона инсон шу кампир эди.

Кампир ҳар доимгидек тикиш қилиб ўтирган эди. Хонадан аччиқ тер ва рутубат ҳиди анқиб турарди. Робия холанинг ҳайфи келди: “Қарисанг мендай бўл, қора ердай бўл”, деганлари шу-да. Қандай озода аёл эди онагинам. Энди... ўтирган жойида ҳам нон, ҳам кўнгил топади, лекин вақти бевақт ҳовли адоғидаги ҳаммомга биргина бориб, ювиниб кела олмайди”.

Робия хола кўнглидаги тугунларини бир-бир ечиб, аввал янгилгини айтди, сўнг ўғлидан, акасидан ҳасрат қилди: “Кўнгил учун, э-э, зўр бўпти”, деб кўймади-я”. Кампир унинг гапларини эшитиб, на суюнди, на куюнди, олдидаги тикишдан кўзини узмай:

– Ҳа, бинойи бўпти, – деб қўйди.

Шу билан анча вақт жим қолди. Тикаётган нарсасининг нимасидир ёқмадим, игна тагидан чиқариб олиб, гоҳ у ёғини ағдариб, гоҳ бу ёғини ағдариб текширди, сўнг чокини сўкишга тушиб кетди. Кампирнинг бу ҳаракати Робия холанинг юрагини сиқиб юборди.

– Уф-ф, эна-ей! Ойда-йилда бир келаман. Шунда ҳам “Ҳа болам, дардинг нима?” деб сўрамасдан, тикишингизга ёпишиб ётасиз-а? Нимага келдим ўзи?

– Қулоғим бекор, ҳамма гапингни эшитиб ўтирган бўлсам, нимага ўпкалайсан, – мома қизининг кўзларига қаради. – Кечагина “дод-вой” қилиб қиз чиқардинг. Ҳажнинг харажати каттагина дейишади-ку. Бир рўзгордан икки киши кетмоқчи бўлсаларинг, қандай эпласизлар? Сўрадингми, неча сўм керак экан?

Харажатни эшитиб, кампирнинг ранги гезариб кетди:

– Эҳ-ҳе! Бу ахир бир қоп пул, дегани эмасми? Шунча пулни бир ўзингнинг ҳожи бўлишинг учун сарфламақчимисан? Атрофингда қанча бева-бечора, касалманд-камхарж одамлар бор. Тентак пулинг кўп бўлса, шуларга бўлиб бер. Ана, сенга ҳожилик савоби. Вой-вой, болам-ей, эсинг йўқ экан-ку сенинг. Ўн олти ёшимдан бери тиқ-тиқ рўзгорнинг ташвиши билан тинмайман, қайнона-қайнота, қайинсингил, қайинука, эр, болалар!.. Ёшлиқда намозни ўрганишга вақт топмадим, қариганда ёдлай олмадим, хуллас, шундай катта савобдан бебаҳра қолдим. Яқинда бир ўқимишли отинчадан сўрадим: “У дунёда одамнинг рўза-ю намозлари сўралар экан, мен энди нима жавоб айтаман?” дедим. Ҳалиги отинча “Момо-ёв, бир одам ҳеч бир фойдали иш қилмай, бутун умрини жойнамоз устида ўтказиши мумкин, яна биров бола-чақа ташвиши билан ўша ибодатни қила олмаслиги мумкин. Менинг билишимча, ўша бола-чақа ташвиши билан яшаб, намоз ўқий олмаган инсон жаннатга кўпроқ ҳақли. Чунки у ўзини ўйламади, фарзанд ўстирди, эрининг, болаларининг хизматини қилди, умрини жойнамоз устида ўтказган одам эса фақат ўзини ўйлади, жаннатга тушиш ниятида фақат намоз ўқиш билан машғул бўлди ва бу машғулотида ўзидан ўзга ҳеч ким манфаат кўрмади, деди.

– Эна-а! – унинг кампирни эшитгиси келмай қолди.

– Нима, эна! – кампир ўқимаган, оми аёл бўлса ҳам, ҳеч гапини олдирмаган қайсаргина эди. – Тўғрисиам шу-да. Одам фақат ўзини ўйламаслиги керак, умрингдан бир кун қолган бўлса ҳам, одамларга фойданг тегсин. Илгари бир одам ҳаж учун йиққан пулини иложсизликдан ҳаром ўлган молнинг гўштини болаларига едириб ўтирган кўшнисига “Менинг ҳажим шу бўлсин” деб, инъом қилиб юборган экан. Ҳайитдан сўнг дўконида ковуш ямаб ўтирса, бир таниши келиб, “Э-э, ҳожи, сиз қандай қилиб биздан олдин келдингиз? Сиз ҳам биз билан баравар ҳаж қилиб юрган эдингиз-ку”, дебди. Шундай қилиб, ямоқчи уйда ўтириб, ҳожи бўлган экан. Наҳотки сенинг бир ямоқчича ақлу фаросатинг, ҳимматинг йўқ бўлса?!

Робия хола анграйиб қолди. Одам кексайганда шундай бешафқат, беандиша бўлиб қоладими ёки онасининг кайфияти йўқмиди, бир далда, тасалли, олқиш умид қилиб келган Робия холани ит олган тулкидай тит-пит қилиб ташлади. Онаси аллакимлардан эшитиб, чала-чулпа қилиб айтиб берган ривоятларни у ҳам ўқиган, билади. Аммо ямоқчи билан унинг вазияти бутунлай бошқа-бошқа. Шунча фарзандни туғиб-

ўстириб, улғайтиб, ҳаммасини уйли-жойли қилиб, нахот ўзининг бир йиллик даромадига ўзи арзимаса? Шу узоқ умри давомида у ҳам неча кишига ямоқчи қилганча яхшилик қилгандир. Аммо ўзи, ўз оёғи билан Аллоҳнинг уйига бориб, унинг муборак байтида саждага бош қўйишни орзу қилди. Бунинг учун бировдан бир сўм сўрамади, бир сўм тиламади, лекин унинг орзуси ҳаммага, ҳатто туққан онасига ҳам малол келди! Лекин у онасига ҳеч нарса демади, айтганларингиз маъқул ҳам демади, номаъқул ҳам демади, келин ёзган дастурхонга ҳам қарамади. Кўнглига келганларни гапириб-гапириб, яна тумтайганча тикиш машинасининг устига мук тушиб олган онасининг ёнида бироз шумшайиб ўтирди-да, сўнг ўрнидан қўзғалди:

– Хўп, мен борай.

– Яхши бор, Оллоқулни сўра.

“Йиққан пулимни бир қоп қилиб, ривоятдаги ямоқчига ўхшаб, шу кампирга олиб келиб берсам!.. Кампир унинг ярмини ови юрганда ҳам дови юрмайдиган кенжа ўғлига берса, ярмини бир уй бола-чақа қилиб қўйиб, ўзи ичкиликдан бўшамайдиган укасига берса!.. Гўё бирининг ишёқмаслиги, иккинчисининг нафсини тия олмайдиған пиёнисталиги учун Робия айбдор! Ўғли билан келинига ёмон кўриниб, емай-ичмай, бир тийинлаб йиғса-ю, ўлиб йиққанини бир ишёқмас билан пиёнистага бериб, “Менинг ҳажим шу” деб ўтираверса. Аллоҳ ҳам сўрар, кимга бердинг, нимага бердинг, деб? Вой, энам тушмагур-ей, менинг ҳам боласи эканлигим ёдидан чиқиб кетган, шекилли!”

Кечга яқин онасининг қишлоғида яшайдиган синглиси келди. У ҳам аллақачон янгиликдан хабар топган эди. Робия хола бунисининг ҳам бир нарса деб дакки беришидан кўриб, индамай турган эди, сингил опасини бағрига босиб, қутлай кетди:

– Илоё, ниятларингизга етинг, опажон. Шунча йил тупроқ кечиб, кесакка суришиб, офтобда жиззиқдай куйиб, шу бола-чақа деб бир кун ором нималигини билмадингиз. Энди ўзингизни ҳам, охиратни ҳам ўйлайдиган вақт келди. Гўр, гўр, танҳо гўр, ишонмасанг, бориб кўр, дейишган. Бир кун ўлар бўлсангиз, ҳеч ким сизга қўшилиб гўрингизга кирмайди, Мункар-Накирнинг гурзисига бошини тутиб бермайди. Шундай экан, ният қилдингизми, пулини топдингизми, ҳалолингиз бўлсин: боринг, кўринг, фарзингизни адо этиб келинг.

Робия холанинг кўнгли бўшашиб кетди. Кутилмаганда қўшилишиб қувонадиган бир меҳрибон топгандан ҳамма хўрликлари ёдига тушиб, кўзлари намланди, бақириб йиғлаб юборгиси келди:

– Билмасам, бири у дейди, бири бу дейди. Бу ёқда онам, у ёқда акам...

– Э-э, опажоним, ҳеч ким билан ишингиз бўлмасин. Бировидан бир сўм сўраётганингиз йўқми? Бўлди-да. Кеча янгам билан гаплашган эдим. Икки йилда икки тўй қилиш осон эмас, биламан. Аммо бола ўстираётган она томоғидан, кийим-бошидан қийиб, бир сўм, икки сўм йиғиб юриши керакмиди? Чўнтагида бир сўм пули йўқ, бир бойнинг қизига совчи қўйди. Улар рози бўлишгач, шошиб қолишди. Тўй тўлиқ қарз-қавола билан ўтди. Тўйни ҳам бой кудага кулги бўлмаслик учун жуда катта қилиб юборди. Уям майли, лекин қарзлардан кутилмасдан қизга нон ушатишнинг нима кераги бор эди? “Яхши жойдан чиқди” эмиш. Ҳозир ўғил уйлантиришдан қиз чиқариш қийин бўлиб кетган.

Қудалар “Мебелни тузук қилсин, бир умрлик буюм” дейишибди. “Фалон дўконда бир яхши мебел кўрдик, ўшани бориб бир кўришсин” дебди. Энди қандай қилиб бўлса ҳам ўша мебелни олиш керак. Буларнинг эса бир тийини йўқ. Янгам “Робия ҳажга бориб юргунча, жиянининг мебелини кўтарсин. Ана ҳаж! Дуо қиламиз. Савоб бўлади” деди. “Янгажон, мебелни қиз туққан бойбичча қилади. Шу ёшингизда ўн саккиз ёшли қиздай бўлиб ялтир-юлтир кийиниб юргунча, аввал бошдан ғамлаб қўйинг эди”, дейин дедим-у, акамдан балога қоламан, деб индамадим.

Робия хола хўрланган боладек ерга қаради, негадир ўзини жуда беҳол ҳис қилди. Ўпкаси тўлди, синглиси яна бир оғиз гапирса, йиғлаб юборарди:

– Ў, тавба! Бой топса, куллуқ бўлсин, камбағал топса, қаердан олдинг, деганлари шуда? Мен шўрлик ўз пулимга ҳажга бормоқчи бўлдим-у, балога қолдим. Бири у дейди, бири бу!..

Сингил юпатди, далда берди:

– Ҳеч кимга қараманг, ҳеч кимнинг гапига кулоқ солманг. Пул сизники, уни истаган жойингизга ишлатасиз.

– Э-э!.. – энди у ҳажга бораётганилиги учун қувониш ўрнига хижолат торта бошлаган эди.

Кечга яқин Оллоқул ака кўчадан тажанг ҳолда келиб, айвонга кириб кетди. Телефон турадиган тоқчанинг олдида бироз ғимирсиб турди-да, сўнг ҳовлига чиқиб, Сардор билан келинга бақирди:

– Қайси биринг телефоннинг симини узиб қўяверасан, мен улаб сарсонман, бир пас ўтиб қарасам, яна узилиб турган бўлади.

Тахта супага жой ташлаётган Нозиманинг қовоғи уюлди:

– Кимдир ўйнатаверди, улашиб турса, фақат телефонга чопиб юриш керак.

Бу гапни эшитиб, ўғли билан ўйнаб ўтирган Сардор сергак тортди:

– Ким, қачон ўйнатади? Оприделител-ку, номерини бермайсан-ми, ўйнатмасдай қилиб қўймайманми? Нозима индамади.

Оллоқул ака супага ташланган кўрпачага бориб, ўтирди.

– Кампир, ками кўстингни айт, эрта саҳар бир бозорлик қилиб келай. Тошкентдан меҳмон келади.

Ҳамма ялт этиб, хабарчининг оғзига қаради. Бу хабар ҳеч кимга ёқмаган эди. Бу хонадон эскидан карвонсарой эди, биров кетса, икков келиб ётарди. Робия хола ишда бўлса, кўзи ожиз қайнона билан болаларнинг ўзи кутиб, ўзлари кузатиб ўтиришаверарди. Энди Робия холанинг белидан мадор кетиб, супир-сидир, пишир-куйдирдан чиқиб қолгандан буён одатдаги беташвиш кунларда ҳам тумтайиб юрадиган келиннинг кўзларига қарайдиган бўлиб қолган. Келинга эса одам ёқмайди. Буни нафақат қайнона, қайнота ҳам, эр ҳам, ҳатто қўшнилари ҳам билади.

– Ким келар экан, – ҳамманинг номидан Робия хола сўради.

– Жуманазар аканинг яқин одами экан. Асли тожикистонлик, лекин кўп йиллардан буён Тошкентда ишлар экан. Ўша одамнинг амакилари Термизда қамоққа тушиб қолибди. Шулардан хабар олиб туриш учун суд ўтиб бўлгунча сизларникида туриб турсин, деди. Неча кундан бери телефон қиламан, ҳеч туша олмайман,

дейди. Охири Эшқувватга кўнғироқ қилиб, шу Оллоқул бор бўлса, менга бир телефон қилсин, дебди, – Оллоқул ака анқайиб туриб қолган келинига қаради. – Иккинчи телефонни узиб қўйувчи бўлмаганлар.

Келин одатдагидай на “ҳа” деди, на “йўқ”, индамай нари кетди. Робия хола оғир бир сўлиш олди. “Суди ўтгунча! Ўҳ-ху, у суд қанча вақтда ўтади! Бир неча ойлаб кўриладиган ишлар бўлади. Шунча вақт бегона бировни уйда сақлаш... Бу уйда ўзим ошиқчага ўхшайман баъзан. Энди бу келин ўзини осиб қўйса кераг-ов...” Аммо эрига сир бой бермади:

– Биноийи, дадаси. Меҳмон келар эшиқдан, ризқи келар тешиқдан. Одам бор жойга одам келади-да. Жуманазар аканинг бизга қанча яхшиликлари ўтган, шу одамнинг орқасидан болаларимиз олий маълумотли бўлди, – у бу гапларни Жуманазар акадан жуда миннатдор бўлгани учун эмас, келинининг қовоқ-тумшугини бироз очиш учун айтаётган эди, аммо келин уни эшитмади ҳам, зипиллаб ичкарига кириб кетди.

– Кампир, Қаландар деган адвокатни танийсанми?

– Танийман, энамларнинг маҳалласида яшайди. Илгари милисада ишлар эди, милисадан урилгандан сўнг адвокат бўлиб кетди. Уни нимага суриштираяпсиз?

– Жуманазар ака, ўша одам билан гаплашиб беринглар, деяпти. Судланаётган одамнинг адвокати экан ўша Қаландарбой деганлари.

– Дадаси, ўзи нимага қамалган экан, – холанинг кўнглига хавотир тушди. Бу тожикистонликлар ҳеч тек юришмайди. Бир ёмон ишга аралашиб қолмайлик яна...

– Билмасам, телефонда бижиллатиб ўтирмайсанку. Тўхмат, деди, эгаси келсин-чи, суриштирамиз-да. Ваҳима қилаверма.

– Қизиқсиз, дадаси. Билишимиз керак-да уйимиздан кимга жой бераётганимизни. Бошқа давлатнинг одами экан, давлатга қарши бирон иш қилганми? Қора дори билан қўлга тушганми? Ишқилиб бу афғон билан тожик ҳам бошга битган бало бўлди.

Хотинининг тергайвериши Оллоқул акага ёқмади, ҳали ўзи бир тайинли гап билмайдиган одамлар ҳақида нима ҳам дея олади:

– Кампир, ўзингни бос. Ким бўлса ҳам, ҳар ким ўз иши учун ўзи жавоб беради. Оқ қўйни ҳам, қора қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар.

– Ҳа, шундай бўлсин-да. Ишқилиб, одамгарчилигимиз қимматга тушмаса бўлди. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнишини ҳам унутманг. Ким билан гаплашган, ким билан юрган, кимнинг уйдан бошпана топган, деган гаплар ҳам бўлади.

– Уф-ф! Қонимга ташна қилма, кампир. Нима қилай? Жуманазар акага нима дейин? Болаларинг ўқишга келганда мен керак эдим, энди керак бўлмай қолдимми, деса, неча пуллик одам бўласан?

– Э-э, қўйинг, эски яраларимни тирнаманг. Менинг болаларим ўқишга ўз билими билан кирди. У кишим ўртада туриб, пул ишлаб олди, холос.

– Нима бўлганда ҳам ўша пулни ялиниб-ёлвориб, ўзинг олиб бориб бергансан. У сенинг олдинга келиб, “Шу пулни берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам, берасан”, деб туриб олгани йўқ!

Шу билан мунозарага нуқта қўйилди. Ҳолбуки уни истаганча чўзиш мумкин эди. Аммо қанча чўзилмасин,

Робия холанинг алами босилмасди: “Эсиз, ўли-иб топган шунча пулим! Ол, инсоф билан ол! Йўқ, бу кишим алифни калтак дегувчилардан ҳам, менинг болаларимдан ҳам бир хил олади. Эси бўлса, аралашганим йўқдир. Бор-йўқ қилган иши биздан пул шилиш бўлган!..”

У бу гапларни минг марта, бақириб-бақириб айтган, аммо фойдаси нима? Ўзи қўш қўллаб олиб бориб берган пулларни биров қайтариб берармиди? Энди араз-дуразларни бир четга қўйиб, у кишимнинг меҳмонини кутиб олиш керак. Неваралар ҳам ҳали замон ўқишга бориши керак, балки энди ёрдами тегиб қолар. Бу тожикистонликлар нима каромат кўрсатишган экан? Ишқилиб, худо беобрў қилмасин.

Жуманазар аканинг одами қирқ йиллик қирғиндан қолгандек озғин, ранги заҳил, катта-катта кўзлари ич-ичига кириб кетган, сочлари қаншаригача тўкилиб кетганидан юзининг ярми пешонадан иборатдек кўринадиган ўрта ёшдаги киши эди. Келган вақти айна пешин эди, изн сўраб намозни ўқиб олди. Бошидаги дўпписига, йўл халтасидан чиқарган ихчамгина жойнамозига қараб, Робия холанинг кўнгли бироз таскин топди: “Мўмингина одамга ўхшайди”. Яна кўрқиб кетди: “Ваҳобийлардан бўлмасин яна!”.

...Ошдан сўнг дастурхонга иссиққина чой билан қанд-курс, икки-уч хил мураббо қўйилди. Робия хола эрига, “Овқатдан кейин қариндошлари қандай айблов билан қамалганини сўранг”, деб тайинлаган эди. Меҳмон ошни тузук емади. Оллоқулбой хотини тайинлаган гап бутунлай ёдидан чиқиб кетгандай, меҳмонга чой қўйиб, бамайлихотир ўзи ҳам ҳўриллатиб чой ҳўплаб ўтирарди, охири Робия хола дастурхонни тартибга келтириш баҳонасида эри томонга ўтиб, эрининг биқинига яхшилаб бир туртди. Оллоқулбой кутилмаган зарбадан чўчиб, хотинига қаради: “Ҳа?”. Хотин унга жавобан қовоғини уйди. Оллоқулбой шундан сўнг топшириқ ёдига тушдими, гап бошлашга мажбур бўлдими, меҳмонга юзланди:

– Қани, меҳмон, яқиндан танишайлик. Кимсиз, нима ташвишлар билан юрибсиз? Бизлардан қандай ёрдам керак?

Чойнакнинг қопқоғига боғланган ола ипни гоҳ эшиб, гоҳ бўшатиб ўтирган Робия холанинг бутун вужуди қулоққа айланиб, меҳмонга қаради. Меҳмон нимагадир бироз иккиланди, чойдан бўшаган пиёласига тикилиб, анча вақт жим қолди. Узоқ давом этган ёқимсиз сукунатдан сўнг, чуқур хўрсинди:

– Шу-у... ака, йўқ жойдан оғир савдоларга қолиб кетдик. Тоғамнинг уч ўғли бирикиб, бир “Камаз” олиб эди, шу мошин билан Россия, Қозоғистон томонларга юк ташиб, рўзғор қилишар эди. Охири марта “Лимон бор” деб, буюртма беришибди. Юк ортилиб бўлгач, мижозлар “Қутиларнинг тагида анавиндан бор. Эсон-омон олиб борсанг, бир умр еб ўтишинга етадиган ҳақ оласан. Биров яримга сотадиган бўлсанг, бола-чақанг билан қириб юборамиз”, дейишибди. Жон ширин, ортида ҳаёти гаров бўлиб, бола-чақа қолаяпти, мажбур бўлиб йўлга чиқибди. Сурхондарёда қўлга тушишибди. Саккиз юз етмиш килограмм героин экан...

Меҳмон ерга қараб гапира-гапира, гапи тугагунча ерга сингиб кетгандай бўлди. Мезбонларнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди.

– Саккиз юз етмиш килограмм, дейсизми? – анчадан сўнг кўркув ва ҳайратга тўла кўзлари катта-катта бўлиб кетган Оллоқулбой меҳмондан қайта сўради.

– Ҳа.

– Ахир бу салкам бир тонна, дегани-ку! Бунча заҳар билан бутун бошли мамлакатни гиёҳванд қилиб ташлаш мумкин-ку.

– Шундай.

– Сиз ўзингиз ўша тоғаваччаларингизнинг “мажбур бўлишгани”га ишонасизми? Балки улар ҳамтовоқлардир, – ич-ичини ёндириб бораётган аланга бўғзига тикилди, бутун дунёси ёниб кетгандай бўлди. “Бу хотиннинг кўнглига солган экан-да, кечадан бери жовиллайди-я”. – Энди, меҳмон, ҳеч ким шунча пуллик “мол”ини биринчи учраган ҳайдовчига, бунинг устига “олмайман”, деб турган бегона бир одамга мажбурлаб топширмайди. Бу бир “Камаз” пулни дарёга оқишиш билан баравар-ку, ахир.

Меҳмон худди ўзи айбдордай бошини янада куйроқ эгди:

– Мен у болаларни яхши биламан, ака. Бирга ўсганмиз, бирга ҳаж қилиб келганмиз. Улар ҳожи одамлар. Мажбур қилишмаса, бу ишни бўйинларига олишмас эди.

Бу баҳона ҳеч кимга маъқул тушмади: “Ҳожи одамлар” эмиш, Робия холанинг-ку, тамом мазаси қочди. Меҳмон эса ерга қараганча, гапида давом этди: “Келишга келди. Энди муддаосини айтмаса, бўлмайди!”

– Энди, биродарлар, худо йўлига бир кўмак сўраб келдим. Йигитлар ҳали ёш, ҳали оналарининг кўзлари тирик, бу ёғи бола-чақа, дегандай. Бир тухматнинг қурбони бўлиб кетмасин, дейман-да. Бу шаҳар кичкинагина шаҳар, бу ерда ҳамма бир-бирини танийди, бир-бирининг сўзини ерга ташламайди. Қариндошлар “Чиқмаган жондан умид. Бир боргин”, дейишди. Адвокати ҳам қариндошларинг бир келиб менга учрашсин, дебди.

“Оббо, Қаландар меш-эй! Бекорга одамлар унга “меш” деб от қўйишмаган экан-а. Шунча заҳри қотилни яшириб кетаётган одамларни муқаррар ўлим кутаётганини қонундан умуман беҳабар киши ҳам яхши биларди. Бу бўлса, умидвор қилиб, “қариндошларинг учрашсин”, дебди. Нафсинг курсин. Булар кўрқмайди ҳам, ҳазар ҳам қилмайди. Индамасанг, ўликнинг кафанлигини ҳам ечиб олишади”, Робия хола эрига қаради: “Кўраверасиз энди”.

Оллоқулбой ерга қаради. Иложи борича меҳмоннинг кўнглини оғритмасликка уринди:

– Тўғри, меҳмон, Термиз кичкина шаҳар. Адвокатингиз янгангизнинг онаси билан бир маҳаллада туради. Учраштирамиз, хафа бўлманг-у, аммо бу вазиятда Худодан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди, деб ўйлаяпман. Салкам бир тонна наркотик! Мен ҳали бунча наркотик олиб йўлга чиққан одамларни эшитмаганман. Уларга энг оғир жазо – ўлим жазоси беришлари аниқ.

Меҳмон кескин бир шахд билан бошини кўтариб, мезбоннинг кўзларига норози тикилди:

– Ака! Ўлим Худонинг иши. Бандаси бандасининг жонини олишга ҳаққи йўқ.

Оллоқулбой ноўрин гап айтиб, меҳмоннинг кўнглига тегиб қўйганидан хижолат тортди. Робия холанинг аччиғи келди, аммо меҳмоннинг иззатини қилиб,

кўнглидагиларни ичига ютди: “Миллионлаб кишини оғулаб, заҳарлаш, йўлдан уришга бандасининг ҳаққи борми? Бу оғу қандай балои офат эканлигини Термизда яшаганинг-да, билар эдинг! Афғондан ўтгани ҳам, Тожикистондан ўтаётгани ҳам шу ерда бир тўхтаб, бир қисм заҳарини пуллаб кетади. Ўзи ҳам у бир умр далада юрган аёл, аммо шу болаларини ўйлаб бир умр юрак ҳовучлаб яшади. Бир кунда йигирма марта уйига кўнғироқ қилар эди: “Мансур мактабдан келдими?”, “Маҳмуд нима қилаяпти?”, “Сардор репититордан келдими? Телефонга чақиринг, бир гаплашай”. Кечқурун уйга қайтгач, ухлаб ётган болаларини бир-бир ҳидлаб чиқар эди, худди қорадорининг ҳидини биладигандай. Уларнинг хоналарини, ғаладон, сумкаларини, чўнтақларини титкилашдан сира эринмас эди. Қўшнисининг халқаро танловларга қатнашиб юрган ўғли гиёҳванд бўлиб қолганини эшитиб, баттар юраги ёрилди. Ҳеч кимга гап бермайдиган Улдона чеварнинг ўғли ҳам гиёҳванд бўлиб қолибди. Қайнонасининг айтишига қараганда, Маҳмуддан уч-тўрт марта пул олган экан. Маҳмуд қарзини қистаса, шу арзимаган пул учун мунча тирғалдинг, юр, шу пулингнинг ҳаққига бир мазза қилдириб келаман, деб фоҳишахонага олиб бормоқчи бўлибди. Ўшанда Маҳмуд энди тўққизинчи синфда ўқир эди. Бу гапни эшитиб, Робия ақлдан озай, деди. Нима қилишини билмас эди. Бориб, Улдона билан гаплашай, деса, ўғли қасдлашиб болаларимни гиёҳванд қилиб қўйса-чи, деб кўрқди. Бир чора қўлламаса, чеварнинг бекорчи ўғли эртадан кечгача дарвозаларининг олдида қўйилган ёғоч ўриндикдан тушмайди, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, ҳаммани гапга тутиб ўтираверади. Шу кўчадан кўчиб кетмаса, бу фалокатдан қутилишнинг иложи йўқ эди. Шаҳардаги шароитлардан баҳраманд бўлайлик деб, қишлоқнинг шаҳарга туташ худудидан ер олиб, кенжасига атаб уй кўтарган эди. Энди минг пушаймон еяпти, ўша адир устидаги пастақкина келинлик уйи минг марта афзал эди.

Учинчи ўғли ҳар эрта стадионда югураман деб уйдан чиқиб кетадиган одат чиқарди. Табиатан танбалроқ бўлган боланинг ярим кечасигача телевизор кўриб, яна соат бешда туриб, стадионга кетиши унда шубҳа уйғотди. Бир кун эрталаб туриб, ўғлининг изидан стадионга борди. Ҳамма жойини янтоқ босиб ётган стадионда ҳеч ким йўқ эди. Тирамоҳнинг муздек шабадаси юзларига урилди, у бор будидан айрилган нотавон кимсадек ҳайрон туриб қолди, кўзларига ишонмай яна аланг-жалаг атрофга қаради. Йўқ, ҳеч ким йўқ эди. Бу стадионда яқин орада бирон одам шуғулланмаган. Унда унинг боласи қани, қаерда? Ҳар тонг у қаерга бориб юрибди? Ҳар кун уни уйқудан воз кечишга нима мажбур қилаяпти? “Наркотик!” Хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам кўрқиб кетди. “Ҳа, наркотик, фақат шу нарса одамни шу даражада девона қилиши мумкин. Уни кимдир йўлдан урган. Туни билан хумор қилиб чиқади-да, тонг отиши билан ўша наркотик сотувчининг олдида югуради. Оҳ, шўрим қуриб қолди-я менинг. Аҳмоқ бўлмасам, тўрт ўғилнинг тақдирини бир кўр кампирга ишониб, ўзим эртадан кечгача далада юраманми? Энди нима қиламан? Қаердан ахтараман бу шўрпешона, шумтақдир болани?”

Стадиондан уйига етиб келгунга нақ бир йил вақт ўтиб кетгандай бўлди. Ўзича оёқлари юраётгандай

эди, аммо ҳеч йўли унмас, уйларига етиб бора олмас эди. Бир амаллаб етиб келганида томоқлари қақраб, ранглари оқариб кетган эди. Унинг аҳволини кўриб эри хайрон бўлди:

- Сенга нима бўлди? Қаердан келаяпсан?
- Собир... Собиримиз йўқ.
- У югуришга кетган, нимага бунча ҳовлиқасан?
- Стадионга бориб келдим. Ўғлингиз у жойга ҳеч қачон бормаган.
- Қаерга боради бўлмаса?
- Билмадим, дадаси...

Шу пайт темир эшик “ғийқ” этиб очилиб, Собир кириб келмаганда бу аёлнинг ҳоли нима кечиши биргина Худога аён эди. Бироз ҳорғин ҳолатда гуноҳкорона илжайиб кириб келган ўсмир саволларнинг тагида қолиб кетди.

– Сенинг бирон гапингга ишонмайман. Сен наркоманларга қўшилгансанми, бир балонг бор, – тинмай жавраётган она охириги гапини айтди. – Бўлинг, дадаси, буни наркодиспансерга олиб борамиз. Ўша ерда ҳақиқатни аниқлаймиз.

– Майли, боравераман, лекин мен ҳақиқатан ҳам стадионда югуриб юрган эдим. Фақат бу стадионда эмас, 9-мактабнинг стадионида югураман.

- Нега?
- Чунки... У ерда шароит жуда яхши.
- Йўқ, мени алдаяпсан.

Ўғил ҳар қанча тавалло қилса ҳам ишонмади. Шу куни тонгги йиғилишга ҳам бормай, шаҳарнинг нариги бошидаги наркология диспансерига боришди.

Диспансернинг бир қарашда ниҳоятда саранжом-сарийшта ҳовлиси ранг-баранг гулларга тўла, дарахтларга шакл берилган, бирон жойда кўндаланг ётган бирон чўп кўринмайди, лекин дарахтлар орасидан кўришиб турган осмон бу жойнинг гардишли қопқоғидек, ҳовли ниҳоятда дим, бошдан оёқ қандайдир қўланса ҳид анқиб ётарди. Айниқса қаршингиздан чиқаверадиган кўзлари маъносиз ола кийимли беморлар одамнинг юрагини сиқиб юборарди. Ҳали иш куни ҳам бошланмаган экан. Бош шифокорни пича кутишга тўғри келди. Бу одамнинг уларга озроқ қариндошлик жойи бор эди.

Оллоқулбой билан Робия хола шундай жойда бола эргаштириб юрганидан хижолат бўлди, аммо бош врач заррача ҳам хайратга тушмади. Худди уларни анчадан бери кутиб юргандек ёки ҳар кун кутиб-кузатадиган беморини қарши олаётгандек бамайлихотир хайрихоҳлик билан қарши олди. Улар анча вақт гапни нимадан бошлашни билмай, у ён-бу ён қараб туришди. Эридан бирон садо чиқавермагач, ичи сиқилиб кетган Робия холанинг ўзи гап бошлади:

– Дўхтир бова, минг бор узр, фақат айбга буюрманг. Бизга ёрдам беринг-у, лекин бизнинг бу ерга келганимизни зинҳор биров-яримга айта кўрманг. Шу ўғлимизнинг юришлари бизга ҳеч ёқмаётир, бир текширтирайлик, деб келдик.

– Бемалол, опа, доим хизматингизга тайёرمىз, – бош врач кўнғироғини босган эди, қабулхонада ўтирган қиз кирди. – Норимхол, бу йигитни Анна Сергеевнага олиб бор, текшириб кўрсин, – сўнг яна меҳмонларига юзланди. У мижозларининг сафи шундай доврўкли одамлар ҳисобига кенгайганидан хурсандга ўхшаб кўринди. – Сиз, опа, сира ғам еманг. Бу ерга қандай одамлар келмайди. Тагида “Мерседес”, юрганда

ер титрайди, минбарга бир мушт урганда, минг кишилик аудитория қалқиб кетади, лекин ёлғизгина ўғил гиёҳванд. Бечора қон йиғлаб келади: “Ёрдам беринг, жон ука!” Албатта ёрдам қиламиз. Бу бизнинг вазифамиз, аммо Фалончиевнинг ўғли ундай, Фалончиевнинг ўғли мундай, деган гапни ҳеч қачон айтмаймиз.

Эшик очилиб, эни-бўйи баравар семиз рус аёл кирди, унинг ортида нимагадир ранги ўчиб кетган Со бир илжайиб турарди. Ҳамма аёлнинг оғзига тикилди.

– Эргаш Аҳмедович, всё чистий.

Эргаш Аҳмедович негадир ишонқирамади:

– Да? Хорошо проверяли?

– Да.

Сўнг бош врач “гап тамом” дегандай ноилож ўридан туриб, қўлларини икки томонга ёзди:

– Ҳеч гап йўқ экан-у, ваҳима қилиб юрибсизлар.

Аммо ҳали суюнишга вақт эрта, ўғлингиз эндигина ўн бешга кирибди. Олдинда бутун бошли умр бор. Қирқ беш ёшгача одам гиёҳванд бўлиб кетиши мумкин. Доим хушёр бўлинг.

Робия хола кўчага чиқишгач, эрига қаради:

– Ҳай, менга қаранг, бу қариндошингиз ўғлимиз гиёҳванд чиқмаганига хафа бўлиб қолганга ўхшади-я? Оллоқулбой елка қисди:

– Қўй-е!

Собир кулди:

– Битта ёғли мижозга эга бўлдим, деб суюниб ўтирган эди-да. Эссиз...

– Ҳе, юзинг курсин сенинг, – Робия хола ўғлининг елкасига бир муштлади. – Одамнинг юрагини ёрдинг. Ўзинг югурадиган стадионга олиб борасан бизни.

– Э-эй, эна, кўясизми, йўқми? У ерда бир қиз бор. Биз... дўстмиз. Стадиондан дарвозасининг олди кўришиб туради. Ҳар кун мен югургани бораман, у кўчасига сув сепиб, супургани чиқади. Бор гап шу.

Оллоқулбой кулиб юборди.

– Ҳе-е, ота ўғил, шундай сарсон бўлиб юргунча, айтмайсанми, белгисини қили-иб кўярдик. Гаплашиб юраверардинг, вақти келганда тўйни қилиб, олиб келиб бераардик.

– Сизга гап бўлса! – онаси бунга ҳам рози бўлмади. – Ҳар қандай гапни гапираверманг. Олдин билайлик, у қандай қиз, кимнинг қизи?

Ва эртаси куниёқ ўғлининг танловини бекор қилди: “Қўй, болам. Улар бизга тўғри келмайди. Ота-онаси маъқул одамлар эканку-я, аммо акаси гиёҳванд бўлиб қолган экан. Бошқа гаплашма, кўнглига умид солма. Ўзинг ҳам хаёлингни ҳар нарсага чалғитмай, ўқи, болам. Шу ёшингда ўқишни ташлаб, қизга эргашиб юрсанг, уят бўлади, майлими, ўғлим?”

Собир ноилож бош ирғади: “Хўп”.

Аммо ўша данақдай қиздан воз кечиши қийин бўлди. Буни она юрак-юраги билан ҳис қилди ва шукр қилди: на биладиган, на белидан бир ушламаган қизга шунча ўрганиб қолган экан, агар дори-порига ўрганиб қолганда, нима қилар эдим?

Шунинг учун ҳам дорифурушларни жуда ёмон кўради. У отасини ўлдирган одамни, ҳатто онасини ўлдирган одамни ҳам кечириши мумкин. Одамзод жаҳл устида не бир жинойтларга қўл уриши, хатоларга йўл қўйиши мумкин, деб ҳисоблайди. Лекин оғуфурушларни сира кечири олмайди. Уларни кечиришнинг ўзи жинойт деб ҳисоблайди.

Бир тонна оғуни ортиб кетаётган одамларни ҳимоя қилиш учун юрт ошиб келган кишига аёл боши билан бу нарсаларни тушунтириб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Тўғри, ўғилларини бир амаллаб катта қилиб олишди, аммо неваралар бўй чўзиб бораяпти, ҳар ўғилда икки-учтадан ўғил бор. Илгари эскилар қиз ўстириш қийин, дейишар эди. Ҳозир ўғил ўстириш қийин бўлиб бораяпти. “Ҳизбут таҳрир” деган балои офат чиққан. Уям кўпроқ йигитларни йўлдан урармиш. Хуллас, сал фаромуш қолсанг, не бир умид билан ўстирган болангни илиб кетувчилар кўп.

Жой-ку, беришади. Одамгарчилик. Ўзи бир чимхўр мардумга ўхшайди, еганда от-у туяни ермиди? Аммо оти ёмон. Бир тонна наркотик билан қўлга тушганларнинг қариндошлари шуларнинг уйида ётди, деган гап ёмон. Одамлар дарров тўқиб-бичишади: “Бир гапи бўлса керак-да!”

Эртаси куни Робия хола ўглининг машинасида меҳмонни адвокатурага олиб бориб, Қаландар мешга учраштириб қўйди. Меш гап нимадалигини эшитгач, узоқ ҳайрон бўлди, бир ҳамшаҳарларига, бир меҳмонга қаради. Охири сўради:

– Кечирасиз-у, Оллоқул ака, бу кишиларнинг сизга қандай танишлиги бор? Булар тожикистонлик бўлса...

– Бу киши Тошкентдан, институтда домулла. Бир домулла хешимиз билан бирга ишлашар экан. Шу одам орқали бизни излаб топибди. Бегона шаҳарда бир бошпана, дегандай...

– Ҳа, яхши, яхши! – сўнг меҳмонга синовчан тикилди. – Сиз институтда ишлайсизми?

Робия хола уларнинг ёнида ортиқ туришни истамай, ошиғич хўшлашиб қўя қолди:

– Биз жуда шошиб турган эдик, сизлар бафуржа гаплашиб, ишларингизни бажараверинглар, сўнг меҳмонга юзланди. – Ишингиз тугагач, уйга ўтаверинг. Уйда одам бўлади.

Кечки овқат маҳали меҳмоннинг олдига ҳам кирмади. Дастурхонларни Сардордан киргизиб юборди, кўргиси келмади ўша домуллани, ҳовлида шиқирлатиб офтоба кўтариб юриши ҳам ғашини келтирди. Телевизор қараб ухлаб қолган экан, эри бир маҳал ёнига келди:

– Ҳай, ухлаб қолдингми?

– Ҳа, нима қилай бўлмаса? Меҳмонингизга ҳам алла айтиб, ухлатиб қайтдингизми?

– Гўрда ухлайди. Жойини солиб, қайтдим, у намозга тутинди.

– Уф-ф!.. Худонинг ўзи кечирсин, лекин шу одамнинг намози менга малол келяпти.

– Э-э, шошма, гапнинг буёғини эшит, – Оллоқулбой хотинининг ёнига ўтириб олиб, шивирлаб гапира кетди. – Меш ундан минг доллар пора сўрабди. Илтимос, шу пулни сиз олиб бориб берсангиз, дейди.

– Ўҳ, жонинг курсин-ей! – Робия хола ҳам ўрнидан туриб кетди. – Нима бўлса, сиз бўлинг. Героин ташувчиларни қутқариш учун чет эл валютасида пора таклиф қилган, деб қамалиб кетинг. Лекин у кишим “Ўлим Худонинг иши” деб ҳаммадан норози бўлиб, намозини ўқиб ўтираверсин. Вой, писмиғ-ей, унинг олдида нима гуноҳингиз бор эди-ку, ўзига аталган қопқонга сизни итаради.

– Қопқонми, йўқлигини ҳеч ким билмайди ҳали.

– Лекин қопқон бўлиши мумкин деб ўйлаяпти.

Ўзини асраб, сизни рўбарў қилаяпти. Бир тақводор, хожи одам учун бу иш гуноҳ эмасми? Ифлос! Ўзининг ахлатига ўзи ботиб ўлсин. Ҳали сиз болаларингизга кераксиз, энди отаси қамалган, деган номга тенг бўламизми? Меҳмонингиз ўтирса, тинчгина ўтирсин. Ковушини тўғирлаб қўймайин яна!

– Бу мешниям қара-да, кампир! Буларнинг отилишини билиб туриб, шунча пул сўрабди, ўликдан кафан тилагандай... Қойил-ей, юз ҳам эшакнинг терисидан қалин бўлса керак. Қандай сўрайди, қандай олади, сўнг қандай хазм қилади?

Эрининг ёш боладек ҳайратланавериши ҳам ғашини келтирди:

– Вой-войлайверманг, оладиям, қиладиям. Чироқни ўчириб, тезроқ ётинг.

Орадан икки кун ўтиб, эрталаб чиқиб кетган меҳмон бир аёл билан уч болани етаклаб келди:

– Опа, минг бор узр, булар шошилиш Тожикистонга ўтадиган бўлиб қолишибди. Бир кўриб ўтайлик деб Термизда тўхташибди. Жуманазар ака ҳам бораверинглар деб манзилни берган экан, бошлаб келавердим.

Робия хола ҳеч қачон бунчалар худбин, безбет одамни учратмаган эди. Ҳафталаб тўй бериб, уй-ҳовли тўлдириб ўрин солиб ҳам шу қадар меҳмондан безор бўлмаган эди. Аммо бу одам!..

Унинг ичи ёниб кетди, аммо сир бой бермади:

– Бемалол, меҳмон келса, бош устига, – бориб аёлга кучоқ очди. – Келаверинг, синглим. Чарчамадингизми? Қани, ичкарига.

Ҳожи хушнуд жилмайди.

– Қани, болаларим, момога салом беринглар-чи?

Ҳожининг аёли очиққина экан. Кечки овқатдан сўнг эркакларнинг олдида ўтиришга иймандими, Робия холанинг ёнига чиқди. Ичи ҳасратга тўлиб кетган экан:

– Қайси бир нокаслар учун бекорга сарсон бўлиб юрибди. Бу кишим жуда қийналиб ўсган, отаси ўлиб, қайнонам бошқа эр қилиб кетган, булар тўрт бола бир кекса кампирнинг қўлида қолган. Институтда ўқиб юрганамизда бир сафар курсдошлар билан уйларига бордик. Олди айвон икки хоналигина чўпқори йи ва худди эртақлардагидек қариб кетган қоқсуяк кампир. Уй қаттиқроқ шамол эсса ҳам ғичир-ғичир чайқалаверар экан. Ўша оқшом кўнглини очди: шу қоқсуяк кампир билан чўпқори уйдан бўлак ҳеч нарсам йўқ, менга тегаганми, деди. У курсимиздаги энг ақлли, энг тарбияли йигит эди, уни ҳамма қизлар яхши кўрарди. Мен унга турмушга чиқдим. Биз жуда бахтли эдик, лекин ҳаётдаги энг арзимас эҳтиёжларга ҳам жуда қийналиб етишдик. Бизни қўллаб қувватловчи, ёрдам берувчи ҳеч ким йўқ эди. Илм қилиб, уйлар олиб, обрў-эътибор топгач, бир кун онаси пайдо бўлди. Тоғалар келиб кетадиган бўлди. Бизларни ҳам қўярда-қўймай уйларига олиб кетишди. Итининг ялоғи ҳам тилло эди, дессам, ишонаверинг. Аммо у тиллолар биз учун худди беҳиштнинг ошидек, кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ. Бу кишим уларни тўхмат билан ётибди. Ўша наркотикларни мажбур бўлгани учун машинасига юклаган, дейишганига ишониб юрибди. Мен сираям ишонмайман. Уч ака-ука бир “Камаз”ни такси қилиб, бунчалар бойиб кетиши сираям мумкин эмас. Бу йигитлар бир умр шу иш билан шуғулланиб келган. Хотинларини кўрсангиз, ўзлари бир пуллик аёллар, “болаларни инглиз тили бўйича репититорга берган маъқулми, английский бўйича бор-



гани маъқулми”, деб ўтирадиган, ўқимаган, оми аёллар, аммо димоғидан қурт ёғилиб туради. Болаларини Тошкентга прописка қилдириш учун бизни излаган экан. Бўлмаса, бу тоғаларни бир умр танитай, билмай ўтиб кетган бўлармидик.

– Танитай ўтсанглар, бирон нарса йўқотармидинглар?

– Аксинча, шуларни таниганимиз учун тинчлигимизни йўқотдик. Онамнинг тоби йўқ экан, болалар ҳам таътилга чиқшган, бир бориб келай, дегандим. Икки кўзим орқамда денг, қанд касаллари бор, борган жойимизга ёқмасам ҳам бир кўриб ўтмасам бўлмайди, деб келавердим.

– Йўғ-е, келаверинг. Бир кеча бошпана бериб, кўнглингизни топа олган бўлсак, бўлди. Бизнинг уйга кимлар келиб кетмаган, лекин сизга очигини айтсам, эрингизнинг ўша тоғаваччаларини ҳимоя қилиб юриши менга аввал бошдан ёқмаган.

Аёлгина эрта тонгда узр сўрай-сўрай, йўлга тушди. Робия хола ғалати бўлиб қолди.

Суд яна бир ҳафта чўзилди. Ҳукм ўқилишига икки кун қолганда икки юз минг доллар сўрабди. Ҳожи ўша куни уйга келмади.

– Қишлоғига пул ахтариб кетди. Уйма-уй юриб бўлса ҳам айтилган пулни йиғиб келаман, деб кетди, – деди Оллоқулбой.

– Икки юз минг доллари нима бало? Шунча пулни қаердан топади? Бу меш ҳам бутунлай эсини еб қўйибди. “Лимоннинг ичидан чиққан героин” деб телевизордан минг марта кўрсатди. Бу жиноятни бутун дунё эшитди. Энди ким ўша жиноятни қилган одамлардан пора олиб, ўлимдан асраб қола олади? Бу ҳеч бир ақлга сиғмайдиган иш-ку! – жиғибийрон бўларди Робия хола. – Бу ҳожингиз аниқ ҳамтовоқ экан, йўқса, шунча пулни топа оламан, деб йўлга чиқмас эди.

Ҳожи эртаси куни шомдан кейин келди, унинг қўли бўм-бўш эди. “Олиб келиб, мешга топшириб келганмикин? Шунча пулни-я? Наҳотки бу тоғаваччалар омон қолса?”

Ҳожи суддан худди ўзи отишга ҳукм қилингандек фаромуш бўлиб қайтди. Рўҳсизгина сўрашиб, таҳорат олгани кетди. Сўнг узоқ намоз ўқиди.

Оллоқулбой билибми-билмайми, унга ўзининг сўзлари билан тасалли берган бўлди:

– Ҳа, ўлим Худонинг иши.

Ҳожи ҳам зарда билан шу гапни қайтарди:

– Ҳа, тақсир, мен ҳам шундай дейман, ўлим Худонинг иши.

– Ҳа, иним, Аллоҳнинг амри бўлмаса, кўзингиздан бир киприк узилмасмиш. Аллоҳ пешонага солади, бандаси кўтаради. Худонинг иши-да, – деди Робия хола ҳам кўнгил кўтарган бўлиб. Ҳожининг қовоқ уйганини кўриб, аччиғи келди: “Тавба, Аллоҳ қилади, бандаси бир-бирдан кўради”.

Ҳожи эрта саҳар кетаётиб, мезбонлардан розиризолик сўради. Тошкентдаги уйининг манзилини, телефон рақамларини берди. Шу кунгача бу одамнинг саҳти-сумбатидан озору безор бўлиб ўтирган Робия хола унинг афтода сиёғига қараб, беихтиёр раҳми келиб кетди: “Соддалик ҳам ёмон экан-да”. Ҳожи эса унинг “Хафа бўлмай кетинг, иним. Яхши-ёмон гаплар қилган бўлсак, узр”, деган гапига “Мен албатта ўша лимон ортган мижозларни топаман”, деб жавоб қилди. Негадир Робия холанинг кўзларига ёш қалқди.

\*\*\*

Кулранг костюм-шим кийиб, қалин сочларини орқага тараб олган баланд бўйли олифтанома йигит директорнинг олдида бир кириб чиқди-ю, мактабнинг бир кунлик дарс жадвалини ўзгартириб ташлади. Театрга ҳеч ким кирмай қўйган эмиш. “Сиз бир маънавияти бой инсонсиз. Сиз режамизни бажаришга ёрдам бермасангиз, кимдан умид қилишимиз мумкин”, дебди. Кимнинг нима дарди бўлса, мактабга ёпишади. “Шунча ўқитувчи, шунча ўқувчи бор!..” дейди ҳаммаси. Худди шунча мўр-малах беко-ор ётгандай! Директорнинг ҳам бирор манфаати бордирки, осонгина рози бўлади. “Етмишга ўттиз қиламиз” деган бўлса, бўлди-да. Ҳа, чўнтакка кирадиган пул турганда болаларнинг саводхонлигини ўйлармиди? Директор дарров йиғилиш чақириб, эълон қилди: “Ҳамма бола минг сўмдан пул олиб келсин. Соат ўнда бошланғич, соат ўн бирда бешинчи синфдан еттинчигача бўлган болалар, соат ўн иккида юқори синфлар боради”. “Тамом, демак, шу кун мактабда дарс бўлмайди”.

Синфи бор ўқитувчилар болаларини олиб, бирин-бирин театрға кетишди. Нозима юқори синфлар театрға кетгач, уйга қайтди. Кечаси билан ёғиб чиққан ёмғирдан сўнг ҳаво тозаланган, дов-дарахтлар ним яшил тўн кийган, мовий осмонда сузиб юрган укпар-укпар оқ булутлар ёнига чорлаётгандай эди. Ростдан-да, унинг уйга боргиси келмаётган эди! Баҳор, бутун дунё ўзгараяпти, янгиланаяпти. Фақат унинг ҳаёти ўша-ўша! Ҳеч ўзгармайди. Уй-иш, иш-уй. Етти йилдан бери супуриб-сидириб, тозалаб охирига етолмаган уй-жойи. Суқма қошиқдай ҳар ишга аралашиб турадиган қоқбош қайнонаси, лапашанг, шўртумшук эри! “Уф-ф! Улардан қанчалар чарчадим, қанчалар безор бўлдим! Қанийди, бир жойларга бош олиб кетиб, янгидан ҳаёт бошлашнинг иложи бўлса! Ўшанда ҳеч қачон ёлғиз ўғилга, кенжа ўғилга турмушга чиқмас эди. Айниқса эрига ўхшаб, ҳар гапда ота-онасининг оғзига қараб турадиган, ўзининг мустақил фикри бўлмаган лапашанг йигитга!”

Муюлишдаги зулукдай қоп-қора машинага суяниб турган дўппили йигит кўзига таниш кўринди. Йигит ҳам худди уни кутаётгандай Нозимага қараб турарди. Эслади: куёвжўра! Бу ёқимтой йигитнинг ошқора шилқимликлари бироз ҳамиятига теккан бўлса ҳам кўнглида ёқимли бир туйғулар уйғотган эди. Уч кун қайта-қайта кўнғироқ қилиб ҳоли жонига қўймаган йигитнинг бирдан жимиб кетганига аввал ҳайрон бўлди, сўнг ўз-ўзидан хавотирлана бошлади. Ҳозир ҳам дўппида турганини кўриб, кўнглида энг яқин одамларига нисбатангина ҳис этиш мумкин бўлган ғалати бир туйғуни туйди. У машина тўғрисида келгач, йигит йўл четидаги ариқчадан сакраб, унинг ёнига ўтди. Мунғайибгина салом бериб, кўришиш учун қўл узатди. Сикиққина овозда аҳвол сўради.

– Ўзингиз яхшимисиз? Тинчликми? – у қанча уринса ҳам кўнглидаги хавотирни яшира олмади.

– Амакимнинг ўғли... – йигит ерга қаради. – Бирга катта бўлган эдик. Тўрт кун аввал Россиядан маййитини олиб келдик, кеча етти эди...

– Қандай қилиб?

– Ҳеч нарсани аниқлай олмадик. Бегона юрт!.. Индамай олиб келавердик. Қўли гул уста эди. Эшигининг олдида машиналар қалашиб ётарди. Пул ишлаб, хусу-

сий устахона очаман, машина оламан, деб, чилласи ҳам чиқмаган келини ташлаб, Россияга кетиб қолди. Кетаётган куни ҳам кун бўйи машина созлаган. Неча киши “Менинг машинамни ҳам созлаб беринг, кейин кетасиз”, деб ялиниб қолган. Бу бўлса, “Ҳой, биродарлар, қўлимда билетим бор, мени тинч қўйинглар”, деб чала-чулпа ювиниб, аэропортга чопган. Ҳамма “ажалига шунчалар шошган экан-да”, деяпти. Онаси бечора, “Болам, бориға шукр қил, шундай касбинг бор, ризқ-насибанг ўз оёғи билан келиб турибди. Кетма”, деб қанча ялинди. У “Она, менинг хунарим – менинг имконим. Бундай имконият билан чет элларда қўш қаватли устахоналарга эгалик қилиш мумкин. Илтимос, менинг йўлимни тўсманг”, деди. Она шўрлик “Мусулмончилик астачилик билан-да, болам. Бўлади, аста-секин. Майли, рўзғорга бир тийин берма, топганингни йиғиб, устахона қур, машина ол. Ўзингдан орттиргунингча, рўзғорни ўзимиз қилиб турамыз”, деди. “Йўқ, йўқ”, деб кетиб қолди. Ўтган ҳафта бирга кетган ўртоғи “Мазаси йўқ”, деб кўнғироқ қилибди. Амаким билан етиб боргунимизча, жони узилибди. Шунча олис йўллардан ўз оёғинг билан келиш қийин, тобут кўтариб келиш ундан ҳам қийин экан. “Ҳар эҳтимолга қарши, дори-дармонга керак бўлиб қолар”, деб беш-олти сўм олиб чиққан эдик. Йўқса...

– Бечора...

– Сизни ҳам излай олмадим, ўзим билан ўзим бўлиб қолдим. Хафа бўлмадингизми?

– Йўғ-е, нега хафа бўлишим керак? – Нозима боядан бери ўртадаги чегарани унутиб, шунча ноўрин ҳазиллар қилган бутунлай бегона йигитнинг оғзига тикилиб ўтиргани ёдига тушиб қолди. – Мени излашингиз умуман шарт эмас.

Йигит ерга қараб, чуқур хўрсинди. Бир зум тин олиб, сўнг Нозимани машинага таклиф қилди:

– Юринг, уйингизга олиб бориб қўяман.

– Йўғ-е, – астойдил рад қилди Нозима. – Озгина қолди, ўзим кетавераман.

– Ҳали анча бор-у. Илтимос, йўқ деманг, кўчаларингизнинг бошига олиб бориб қўяман-у, кетавераман. Йўлим ҳам ўша ёққа эди. Хўп, дея қолинг. Ўзим жуда сиқилиб турибман, ҳеч ўзимга кела олмаёйман. Сизни кўриб, сал кўнглим ёзилди. Юринг энди...

Нозима бир зум иккиланиб қолди. Ич-ичида нимадир “Бор, бор!” деб, машинага чиқишга ундаб турарди. Бир машинага, бир қаршисида оёқларига йиқилгудай бўлиб турган хушсурат йигитга қаради. Борар манзили ҳам узоқ эди. Уям ариқчадан сакраб ўтди...

Дид билан безатилган машина салоида хушбўй атир ҳиди димоққа урилди.

– Машинамни ундан бошқа ҳеч кимга кўрсатмас эдим. У менинг машинамда юришни яхши кўрарди. Энди шу машинани унга совға қилиб юбормаганимга армон қиламан. Агар шундай қилганимда, у Россияга кетмасмиди?

Йигитнинг жигарига аталган самимий меҳри, тотли ифорлар кезиниб юрган юмшоққина машина, йўл четида “зип-зип” этиб, ортда қолиб кетаётган ним яшил дунё – ҳамма-ҳаммаси Нозимага тобора ёқиб борарди. Уйларига буриладиган муюлиш бир пасда кўрина қолганидан хафа бўлди: “Бунча тез!..”

Йигит муюлишга яқинлашганда машинасини оҳистагина йўл четида тўхтатиб, орқага бурилди:

– Мана, уйингизга ҳам етиб келдик... Бирон жойга бориб, бир-бир пиёладан чой ичсак-ку, яхши бўлар эди. Аммо сиз... рози бўлмайсиз-да.

Нозима бош чайқади:

– Бунинг ҳечам иложи йўқ. Раҳмат, соғ бўлинг.

Сўнг шошиб машинадан тушди-да, ортига ҳам қарамасдан тез-тез юриб кетди. То кўчаларига бурилгунча уни бошдан оёқ кузатиб турган ўтли нигоҳни ҳис этганидан оёқлари неча бор чалишиб, ўзи қора терга тушиб кетди. Ҳаяжондан юраги гуп-гуп урар, ҳар қанча уринмасин, йўли унмас, тўрт қадам наридаги уйига ета олмас эди. Дарвоза олдида қайнотасига тўқнашиб кетишига сал қолди:

– Ў, пирим! Нимага бунча ҳовлиқиб юрибсан? – деди Оллоқул бобо ҳайрон бўлиб.

– Ўзим... – хижолат бўлганидан бирон тайинли жавоб ҳам топа олмади.

Хонасига кириб, эшикни ичкаридан илгаклаб олди-да, ўзини каравот устига ташлади: “Бунчалар келишган, бунчалар ёқимли йигит экан-а!..”

Анча вақт кўчалик кийимларини ҳам ечмасдан шу аҳволда ётди. Ётиб-ётиб зерикди. Кўнгли кўзларига илтижо билан боқиб тургунчи ўша хушсурат йигитнинг суҳбатини кўмсади: “Бир айланиб келсам бўлар экан. Нимагаям шу ғурбатхонага шошдим. Бу ерда менинг ҳеч кимга керагим йўқ”.

Кечқурун Мастура кўнғироқ қилди. Қанийди, юрагига сиғмай бораётган кечинмаларини унга айтишнинг иложи бўлса эди! Ноилож, бўғзига тикилиб турган ҳиссиётларини ичига ютиб, ундан аҳвол сўради:

– Томоша яхши бўлдимми?

– Нима десам экан? Ўқувчи қизларнинг родини ўттизга кирган актрисалар кўкраklarини лорсиллатиб ўйнаб ётибди. Мактаб формасини кийдириб, сочига бантик тақдиргани билан ўттиз яшар аёл ўн тўрт ёшли қизалоққа айланиб қолмайди-да. Эркакларимиз роса кулишди: “Шундай ўқувчиларимиз бўлса, жуда қийин бўлар эди, дарс ўтолмас эдик” деб.

– Номардлар! Театрда рол бўлиш ҳам мактабда дарс бўлишдай гап-да. Ким режиссёрга яқин бўлса, неча ёшда бўлишидан қатъий назар рол олаверади-да.

– Шундай бўлгач, бу театрда ким киради?

Орадан уч кун ўтиб, йўл четида тўхтаб турган ташиш қора машинани кўриб, кўзлари ёниб кетди. Ўзидаги бу ҳолатдан ўзи уялди. Худди кўрмагандай ерга қараб ўтиб кетмоқчи бўлди. Аммо қаршисида пайдо бўлган йигит ҳамма “режа”ларини барбод қилди.

– Ассалому алайкум. Аҳволларингиз яхшими? – у ҳали саломига алик олиб улгурмасдан кўришган кўлидан ушлаб, машина томон тортқилади. – Йўлим шу ёққа эди, юринг, уйингизга ташлаб ўтаман.

– Йўқ, ўзим боравераман, – юраги бўғзига тикилгудек гупиллаб уриб ётган бўлса ҳам астойдил рад қилди Нозима. – Сиз овора бўлманг.

– Э-э, овораси бор эканми! Юринг энди, янга!

Нозима ноилож қолди, у ўзини рад қилса ҳам, кўлини қаттиқ сиқиб олиб “янга”лаётган йигитни рад эта олмади.

Улар машинага ўтиришгач, йигитнинг кайфияти кўтарилиб кетди:

– Э-э, раҳмат. Энди янга, икки оғиз суҳбатингизга кўнгил кетди. Хўп десангиз, бир ажойиб жой бор, тўрт-тагина гурунғ қилиб қайтамыз. Қаранг, ҳаво қандай юмшоқ, атроф гўзал. Мен эса ўзимни қўйгани жой топа олмаяпман. Уйга ҳам боргим келмаяпти. Илтимос...

Унинг ҳам сира уйга боргиси йўқ, аммо ҳамманинг олдида ошқора кўз қисган бегона йигит билан аллақерларга бориш...

– Йўқ, тўхтанг! Тўхтатинг, деяпман сизга!

Йигит машинани йўл четига оҳиста тўхтатиб, орқа ўриндиққа ўгирилди: кўзларида минг йиллик гина.

– Нима бўлди сизга? Шунчаки, кўнгил икки оғиз суҳбатингизни истаган эди, холос. Олма эмассиз-ку, оғзимга солиб, еб қўйсам, – у астойдил хафа бўлган эди.

Нозима ерга қаради.

– Йўқми? – сўради йигит.

– Биров-ярим кўриб қолса... Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди.

– Э-э, Нозимахон, сиз билан кимнинг неча пуллик иши бор? Хўп, десангиз, шундай бир жойга олиб бораманки, у ерда сизни ҳеч ким танимайди. Жуда гўзал жой, мазза қиласиз. Гарантия! Ярим соат вақт ажратсангиз, бўлди. А-а? Розимисиз?

Нозима хавотир билан атрофга қаради. Бировнинг машинасида бу хил ўтириш юришдан ҳам шубҳали эди.

– Бўпти, қўймадингиз сиз ҳам!

– Бу бошқа гап! О, ест! – йигит газни босди, машина чийиллаб ўрнидан кўзгалди. Бир зумда олдиндаги машиналарни қувиб ўтиб, шаҳар ташқарисига чиқди. Темир йўл ёқалаб кетадиган хилват йўлда анча юришгач, бир тепалиқдан ўтиб, кўм-кўк кўл бўйида жойлашган мўъжазгина дала ҳовлига етиб келишди. Ёши ўтиб қолган соч-соқоли ўсиқ бир одам, афтидан қоровул бўлса керак, Нозимага бир қараб қўйиб, дарвозани очди. Йигит у билан кучоқлашиб кўришди:

– Бирон нарсангиз борми, тоға?

Тоға хушнуд жилмайди:

– Ҳамма нарса бор. Хўжайин ҳозиргина меҳмонлари билан чиқиб кетган эди. Меҳмонхонага кираверинг, ҳозир дастурхон тузайман.

Йигит кулди:

– Сал эртaroқ келсам бўлар экан, дадамни келинлари билан таништириб қўярдим.

Тоға жилмайиб, ўчоқхона томон кетди, Нозиманинг қовоғи уюлди. “Бу бола нима деб ўйлаяпти? Телефон рақамимгача аниқлаган-у, икки болам борлигидан беҳабармикин?”

Улар узун йўлақдан ўтиб, кенг, ҳашамдор меҳмонхонага киришди. Уларнинг изидан патнис кўтариб кирган тоға бир пасда дастурхоннинг устини тўлдириб ташлади.

– Овқат ҳам сузайми?

– Ярим косадан.

Ўртадаги стол жудаям узун ва энли эди. Йигит Нозима ўтирган ўриндиқнинг ёнига жойлашди.

– Сиздан узоқ бўлиб кетмайин. Қани, тезроқ ичинг, кўл бўйига олиб тушаман. Қайиқ бор, истасангиз, қайиқда айланамиз.

Хонадаги шоҳона жиҳозлар, стол устидаги анвойи ноз-неъматлар, ёнида тавозе қилиб турган хушқалом йигит– барча-барчаси унинг хизматига шай эканлиги Нозиманинг кўнглини тўлдирди: “Қандай яхши!”

– Ҳа, айтмоқчи, сиз менинг исмиمنى биласизми? Шунча қўшиқ айтдим, шунча ҳасрат қилдим, лекин исмиمنى айтмабман. Исмиمنى Ҳамдам. Отам сув хўжалигида ишлайди, онам ҳам отам билан бирга ишлайди. Олтита опам бор, сизга ўхшайдиганини топа олмайман учун ҳалигача уйланганим йўқ.

У исмини айтаётган пайт Нозиманинг қўлини ушлади ва кейин қўйиб юбора олмай қолди. Нозима ҳам индамай ерга қаради. Ҳамма-ҳаммаси унга жуда ёқиб турган эди.

– Бўлди, ортиқ чидай олмайман, – у шахд билан Нозиманинг белидан ушлаб, бағрига тортди. – Мен сизсиз яшай олмайман, – ютоқиб унинг юз-кўзларидан, бўйинларидан ўпа кетди. Аввалига “вой” деган Нозима худди шунга илҳақ бўлиб тургандай йигитнинг қайноқ бағрига сингиб кетди. Ҳамдам эса уни даст кўтариб, тўрда эшиги ичкарига очиладиган хоналарнинг бирига олиб кирди. Бу деразасига қалин дарпардалар тутилган, ўртада пуштиранг чойшаб ёпилган икки кишилик диван ястаниб ётган ётоқхона эди...

– Нозима, нега бунчалар чиройлисиз? – анчадан сўнг эҳтирослар қонгач Нозимани саволга тутди. – Шу пайтгача сизсиз қандай яшаган эканман, билмайман. Аммо билганим шуки, энди сизсиз менга ҳаёт йўқ.

Бахтдан сармаст Нозима кўзларини юмди, у бу лаззатли онларнинг янада узоқроқ чўзилишини, тердан ҳўл бўлиб кетган пешона сочларини бармоқлари билан тараб, намчил юзларидан оҳистагина ўпиб, эркалаб ётган йигитнинг кучоғида янада кўпроқ қолишни истар эди. Аммо...

– Ҳамдам, – деди у кўрқибгина, – нега тақдир бизни олдинроқ учраштиради. Масалан, мен турмушга чиққунимча... Биласиз, менинг эрим, болаларим бор.

– Бунинг нима аҳамияти бор? Биз шундай қилмизки, эрингиз бизнинг учрашишимиз учун ўзи шароит яратиб беради.

– Қандай қилиб?

– Масалан, мен унинг энг яқин дўстига айланман. Истаган пайтингиз мен билан исталган жойга боришингиз мумкин бўлади.

Йўқ, Нозима истаётган нарсани Ҳамдам тушунмади. “Қанийди... Қанийди улар етти йил аввал учрашишганида, шу келишган, ўктам йигит йўлларини пойлаб юрганида ва бир умр фақат уники бўлиб қолганида! Бир умр!”

Бирдан уйи ёдига тушиб, юраги сиқилди. Ҳамдам ҳам бурчакдаги телевизор устида турган соатга кўзи тушиб, “Уҳ-ху-у!” деди-ю, шкафдан бир сочик олиб ярим яланғоч ҳолда ташқарига югурди. Бир пасда қайтиб келиб, Нозиманинг қўлига ҳам бир сочик тутқазди: “Қўшни эшик – ванна. Тез бўлинг, яна уйингизга киргимай қўйишмасин”.

Улар йўлда деярли гаплашишмади. Орқа ўриндиқнинг нимқоронғу бурчагига тиқилиб олган Нозима машинани учуриб бораётган Ҳамдамни бир нарса деб чалғитишдан қўрқар эди.

Ҳамма уйда, болаларни аллақачон боғчадан олиб қайтишган эди. Қайнонаси қовоқ-тумшук билан саломига зўрға алик олди. Қайнонасининг одати шундай, унча-мунчага гапиравермайди. Хафа бўлса, қовоқларини уюб олиб, индамай юраверади, иш ҳам буюрмайди, қилмадинг ҳам демайди. Эри эса остона ҳатлар-ҳатламас, захрини сочди:

– Ўша мактабингда ётиб қолсанг ҳам бўларди! Ў, уйинг борлиги ёдинддан чиқиб кетдимми?

Нозима аччиқни аччиқ кесар қилди, уям эрига бо- биллаб берди:

– Мен ўйнаб юрганим йўқ. Эртага вазирликдан ко- миссия келаркан, ҳужжатларимни тартибга солдим.

– Ҳе-е, ўша комиссиянгга қўшиб!..

– Илтимос, очман, чарчаганман. Асабимни буз- манг, – у эрини йўлидан нари суриб қўйиб, кийимлар турадиган шкафнинг ёнига ўтди. Шкафдан уйда кия- диган кўйлак-лозимини олиб, эрининг чиқиб кетиши- ни кутди. “Худди бегоналардек. Кўнглимда заррача илиқлик йўғ-а...” ҳайрон бўлди ўз-ўзига. Сардор ош- кора зарда билан чимирилиб турган хотинига бир ўқрайиб, ташқарига чиқиб кетди.

Нозиманинг кўнгли хавотирга тўлиб турган бўлса ҳам, жуда бахтиёр эди. Аини пайтда дунёда унинг кай- фиёти буза оладиган куч йўқдек эди. Кийимини ал- маштириб, ўринга чўзилди. Қўлларини бошининг таги- дан ўтказиб, мазза қилиб керишиб олди. Ҳеч ким ҳеч нарса демаса, сўрамаса, индамаса, ётса, ётаверса ўз хаёллари билан!.. Хонани аста-секин қоронғулик эгал- лади, кун ботиб борарди. Деразадан чироқнинг ёруғи тушди. “Чироқни ёқишди”. Эшик ғийқ этиб очилди. Ни- мадандир ҳайиқиб ўғли кирди:

– Она, овқат сузаркансиз?

– Бўпти!.. – жеркиб жавоб берди у. “Отасининг ўзи!”

Бола ниманидир сўрамоқчи шекилли, остонада мўлтайиб туриб қолди:

– Бор, боравер. Нимага серрайиб турибсан? Ҳо- зир бораман, дедим-ку.

– Она!

– Ҳа-а? Яна нима?

– Мен учта ҳарф ўргандим, – боланинг кўзлари ёл- қинланиб кетди. – Мен сизга “Она” деб ёзиб берайми?

Нозима шундагина боланинг кўлидаги дафтар-қа- ламни кўрди.

– Уф-ф! Бошимни оғритма. Бор, “кет”, дегандан кейин кетавермайсанми? – “Ўттиз икки ҳарфни билган отанг нима каромат кўрсатапти-ки, сен уч ҳарфни би- либ, тоғни эндириб берармидинг?”

Бола йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб, бир зум остонада туриб қолди, сўнг индамай ортига бурилиб кетди.

Нозима ўрнидан турди, нимагадир бадани жун- жикди. Иссиқ халатини кийиб, бошига рўмол танғиб олди. Узун айвондан ўтаётиб, телефон аппарати тур- ган дераза тоқчасига бир қараб қўйди. Юраги ғалати ҳислар билан орзиқиб кетди. Кейин шошиб, ошиғич бир хавотир билан атрофга қаради. Қаршисидаги эшикдан қайнонаси чиқиб келди. Нозима кўнглидаги ўйлар ош- кор бўлиб қолгандай юзлари дув этиб қизарди.

Қайнонаси қозонни тўлдириб, мастава қилган экан. Ҳаммага бир-бир коса сузиб, дастурхонга қўйди. Гуручлари эзилиб, бўтқага айланаёзган маставани кўнгли тортмади, аммо эри “Қаерда қорин тўйғазиб келдинг?” деб тўнғилламаслиги учун ўзига ҳам бир чў- мичгина сузиб, хонтахта ёнига чўқди.

– Мен бундай овқат емайман. Менга тухум қовуриб беришсин! – биринчи бўлиб ўғли косасини нари суриб қўйди.

– Менга ҳам тухум! – қизи ҳам қошиғини хонтахта- га бир уриб, ўзи орқага сурилиб ўтирди.

Момонинг кайфияти тушиб кетди. Уларни эрка- лаб, инсофга чақира бошлади:

– Йўқ, болажонларим, эрталаб иккитадан тухум еган эдиларинг. Бугунга бўлади. Яна есанглар, оғирлик қилади, касал бўлиб қоласизлар. Ким овқатини охири- гача ичиб қўйса, эртага мен билан амманикига боради.

Момо овқатининг нархини ошириб юборди:

– Ростданми, алдамайсизми?

– Боғча-чи?

– Бир кун боғча сизларсиз яшаб тура қолади.

– Ур-ре!

Болалар косаларига ёпишиб кетди.

Нозима косасини қўлларига ушлаб олганча иш- таҳа билан чалпиллатиб овқат еяётган қайнонасига қараб ғаши келди: “Худди боли бордек!” Кампир ов- қатини охиригача ичиб, кейин кўрсаткич бармоғи би- лан косанинг гирдини сидириб олди. Сўнг ўртада тур- ган тузламанинг сувидан мириқиб симирди. Шўр сув кўнгли хуморини охиригача қондирмадимми, катта бир помидор олиб, эринмасдан пўстлоғини шилиб, сўнг бутунича оғзига ташлаб қўйди. Нозиманинг “дод” деб юборишига бир баҳя қолди, лекин “уф” тортишдан ўзини тия олмади. Кампир ялт этиб, аввал келинига, сўнг невараларига қаради. Болалар индамай овқат ейишар эди. Унда “уф” нима учун? Келинига бу уйда кўп нарсалар ёқмаслигини момо яхши билади. Ўзиям очиқ айтган, “онамникига борсам, шу уйга сира қайтгим келмайди”, деб. Онасининг уйи билан ора ярим со- атлик йўл. Эрталаб кетиб, кечгача дунё-дунё ғийбат қилиб, меҳри қониб, қайтиб келиши мумкин, аммо у уч кунсиз қайтмайди. Онасининг уйига борадиган бўлса, мактабдаги ишлар ҳам бемалол бўлиб қолади.

Бунчалар ёқмас экан, нега турмушга чиқдинг? Сени илгариги замонлардагидек қилиб, паранжи чач- вонда чимилдиққа киргизиб, кейин эринг билан кўриш- ганинг йўқ-ку. “Қачон қарасангиз, кулиб салом беради, шу қизни бир суриштиринг”, деган эди ўғли, “кўз остига олганинг бўлса, айт” деганда. Қизнинг қармоғи кулиб қарагани-да. Ўзи қармоқ ташлаб, тегиб олди. Энди!..

Кампир қанча ўйласа ҳам келинининг ошкора ги- жинишининг сабабини топа олмади. Ичи қизиди, яна индамади. Ке-е, қўй! Яна бир нарса деса, шусиз ҳам совуган ошдек кўнглини яхлатиб турган рўзғор заҳар- заққумга айланиб кетиши мумкин.

Иккинчи бўлиб, Сардор косасини бўшатиб, нон бўлақлари билан коса гирдидаги овқат юқларини си- дириб ейишига қараганда, қорни тўймаган. Келин эса индамай косасини эрмак қилиб ковлаш билан овора. Келин бўлиб тушган кундан буён одати шу. Дастурхон бошига бир ўтирилгандан сўнг, бирон бир зарурат учун ўрнидан туриш унинг учун ўлим билан баробар. Дас- турхон ёзиб бир ўтирдими, тамом. Кейин фақат дас- турхон йиғиш учун туриши керак. Энди келин бўлиб тушган кунлари Сардор учаллари ўтиришган эди. Қўлсочик керак бўлиб қолди. Сардор “лип” этиб туриб, сочиқ олиб келди. Келин сочиққа қўлини арта-арта га- пирди: “Дастурхон бошида қайта-қайта туришни жуда ёмон кўраман”. Сардор унга тушунтирди ўзича: “Сен бу ишни ёмон кўрма, севиб қил. Ахир сен келинсан. Акс ҳолда сенга ҳам, бошқаларга ҳам қийин бўлади”. “Ҳечам-да, менга ҳеч қачон қийин бўлмайди. Мен фақат ўзим ёқтирган ишларни қилиб ўрганганман. Бошқаларга қийин бўлса, ўзидан кўрсин”, деди келин.

Ўшанда Робия холанинг оғзи очилиб қолган эди. Сардор ҳам нима дейишини билмай қолди. Бир нарса деса, бир ҳафталик келин, ҳали қараб-қараб хуснига, ҳидлаб-ҳидлаб бўйига тўймаган. Демаса... Демади. Демай кўя қолди.

Кампир ўғлининг косасига қўл узатди:

– Ке, болам, яна бир чўмич сузиб келайин.

Сардор онасининг кўлини нари суриб кўйди-да, бўшаган косани тўқ эткизиб, Нозиманинг олдига кўйди.

– Эгаси сузиб келади.

Ўртага совуқ жимлик чўқди. Нозима бир зум косасига қараб турди-да, худди ҳақорат қилингандек, чимирилиб ўрнидан турди. Ўзининг ҳам, эрининг ҳам косасини олиб, ошхонага чиқиб кетди.

– Она, бунингиз ҳеч қачон одам бўлмади.

Кампир индамади.

Шу пайт эшиқдан коса кўтариб кирган Нозима захрини ичига ютиб кета олмади:

– Сизга одам эмас, ҳали сочиқ, ҳали қошиқ узатиб турадиган робот керак.

Робия хола ялт этиб эрига қаради. Келиннинг бу одобсизлиги энг аввало қайнотасига нисбатан беҳурматлик эди. Оллоқул ака эса индамай аллақачон бўшаган косасига энгашди. Сардор тишланиб, хонтахтага мушт урди. Нозима эса ҳеч нарса бўлмагандай овқат сузилган косани дастурхоннинг бир четига кўйди-да, индамай чиқиб кетди.

Кечаси эр-хотин жиққамушт бўлиб уришди.

– Лаш-лушларингни йиғ-да, эртага эрталаб уйдан чиқиб йўқол. Кечқурун келганимда қорангни ҳам кўрмайин! – қатъий талаб қилди Сардор.

– Сизнинг ҳам қорангизни кўраман, деб ўлиб турганим йўқ. Ҳайдамасангиз ҳам кетмоқчи бўлиб юргандим. Ҳаммаларингдан тўйиб кетдим. Шу уйни ҳам, шу уйда яшовчиларни ҳам ҳеч қачон кўрмасам, деб орзу қиламан.

– Орзуингга етгин, илойим. Лекин болалар мен билан қолади.

– Тушингизни сувга айтинг. Бола ҳар қандай вазиятда она билан қолиши керак.

– Ҳали сен онамисан?! Шу болаларга ҳеч оналик меҳри бердингми? Бир иштонини булғаса, ўзингни осиб кўйгудек бўлар эдинг-ку. Уларни онам катта қилди-ку, кўрнамак! Она! Она эмиш бу киши.

– Ҳар нарса деб лақиллайверманг, алимент тўламасликнинг йўлини ахтараяпсизми? Алимент ҳам тўлайсиз, бизга алоҳида уй ҳам олиб берасиз. Тўққиз ой қорнида кўтариб юрган, кўкрагидан сут берган ким?

– Э-э, ит ҳам туғаверади. Сенга бола керак эмас. Шу болаларни деб беш-олти сўм пул ундирсанг, уй олдирсанг! Олиб кетсанг ҳам, сен уларга қарамайсан. Онангга осиб кўясан. Бечора болалар ака-укаларининг болаларидан таёқ еб, хору зор бўлиб ўсишади.

– Менинг онам билан хиянларим ўгай оначалик зулм ўтказишмас. Мен тирикман-ку.

– Э-э, бор-е! – Сардор ёстиғи билан ёпинғич кўрпасини олиб, меҳмонхонага чиқиб кетди: “Турқингни кўрмай. Сендай аҳмоқ билан яшагандан кўра бир умр ёлғиз ўтганим афзал. Бунга иш ёқмаса, одам ёқмаса! Бир умр ҳаммадан норози!”

Аммо Нозима кетмади. “Кетаман,” деб эри билан баб-баравар тиллашган бўлса ҳам, онасининг қўш келинли тор-танқис уйига икки боласини етаклаб кириб

боришни ўзига эп кўрмади. Сал нарсага “келавер, болам”, деб турадиган онасига ҳам уч киши бўлиб, кўчиб борса, ёқмаслиги тайин. Қани алоҳида уйи бўлса! Икки хоналигина бошпана бўлса ҳам майлийди. Эрта-ю кеч шу қайнота-қайнонанинг қовоғига қараб, уларнинг меҳмонини кутиб яшаш жонига тегди. Болалари боғчага қатнайди, ўзи янаям кўпроқ дарс олади. Топгани ўзиники, нима истаса, шуни олади. Қачон қаёққа боришни хоҳласа, ўша ёққа боради.

Афсуски, ўша икки хонали бошпана ҳам йўқ.

Эрта билан туриб, ҳеч нарса кўрмагандай ҳовли супурди, офтобаларни илиққина сув билан тўлдириб кўйди, нонушта ҳозирлади, лекин эрининг ёнига кирмади.

Сардор ҳам шакароб қилиб сув сепиб, супурилган ҳовлида ғимирсиб юрган хотинини кўриб, кўнгли таскин топганини ҳис қилди. Бу аёлдан қанчалар кўнгли қолган, у билан орани очишни қанчалар истаётган бўлмасин, айна пайтда унинг болаларни етаклаб, ҳовли-жойни ҳувуллатиб, ҳамма ишни кекса онасига ташлаб кетиб қолишидан жуда кўрқар эди. Аммо ичидан хотинининг “қолгин” деб ялинса ҳам ортига қарамай кетиб қоладиган кунларини кутиб яшарди. У барибир кетади. Кетсин, фақат ўзи хоҳлаб, ўзининг айби билан кетсин, токи бир кун келиб, болаларингни етим қилдинг, дея Сардорнинг юзига ҳеч ким таъна қилмасин. Кетсин, Сардор уни аҳдидан қайтаришнинг иложини тополмай қолсин. Шунда ҳаммага яхши бўлади. Сардорнинг ҳам виждони қийналиб юрмайди.

Нозима енгилгина нонушта қилди-да, қайнонасига “Болалар туришмади, боғчага бобоси олиб борар”, деб ишига жўнади. На кеча ҳайдаб солаётган эр бир нарса деди, на “ўламан саттор, кетаман”, деб ётган Нозима бир нарса деди.

“Ўзи, ўзи кетсайди! Оёқларига йиқилсам ҳам ортига қарамасдан, болаларга ҳам этак силкиб кетиб қолсайди!..”

“Икки хоналигина бошпанам бўлсайди, шуларнинг башарасини кўрмай эркин яшасайдим!..”

Бир замонлар иккаласининг иш жойи бошқа-бошқа томонларда бўлса ҳам Сардор ҳар эрталаб Нозимани мактабига олиб бориб кўярди. Кейин-кейин “Бензиним камроқ эди”, деб узр сўрайдиган бўлди. Бора-бора ҳар ким ўз йўлига, ўз ҳолича кетадиган бўлди.

Нозима энди муюлишга етганда эри машинада “ғув” этиб ёнгинасидан ўтиб кетди. Ҳали анча барвақт бўлишига қарамай кўча тўла одам, ҳамма қаергадир шошган, беғам, беташвиш дунё эрталабки баҳор эпкинидан роҳатланиб, баҳор гуллари билан безанган ям-яшил либосини кўз-кўз қилиб ётар эди. Нозима турмуш ташвишларидан, уйдагилардан ҳар қанча безган бўлса ҳам, уларга хиёнат қилишни сира хаёлига келтирмаган эди. У бошқарилишдан, кузатилишдан, назоратдан, бир хилликдан, хуллас, яна кўп нарсалардан жуда чарчаган эди. У онасининг уйдагидек эркинликни қўмсар эди. Ўзи истаган пайти ётса, истаган пайти турса, истаган ишини қилса... Йўқ, онасининг уйда ҳам шу иш, шу ташвишлар. Жойи келса, онаси ҳам ундай қилма, бундай қилма, деб танбех бераверади. Аммо онасининг уйдаги юмушлар ҳам, онасининг даққилари ҳам унга сира малол келмайди. Қайнонасининг эса яхши гапи ҳам ёқмайди. Айниқса, гап талашиб қолишса, болаларини олиб кетиб қол-

масин, деб тилёғмалик қилишга ўтиб олса, кўзига тўнғизга ўхшаб кўринади. Бутун аъзойи баданига тамаки, тер ва ўткир атирларнинг омухта ҳиди ўрнаб кетган эри билан яқинлик қилишга сира тоқати йўқ. Унинг ёнида кўнгли айнийди ва буни яшириб ҳам ўтирмайди. Очкдан очиқ бурнини жийириб, “Ювиниб юрсангиз бўлмайдими?” деяверади. Баъзан рад қилинган эр ҳафталаб жойини бўлак қилиб, дуруст гаплашмай юради. Унинг рашкини кўзғатиш учун кеч келади. Нозима эрини билмаса экан, ўз хотинининг кўнглини топа олмаган эркакка ўйнаш йўл бўлсин. “Билганингни қил”, деб икки кишилик кенг каравотда мазза қилиб ётаверади. Кейин она-бола ўртасида ғўнғир-ғўнғир мунозара бошланади: “Она, шунингизнинг жавобини бераман. Тўйдириб юборди”. “Кўйсанг-чи, болам. Икки боланинг уволига қолма. Ҳамма хотин бир хотин. Яна бировни олсанг ҳам шу ғалва, шу ташвиш. Болаларингнинг бошига ўгай она зулмини солганинг зиёда бўлади, холос. Тинчгина ўтир”.

Шундаям қайнонасига кўнгли илимайди. Чунки кампир уни эмас, болаларни ўйлаб, ўғлини мурасага чақираяпти. Ҳеч қачон “Ҳой, ўғлим. Шуям одам бола-си. Ундаям кўнгил бор. Жонидан бирон иссиқ-совуқ ўтган жойи бордир. Бир кўнглини сўра, нимадан норози, нима истайди? Бир жойларга айлангириб кел. Ёш нарса, кўнгли ёзилади”, демайди. Қачон қарасанг, “Боласи бор!”, “Болалар бор!”. Гўё дунёда боладан бошқа ҳеч нарса йўқдек. Фақат бола, бола!

“Ба-апп!” этган сигнал товушидан чўчиб тушди. Юраги орзиқиб, товуш келган томонга қаради. Ярақлатиб ювилган зулукдек машинада Ҳамдам “бопладимми?” дегандек илжайиб турарди. Юзлари лов этиб ёниб кетган Нозима юраги унга томон потирлаб турган бўлсада, бош ирғаб, салом берган бўлди-да, йўлида давом этаверди.

“Ие, бу нима қилгани?!” Ҳамдам машинадан сакраб тушиб, Нозиманинг изидан қичқира бошлади:

– Ҳей, янга! Янга-а!

Нозима тўхтади: “Ҳа, қайним? Мунча шовқин қиласиз?”

– Мактабингизда ишим бор эди. Юринг, олиб бориб ташлайман.

Нозима ён-верига қаради. Бахтига ўтиб-қайтаётганлар орасида биронта ҳам таниш учрамади. Ҳамдамнинг айтганини қилмаса, “Янга, янга”лаб бўлса ҳам машинасига судраб киргизадигандай кўринди. Бу ёқда кўнгли қурғур ҳам “Бор, бор, ҳеч ким йўқ-ку!” деб турарди.

– Ие, нега бундай қиласиз, янга? – машинага ўтиргандан кейин ҳам Ҳамдам ўпқаланишни қўймади. – Ўзи тонгни зўрға оттирган эдим. Юрагим ёрилиб кетай, деди-я.

– Билмасам, ўзингиз шунчаки кўча томоша қилиб тургандирсиз, деб ўйлабмиз-да, – нозланиб кулди Нозима.

– Ҳа, ёндирасиз, қуйдирасиз, кул қиласиз!

– Ҳай, менга қаранг, Ҳамдамбек, иккинчи мундай қилманг. Мен оилали аёлман. Беобрў бўлиб қолишим мумкин. Хўпми?

– Иложини тополмасам-чи?

– Илтимос, Ҳамдам. Менинг ўрнимга опангизними, синглингизними, қўйиб кўринг. Яхши иш қилмаётганимни ана шунда тушунармидингиз... – бу гап-

ларнинг ҳаммаси шунчаки йўлига, ўзининг нархини ошириш учун айтилаётганини Нозима ҳам, Ҳамдам ҳам яхши биларди.

– Яхши, тушундим ҳам дейлик. Аммо бу билан нима ўзгаради? – пешойнадан Нозимага тикилди. – Учрашиб турсак, бунинг нимаси ёмон. Кеча... ёмон бўлдими? Одам дунёга бир марта келади, жоним, тўрт кунлик дунёнинг лаззатларидан фойдаланиб қолиш керак. Эрингиз масаласига келсак, унга ким бориб, суюнчи сўраяпти. Озгина хўшёр бўлсак, олам гулистон.

Унинг баҳоси жуда тушиб кетди. Тўрт кунлик дунёнинг кўнгли очар эрмаги!..

– Ҳамдам, сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? – беихтиёр ўзини оқлай бошлади у. – Кеча ўзим ҳам билмаганман бу ҳолатга қандай тушиб қолганимни. Энди мени тинч қўйинг.

– Янга-а! – Ҳамдам овозини баландлатиб пўписа қилган бўлди. – Аразлайверманг, энди. Агар яна бир нарса десангиз, мактабингизга кираман-да, ҳамма ўқитувчиларни йиғиб, “Мен Нозимани севама-ан!”, деб бақираман. Ҳар кун эрталаб эшигингизнинг олдида, тушдан кейин мактабнинг олдида машинамни кўндаланг қилиб туравераман.

– Хўп, хўп, ўйлаб кўраман. Машинани тўхтатинг! – улар мактабга яқинлашиб қолган эдилар.

– Фақат қисқароқ ўйланг, ўй одамни қаритади. Бунинг устига жуда соғинганман. – Ҳамдам хушнуд ҳолда машинани четга олар экан, Нозиманинг кўлига кичкинагина қоғозча узатди. – Бу ерда менинг кўл телефоним ёзилган. Вақт топиб, менга телефон қилинг, қачон, қаерда учрашимизни келишиб оламиз. Сизга ажойиб совғам бор.

Нозима шошиб қоғозни олди-да, буклаб-буклаб сумкасининг энг ички чўнтагига солди, ўзи машинадан тушди-ю, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, урра қочди.

“Бу йигит мени қўймайди. Энди нима бўлади? Шаҳарнинг ярми эримнинг қариндош-уруғи. Биронтаси кўриб қолса!.. Бўлди, энди гаплашмайман”.

Туриб-туриб юраги ҳаққирди:

“Нима совға олган экан-а? Тилла бўлса керак. Албатта, тилла! Шундай йигит арзимас атир-патирни совға деб юрармиди? Қанақа тилла экан? Э-э, керак эмас, тилла-пилласи. Энди гаплашмайман.”

Дарсни қандай ўтганини билмади. Журналлар “5” ва “4” баҳоларга тўлиб кетган эди. Катта танаффусга кўнгироқ чалинган, енгил нафас олди: “Йигирма дақиқагина ўз хаёлларим билан қола оладиган бўлдим-а”. Болалар синфдан чиқиб кетгач, сумкаси-дан секингина ҳалиги қоғозчани олди: “Йиртиб ташлайман”. Аммо қоғоздаги рақамлар бир қарашдаёқ юрагига ёзилиб қолган эди: “Барибир кўнгироқ қилмайман. Йўқ, кўнгироқ қилиб, бошқа овора бўлмаслигини тушунтираман”.

...Уйда ҳеч ким йўқ экан. Қайнотаси боғчага кетган, қайнонаси у келгач, кўшиникига чиқиб кетди, эри ҳали ишдан қайтмаган. Вақтдан фойдаланиб, кўнгироқ қилди: “Орани очиб қўя қолайин. Эртага яна йўлимни тўсиб юрмасин”.

Ҳамдамнинг овози ғала-ғовур шовқиннинг орасидан зўрға эшитилди. “Ҳа, ошна, сизмисиз? Йўқлаганингиз учун раҳмат. Эртага соат бир яримларда “Нафис моллар” дўконининг ёнида сизни кутаман. Хўп, соғ бўлинг. Бип-бип...”

У бир оғиз гап айтишга ҳам улгурмади. “Бип-бип”лаб ётган телефон гўшагини лабларига босиб туриб, айвон деразасидан ҳовлига қаради. Етти йилдан бери истаб-истамай супириб-сидириб юрган ҳовлиси кўзига бир файзли, айна дамда бировга қолиб кетаётган омонатга ўхшаб кўринди: “Бекор бўлди ҳаммаси...”

Эртаси куни йўл устидаги “Нафис моллар” дўконининг ёнида турган Ҳамдамнинг машинасига индамайгина ўтирди. Ҳамдам жуда хурсанд эди. Машина сал силжигач, орқага бир ўгирилиб жажжигина қутича узатди:

– Тақиб кўринг-чи?

– Нима бу?

– Очиб кўринг-чи.

У кўрқибгина қутичани очди: оппоқ фианет тошлар билан безатилган нозиккина билагузук!

У кўрқиб кетди ва секингина қутичани ёпиб қўйди:

– Мен айтмоқчи эдимки, муносабатларимизни шу ерда тўхтатсак. Бу ишлар менга муносиб эмас. Буни эса олиб қўйинг.

– Менга қаранг, Нозима! Ҳар бир америкаликнинг у оилалими, йўқми, бундан қатъий назар, вақти-вақти билан учрашиб турадиган камида учта дўсти бўлар экан. Бу уларда нормал ҳолат ҳисобланади. Сиз ахир ўқимишли, гўзал аёлсиз, салгина замонавий фикр юритишни ҳам ўрганинг-да. Кўриб турибман, мен ҳам сизга ёқаман. Сиз-ку, жонимга балосиз. Ҳозир бир жойга олиб бораман, сизнинг ҳам қўлингизда битта калит бўлади. Келишилган пайтда ўзингиз бориб ўтираверасиз. Мен ўз йўлим билан боравераман. Ўша уйнинг деворларидан бўлак ҳеч нарса ҳеч қачон бизни бирга кўрмайди. Бўладими?

Нозима индамади.

– Совғам ёқмаган бўлса, деразадан улоқтириб юборинг. Мен уни кимга бераман?

Шаҳар четидаги кўп қаватли уйларнинг бирига боришди. Иккинчи қаватда жойлашган уй анча вақтдан бери ёпиқ тургани учунми, иссиқ ва дим эди.

Ҳамдам дарҳол деразаларни очиб ташлади. Қалин пардалар орасидан тоза ҳаво оқиб кирди, аммо хоналардаги қимматбаҳо мебеллар ва юмшоқ гиламлар устини қоплаган чанг кишини ўзидан итариб турарди.

– Биронтасини олиб келиб, бир тозалатишим керак экан, – узр сўради Ҳамдам. – Энди бу ерга тез-тез келиб тураммиз-ку, а?

Қайноқ эҳтирослар бўғзиларига тикилиб қолган бўлса-да, улар тез қайтишди. Эртага Робия кампирнинг туғилган куни эди. Ҳамдам ҳам қаёққадир шошиб турарди. Шундай бўлса-да, норози бўлди:

– Уф-ф, бунча тез! Йўқ, бунақаси кетмайди. Ҳеч бўлмаса бир кеча тонг отгунча бағримга босиб ётмасам, сира хуморим қонмайди. Онамнинг уйда ётиб қоламан, деб бир кеча келинг, илтимос. – Ҳамдам остонада Нозиманинг белларидан ушлаб бағрига босди. Нозима эркаланиб, олтин билагузук ялтираб турган кўллари билан оғзини ёпди:

– Асалнинг ҳам ози ширин, кўп талтайиб кетманг!

Кечки пайт қайнонасини бузоқ судраб кетди...

Нозима ҳар доим сигирни соғиб бўлгач, бузоқни бўшатиб, изига қайтиб келаверарди. Сигирни катта оғилхонага, бузоқни алоҳида оғилхонага боғлаш бобонинг иши эди. Шўрлик сигирни айланиб, сути йўқ

елинини нуқул тишлаб чўзгилаб ётган бузоққа қараб, Робия холанинг юраги эзилиб кетди, чидай олмай, Санжарга бақирди:

– Бобонг қай гўрга йўқолди. Анави бузоқ сигирнинг елинини чўзгилаб еб қўйди-ку. Бор, бобонгни чақириб кел.

– Бобомни Дилмуроднинг бобоси чақириб кетди. Ўзим боғлаб қўяйми бузоқни, момо?

– Сенга бош берармиди бу бузоқ? Шошма-чи! Бобонг лаллайиб келгунча, сигирнинг елинини яра қилиб, еб қўяди, – деб инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Шу пайт Нозима челақдаги сутни сузгичдан ўтказиб, қазноқнинг тагига қўяётган эди. Бир кўнгли шу кампирни довдиратмай, бузоқни ўзим боғлаб келай, деди. Яна... Ҳажга бораётган бойбичанинг ўзи боғласин, бир бузоқни эплай олмаса, ҳажда нима қилади, деди-да, индамай ошхонага кириб кетди.

– Мома-а! – Санжарнинг овози дарвоза олдида мулғиб ётган итни ҳам чўчитиб юборди. – Она-а, момом! Момомга қаранг!

Нозима ошхона деразасидан аста энгашиб, ўғлининг овози келаётган томонга қаради: бузоқ оғилхона олдида кампирни судраб шатолақ отиб, чопиб борарди.

– Она-а! Она-а-а! – сигирнинг ёнида турган Санжар изиллаб йиғлар эди.

“Уф-ф, ўзи ўлай деб ётибди-ку, арқонга ёпишиб олганини! Қўйиб юбор, арқонни. Шу бузоқ сигирни еб қўйса, еб қўйсин”.

Олдидаги пешбандини ечиб, ҳовлига чиқди. Олди тўсилганидан кўрққан бузоқ йўлини орқага бурди. Агар қўшнинг яқиндагина ҳарбийдан қайтган ўғли Санжарнинг овозидан хавотирланиб келиб қолмаганда кампирнинг ҳоли нима кечиши бир Худога аён эди.

Кампирнинг қўлига ўралиб қолган арқонни бир амаллаб бўшатишди. Қўшни йигит билан Нозима кампирнинг икки қўлтиғига кириб, ўрнидан турғазашди, аммо кампир оёғини боса олмай, “дод” деб юборди. Шу орада ҳовлиқиб етиб келган Оллоқул ака ичкаридан бир стул олиб чиқиб, кампирни стулга ўтирғизиб, икки киши стулнинг икки ёнидан кўтариб, ичкарига киргизишди.

Уй бир зумда одамга тўлиб кетди. Ҳамма айб Нозиманинг устига ағдарилди:

– Кекса одамни молнинг тагига юборишнинг нима кераги бор эди?

– Шу катта уйдан битта бузоқни боғлайдиган одам топилмадими?

Эри юзига бир шапалоқ туширди:

– Нима иш қилсанг, думи хуржунда қолади. Кимдир изингни тозалаб, тўғирлаб юриши керак. Онамга бир нарса бўлса, мен сени ўлдирман!

– Ўлдирмоқчи бўлсангиз, ҳозирок ўлдираверинг, – нақ суюқларигача зириллаб кетган Нозима йиғлаб юборди, – Мен онангизга бузоқни боғланг деб буюрганим йўқ.

– Буюришинг шарт эмас, сен боғламаганингдан кейин ўзи боғламай нима қилади?

Намозшом қуёши алвонранг этакларини аллақачон йиғиб олган бўлса-да, тоғлар ортидан таралаётган нур атрофни ғира-шира ёритиб турарди. “Тез ёрдам” машинасида келган қотма шифокор надомат

билан бош чайқади: “Олиб кетмасак, бўлмайди. Қон босимлари жуда ошиб кетибди. Аҳвол жиддий”.

Момони бир амаллаб замбилга солиб, машинага чиқаришди. Бутун уй ғала-ғовур меҳмонлари билан момонинг изидан касалхонага кетди. Уйда Нозима қизи билан ёлғиз қолди. Бир пасда ҳувиллаб қолган нимқоронғу ҳовли ҳам унга “Сен айбдорсан”, деб таъна қилаётгандек эди. Йўқ, бузоқни ўзи боғламагани учун эмас... Келин бўлиб тушиб келган йили улар билан яшайдиган қайноғаси бир татар аёлга илакишиб қолди. Овсин изиллаб ҳар кун кўчадан бир гап топиб келади, қайнонаси ўғлини бурчакка қамаб, жанжал қилади: “Бола-а! Кўзинга қара, бизга ҳаром ёқмайди!”. Бир куни ўша қайноғасининг уч яшар қизи акаси билан қувлашмачоқ ўйнайман деб кир ювиш учун қайнатиб қўйган бир челақ сувга ўтириб қолди. Қанча елиб-югуришмасин, қизчани сақлаб қолиша олмади. Овсин эрини кўчага ҳайдади: “Сенинг гуноҳинг норасида боламга урди”. Бугун, эҳтимол, Нозиманинг гуноҳи қайнонасига ургандир... Шўрлик...

Телефон кўнғироғидан чўчиб тушди. Биқинига тикилиб, мультфильм кўриб ётган қизига хавотирланиб бир назар солди-да, сапчиб туриб, телефонга югурди:

– Алло-о!

– “Севсам ўлдурурлар, севмасам ўлам!..” – гўшакдан Ҳамдамнинг хушнуд хиргойиси эшитилди, – Ҳа, пари-и, ҳаммани касалхонага ҳайдаб, ёлғиз ўзингиз ўтирибсизми?

– Сиз қаёқдан эшита қолдингиз? – ҳайрон бўлди Нозима.

– Биз бечораларни фақат сиз бегона санайсиз. Куёвингиз билан синглингиз менсиз касалхонага боришармиди? Қайнонанинг бузоқ судраб кетган бўлса, сизни мен судраб кета қолай, деб кўнғироқ қилаяпман. Нима дейсиз?

– Э, қўйинг-е!

– Рост айтаяпман. Уйдагиларингиз ҳали-бери қайтишмайди. Дийдор ғанимат-да. Болаларингизни кўшненикига ташланг-да, мен касалхонага бораёпман, деб ўзингиз кўчанинг бошига чиқинг. Икки марта бағримга босаман-да, сўнг қайтариб юбораман.

– Қўшнимга нима дейман кейин?

– Такси бўлмади, кўрқдим, дейсиз. Э-э, кўнгилда бўлса, баҳонадан кўпи борми? Фақат истак бўлиши керак. Сизни кутаяпман.

– Қўйсангиз-чи! Шундай кунда кўча-кўйда юришим эп эмас. – Нозима бу сўзларни чин юракдан айтди, аммо шу жавоб баробарида юрагининг туб-тубида бир интиқ иштиёқ ҳиссини туйди: “Нима қипти? Бир пасга боради-ю, қайтади!”

– Беш дақиқа етадимми?

– Ҳамдам!..

– Нима? Озодбек айтгандек, кўйингизда хормиз, зормиз ва лекин кўчангизда бормиз, сизни кутаверамиз.

– Уф-ф, ёмон шилқимсиз-да! – у таслим бўлган эди. – Балки ростдан ҳам касалхонага олиб бориб келарсиз. Бутун оила ўша ерда бўлганда, ёлғиз ўзим уйда қолишим яхши эмас. Бўлмаса, сал нарироқда туринг. Бир пасда чиқаман.

Бу Ҳамдам учун эмас, ўзи учун айтилаётган баҳона эди.

У борганда Робия холани операцияга олиб кириб кетишган, ҳамма ўзи билан ўзи, унинг ким билан қандай келганини биров суриштирмади ҳам. Фақат эри бир ўқрайиб, “Ноилани кимга ташладинг?”, деб сўради, кўшненикида эканлигини эшитиб, ичкарига кириб кетди. Бир пас тургач, қайинсинглисидан илтимос қилди: “Мени эрингиз олиб бориб қўйсин. Ноилани кўшнига бериб келган эдим”. Шоҳиста “Ҳозир”, деди-да, Ҳамдамни излашга тушди: “Бизнинг машинамиз бузилган эди. Санжарни ҳам олиб кета қолинг. Бола чарчади”. Санжар эса “Мен дадамнинг машинасида қайтаман”, деб унамади.

Шу орада қаердандир келиб қолиб, гапга қўшилган Аҳмад жўрасига “Янгани бирга ташлаб қайтамыз”, деб машинанинг эшиги томон юра бошлаган эди, Ҳамдам “Жўра, мен қайтиб кела олмайман. Дадам уйга кел, деяпти”, деб уни қайтариб ташлади.

Нозима Аҳмаднинг ранги ўзгариб кетганини кўрди, хаёлидан “Ҳамдам жўрасига мақтаниб қўймаганмикин?”, деган фикр ўтди. “Эркак зоти мақтанишни яхши кўради. Бекор келдим-да”. Лекин энди кеч бўлган эди. У индамай машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. Ҳамдам ҳам ҳеч нарса билмагандай “Янга, эшикни ёпдингизми? Соғ бўлинглар”, деб ҳаммага хайр-маъзур қилиб йўлга тушди.

Уйга эса ярим тунда қайтишди...


Ҳамдам жуда сўзамол, келишган йигит эди. Бобоси бахши ўтган экан, у ҳам ҳар сўзига қўшиқ қўшиб, аския қўшиб гапирар, қуюқ қошлари остида доим кулиб турувчи зангор кўзларига қараган киши беихтиёр унга асир бўлиб қолар эди. У фақат қадди қоматини сириб турадиган торгина хорижий жинси шим ва спорт кўйлаги кияр, бу либослар унинг кўркини янада оширар эди.

Нозима аллақачон ухлаб қолган қизини уйига олиб келиб, ўрнига чўзилар экан, юрагини аччиқ армон ҳисси ўртаб ўтди: “Эссиз, шундай барно йигит! Бунинг эри тўнгиллашдан бошқа нарсани билмайди. Ҳеч бўлмаса, ўзинг учун ўзинга қараб, ювиниб юр! Йўқ, юраверади, тамаки билан тер сасиб!..”

*Давоми келгуси сонда*







## ТУРКИЯЛИК ШОГИРД

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг доврўғи ҳаётлигидаёқ ватани сарҳадларидан чиқиб, ўзга юртларда ҳам машҳур бўлган. Хусусан, Туркияга унинг ғазаллари 1483 йилда, Султон Боязидга етиб борган. Бу 33 та ғазални Султон Боязид даврининг таниқли шоирларидан бўлган Аҳмад Пошога беради. Аҳмад Пошо Алишер Навоий шеъриятига мафтун бўлиб бу ғазалларнинг барчасига назира бағишлайди. Туркияга Алишер Навоийнинг “Девон”и биринчи марта 1501 йилда, шоир Вазирий томонидан келтирилган. XVI асрда яшаб ижод этган таниқли турк шоирларининг деярли барчалари Алишер Навоийни ўзига устоз деб билганлар. Аҳмад Пошо, Боқий, Ускубли Ота, Ломий, Масихий, Озодий, Аҳмад Надим, Шайх Фолиб каби турк мумтоз адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган шоирларнинг А. Навоий ғазалларига бағишлаган мухаммаслари ва эътирофи фикримизга далилдир. А. Навоий ижодининг усмонли адабиётига ижобий таъсири ҳақида атоқли турк адабиётшунос олимлари Ф. Кўпрули, А. Лаванд, А. Кабоқли, К. Эраслан, М. Чавушўғли ва бошқалар илмий ишларида ёзганлар. Таниқли адабиётшунос олим С. Банарли Алишер Навоий ижодига юқори баҳо бериб: “Алишер Навоий бутун туркий оламда замондошларидан бугунга қадар ўтганларнинг энг буюгидир, устозидир”, – дейди.

Ўзини Алишер Навоийнинг шогирдларидан деб билган, машҳур турк шоирларидан бири Аҳмад Надимдир.

Аҳмад Надим (1680-1730) турк мумтоз адабиёти тарихида ўз ўрнига эга бўлган, “Лола даври” турк адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан.

Турк адабиёти тарихида 1718-1730 йиллар “Лола даври”деб юритилади. Атамани илк бор Яҳё Камол қўллаган. 1913 йили Аҳмад Рафиқ Олтин “Лола даври” китобини эълон қилган. Лола даврида гулзорларга лолалар экиш, саройларни лола расмлари билан безаш шу даражада урф бўладикки, чет эллардан кўлаб турли нав лолаларнинг уруғлари келтирилди, айрим ноёбларининг уруғи ўз даври учун юқори баҳога бўлган – минг олтингача кўтарилган эди. Истанбулда лоланинг 639 тури экилган экан.

Шеъриятда ҳам лолани васф қилиш мусобақага айланганди. Шунинг баробарида адабиёт ва санъат гуллаб-яшнади.

Аҳмад Надим Истанбулда зодагон оилада туғилиб тарбияланади. Отаси Меҳмед Надим қози бўлиб, саройга яқин кишилардан эди. Яхши билим олган Надим мударрис даражасигача етади. Айниқса Султон Аҳмад билан танишгач унинг толеъ юлдузи янада порлайди. Мулла Каримий, Эски Нишонбоши мадрасаларида мударрислик қилади.

Тарихчи, таржимон, шоир бўлган Надим жўшқин ҳаёт кечирган. Шоир сифатида “Девон” тузган. Надим шеърияти ўзининг серзавқлиги билан ажралиб туради. “Девон”да 39 қасида, 159 ғазал, 82 қитъа, 28 шарқий ва бир қанча мустаҳзод, тахмис, тажнис, рубоийлар мавжуд. Шеърият мухлислари орасида, айниқса, Надимнинг шарқийлари машҳур бўлган. Аҳмад Надим адабиётда шарқий асосчиларидан бири сифатида ҳам маълум. Шарқийлар турк адабиётида XVIII асрда яратила бошлаган. Асосан куй басталанган шарқийлар иккитадан бештагача тўртликдан иборат бўлган. Ишқ ва гўзаллик мавзулари қаламга олиниб, кўпинча арузнинг фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун ўлчовида ёзилган. Шарқийларда кўтаринки руҳ, халқ қўшиқларига оҳангдошлик устувордир.

Аҳмад Надим ижодининг юксалишида Алишер Навоий шеъриятининг таъсири кучли бўлган дейишимиз мумкин. Буни Аҳмад Надим ижодини ўрганган олимлар ҳам таъкидлайдилар. Аҳмад Надимнинг ўзи Навоий ижодининг таъсири ҳақида шундай ёзганди: “Навоий қаламининг қудратидан, руҳидан келган бир наво таъсирида гўзал бир ғазал ёздим”. Бу ғазалнинг матлаъси шундай бошланади:

*Бориб куйинга йиғламоқ тиладим бир садо тортиб,  
Йоғурди мен сари ул ғамзе тиг-и сурме-со тортиб.*

Ғазалнинг мақтасида эса, Аҳмад Надим ҳазраат Алишер Навоий асарларидан нақадар лаззатланганлигини, илҳомланганини шавқ билан таърифлайди:

*Навоий руҳ-и килкин-дин Надимо кўп топар лаззат  
Тараннум айлагач не янлиғ ун солиб наво тортиб.*

Кўринадики, Алишер Навоий ижодининг ҳаётбахш таъсири туркиялик шоирларни нафис ғазаллар ёзишга руҳлантирган. Бу, албатта, ҳар бир юртдошларимиз кўнглида ифтихор ҳисларини уйғотади.



## Настарин ҳидига чайилган шамол

\* \* \*

Бобом айтган дostonдек шингил,  
Тез ўқилди йилларнинг исми.  
Дунё менинг наздимда, сингил,  
Қирқ ёшлидир – келишган жисми.

Ҳаёт мисли қадимий урчуқ,  
Хаёлимнинг ипин йигирар.  
Томчилаган сўз осмонида,  
Камалаклар чақиб улгурар.

Юракнинг тор қафасларидан,  
Учиб чиқар туйғулар бари.  
Шаббоданинг нафасларида,  
Варақлар қалбим дафтари.

О, шеърият, бедор қисматим,  
Сўзларимга нил тортган қалам.  
Хаёлимдан тўкилган хатим,  
Дардларимни кўрганам баҳам.

Гоҳо илҳом ёшлари билан,  
Мажнунтолнинг сочларин ювдик.  
Умр оқиб ўтар, кўнгилнинг  
Ҳовурини босмаган сувдек.



\* \* \*

Бир қўшиқ бошлайди бағримда тўлиб,  
Настарин ҳидига чайилган шамол.  
Паришон руҳимни тебратмоқ бўлиб,  
Беланчак солади ҳорғин кекса тол.

Осудалик истар увишган қалбим,  
Атроф ташиланади ямлаб ютгудек.  
Рангпар юлдузчалар кузатади жим,  
Масофа бир қадам – қараб етгулик.

Туннинг кўзларига келтирмай малол,  
Кўзимда ловуллаб сўнаётир чўг.  
Кетарга рағбатим бордир эҳтимол,  
Афсус, бошим оғган бирор томон йўқ.

\* \* \*

Гул ўстирмай қўйдим аёздан чўчиб,  
Тариқ экмайди деб, чумчуқдан кўрққан.  
Бағридан ифорлар кетганда кўчиб,  
Гултувак қўққайиб қолди дафъатан.

Умрлик дўстидан бўлиб-да жудо,  
Нақадар зерикди шўрлик дераза.  
Қулоққа чалинмай қолганда садо,  
Кўчага термулди очгандай аза.

Нилуфар УМАРОВА

1972 йилда Қарши туманида туғилган. Қарши Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Орзулари бир дунё аёлларнинг”, “Кўнгил рози”, “Дуогўй ёмғир”, “Хаёл кўзлари” каби китоблар муаллифи. Ҳозирда Қарши Педагогика коллежи ўқитувчиси. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Наҳот, қайтмас бўлиб кетгандир баҳор,  
Наҳот, бахт гулларин айламас эҳсон.  
Йўлларга термулиб кутаётир зор,  
Бағри бўи дераза, қўли қуруқ ром.

О, гуллар бўйини қўмсаган хонам,  
Титроқ тарқалади соғинч аралаш.  
Фақат юрак ичра битта юпанч бор,  
Ўзни гувоҳ санаб, қишини қоралаш.

## ЁШЛИК

Йиллар девор оша кўча ҳатлади,  
Шўхчанлик ярашар ёшинга чунон.  
Сен менинг ёнимда қўл етмас бўлдинг,  
Мен сенинг ёдингда хур қизман ҳамон.

Улгурмай юмилган кўзни очмоққа,  
Ёнимдан лип этиб ўтдинг-да кетдинг.  
Келдинг-да юзимга сепкил сочмоққа,  
Қадринга етмасдан, сен кимга етдинг.

Мен-чи, ўзиб кетдим уқувсиз йилдан,  
Ўзин оқламоқчи бўлар бебошлик.  
Ота уйим қолган бағри кенг йўлдан,  
Бугун болам бўлиб ўтасан, ёшлик.

\* \* \*

Ёмғирлар заминга ато этди жон,  
Булутлар тарқади ювиб доғларим.  
Дарахт дўстларимнинг бошин эгмай ҳам,  
Кўзимда барг ёзиб қолди боғларим.

Йўлларнинг ваҳмини сув каби ютди  
Нигоҳимни ортган автоуловлар.  
Юрагим дарёсин қумлари йитди,  
Қулагандай бўлди олдинда говлар.

Тўлқинда чалинмас ҳислар қолдилар,  
Шамол елканлари бағридан бўйлаб.

Мангуликнинг узун куйи олдида  
Тиниқ овозларда ўз сўзин сўйлаб.

Начора, шу юкни кўтармоқ тақдир,  
Азал тирикликнинг боғи сўлимдир.  
Фақат ўзин ўйлаб, ўзини тинглаб,  
Узоқ яшамоқлик оғир ўлимдир.

## УЙҚУСИЗЛИКДА

Бунда бутун борлиқ уйқуга чўмган,  
Ёлғиз сезмагайман ўзимни бироқ.  
Уни ҳам сокин тун хаёлга кўмган,  
Мижжасини қоқмас мовий тунчироқ.

Соат таъқиб қилар қоқ тун маҳали,  
Тобора сингийди миямга "чиқ-чиқ".  
Эшик аҳён-аҳён қўяр қарсиллаб,  
Гўё шамол имлар: ташқарига чиқ.

Қарарга бир нуқта топмас кўзларим,  
Шу дамда ёруғлик балки нокерак.  
Ҳалима Аҳмаднинг сўзин эслайман:  
"Ғижимлаб ташланган қозғоздир юрак"...

## МАВЗУСИЗ ШЕЪР

Мен бу шеърни қачон ёзаман,  
Сизмаяпти нотага куйим.  
Ўғирланган туш каби чексиз,  
Адоғига етмайди ўйим.

Енголмади қозғоз ва қалам,  
Бино кўйган менга қайсарлик.  
Тугамади хаёл даштида,  
Мағлубият, ҳам дардисарлик.

Нуқсон бордир ойда ҳаттоки,  
Ҳеч бир нарса яралмас тугал.  
Ҳаёт худди жумбоққа ўхшаб,  
Мавзуси йўқ шеъримдек чигал.





## ДОРБОЗ

### Ҳикоя

– Шабнам, қизим-онам, тетик бўл! Мана мен, кўрдингми?! Кўрқма, қизим-жоним! Мен шу ердаман-а?!

Дорбоз гап ташлаганда доира саси тинади. Отанинг овози титраб кетади. Тўрт газ баландликдаги дор устида, қизчанинг кифтини тутиб турган ўспирин кўлларини олади. Қизчанинг овози жаранглайди:

– Лаббай, дада?

– Худога шукр! Эна қизим, мен сенга дуо олиб берай...

– Майли, дада...

– Халойиқ! Қилдор устида, қалдирғоч йўлида юраётган Момо Ҳаво авлодига бир дуо беринг!...

Ўз ташвиши билан яккам-дуккам қадам ташлаб ўтаётган Чол дорни кўрса-да безътибор кетаётганди. У қилдор устидаги қизчани кўриб қолгач, бир балодан узоқлашмоқчидай қадамини тезлатган бўлди. Аммо «дуо»ни эшитиб, юк халтасига ўтирганича беихтиёр томошабинга айланди.

Оломон дуога кўл очди.

– Шабнам, жигарим, кўзим қораси, бошингда нима бор?

– Тожи давлат!

Ўспирин дорда турганича унга «Бале!» дея жўр бўлди.

– Кўзингда нима бор, нури дийдам?

– Нури Муҳаммад!

– Бале!

– Тилингда нима бор?

– Калима-и шаҳодат!

– Бале!

– Қулоғингда нима бор, гулим?

– Азони қиёмат!

– Бале!

– Балли, қизинам!

Сўнг ота-дорбоз узун дуо ўқиди. Баҳовуддин ба-логардондан тортиб, Самарқандда ўтган азиз-авлиёлар, анбиё-ю зикриёлар номини айтиб, дуога кўл очганларнинг фарзандсизларига фарзанд, тўйсизларига тўй, сафардагиларига омонлик ва ҳоказо-ҳоказоларни Яратгандан кўздан ёш чиққудек тилаб, сўради. Дуодан жунбушга келган ихлосмандлар, умидворлар ё шунчаки кўнгли бўшлар дуогўй дорбознинг кўлига пул тутишди. Масхарабоз бир кути келтириб дорбоз олдига кўйди. Пул бериш чўзилди. Дорбоз чўккалаб олганича пул тутаётган суннат ёшидаги болакайларнинг пешонасини сийпалар, шу билан бирга даста-даста пулларни чангаллаганича қутига ташлаб улгурарди... Унинг оғзи бир лаҳза ҳам тинмасди: «Авлиёлар Иброҳим, Исмоил, Маккаи муаззам, динларни чироғи Имоми Аъзам, Шайх Аҳмад, Зинда фил, Имоми Шофеъий... ва яна Аллоҳим ўзи Мураббий...»

Дорбознинг тили тинмайди-ю, кўзи олма теради. Бирор кимсанинг даврага чиқишга иккиланаётганлигини кўрса тагин ҳамдга зўр беради, минг азоб билан дostonчи-бахшилардан ўрганган дуоларини тақрорлашини қўймайди, ўтқир нигоҳлари билан иккиланувчини «жодулайди». Гипноз таъсиридаги банда ўртага чиқиб «атагани»ни ташлаб кетганини билмай қолади...

Дорбознинг дуогирлигидан томошабин чолнинг кўнгли зил кетди. У тинимсиз юз-кўзини, оппоқ соқолини сийпалар, кўзларидан ёш тирқирарди.

Ота-дорбоз қилдор устидаги қизчасига вақти-вақти билан назар ташлайди; нигоҳлари билан ўспиринга «буюриб» улгуради. Ўспирин яна қизчанинг кифтини тутди...

### Эшқобил ВАЛИ

1965 йилда Пастдарғом туманида туғилган. Самарқанд Давлат Университетида таҳсил олган. Ҳозирда СамДЧТИ жаҳон адабиёти кафедраси мудири, «Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим» илмий-услубий, адабий-бадиий журналнинг масъул котиби. Унинг «Пахса қишлоғим», «Минг иккинчи кеча», «Сукунат мулки» каби китоблари чоп этилган.

Дорбознинг зикри ва назр йиғиши давом этаверди. Энди у якка келиб алоҳида дуо сўраётганларнинг илтимосларини бажаришга ўтди. Ҳижоб кийган бир жувон дорбоз олдига келиб, унинг кифтини тавоф қилди. Қўлига бир чангал пул тутганича, дорбозга нималарнидир пичирлади. Дорбоз дуо айтди:

– Ё, Аллоҳ! Халойиқ! Шу синглим мендан бахти очилишини сўраб дуо олиб беришимни илтимос қилдилар. Мен бу дуони сизлардан олиб Эгамга йўлловчи бандаман! Мен қилдор нонини она сутидай ҳалоллаб еяпман, дуойим ижобат бўлар... Қани, халойиқ, бир дуо қилинг! Ё, Худо! Каримсан, Самадсан, раҳм айлаб ёр бўлгин ночор куллар-а! Ҳайбатимдан титраг фили фаранги, Тошканднинг мулкида Эрбобо Занги, тавба қилдим мен гапирсам баланд-пас, ҳар бандадан баланд бўлур чўпу хас; Соҳибнинг сардори, эй Саид Ваққос, садағанг бўлайин Ғавс билан Ғиёс, ҳақнинг ғазначиси Хўжаи Хизр, шу банда дардига давосин бергил...

Дуонинг шу ерига келганда чолнинг сабри дош бермади. У гоҳ чиқариб, гоҳ бекитаётган пулини шартта бир келинчак орқали дорбозга узатиб юборди.

Дорбоз омин қилиб улгурмади – давра атрофидаги аёллар ёпирилишди. Ожизалар дуогирнинг кифтини, елкасини, кийимларини тавоф қилишарди. Дорбоз эса узатилган қўлларга алангсирганича гап қотишни қанда қилмасди: Қутига, қутига! Атаганингизни қутига ташланг!..

Бир оздан сўнг, дорбоз ният қилгувчилар қолмаганлигини англаб, давра айланганича, дуонинг охири-ни калта қилди.

Дуодан кейин дор устидаги Шабнам-қизалоқ зир югуриб, ўспириннинг елкасига чиқиб, рақслар тушиб, томоша кўрсатди. Атрофни қарсак тутди. Қизча дордан туширилгач, тош ўйинлари бошланди. Ота-дорбоз ўз кучини кўрсатди. Икки пудлик тошларни осмонга отиб, кифти билан туртиб, илди.

Тош ўйинлари пайтида хотин-халаж сийраклашиб қолди. Катта ёшдаги эркак томошабинлар ҳам узок ушланишмади – дор атрофида энди кўпроқ ёш-яланг уймалашарди.

Дорбоз вазиятни илғаб, очикдан-очиқ найрангга ўтди: енгил, бир пудлик тошларни чирпирак қилиб ўйнай бошлади...

Бутун томоша давомида отахон юк халтасига ўтирганича ўйинларни кузатар экан, уни аллақандай завқ, англаб бўлмас сир дорбозлар ўйинига маҳлиё қилди. Қария ҳатто ота-дорбознинг қаллоблигига хайрихоҳлик билан мийиғида жилмайиб қўйди...

Оларини олиб бўлган, ўйиннинг авж нуқтасини ўйнаб улгурган ота-дорбоз чарчадими, зада бўлдими, ўз хунарини бирдан, кутилмаганда тўхтатиб, бесўнақай, дароз масхарабозга ўдағайлади: «Ҳов, туядай лўкилламай, бошласанг, ўласанми?!».

Масхарабоз микрофонни жадал қўлига олганича ота-дорбозга қарата ўз хунарини – сўз ўйинини бошлади:

– Полвон тоғо, ҳов Полвон тоғо!

– Нима дейсан, Сўтак?

– Сизни доно деб эшитаман...

– Нима қилибди...

– Сизга битта савол берсам девдим-да...

– Хўш?

– Жавоб бера олармикансиз?

– Ҳа энди... Сен сўраб кўр-чи!...

– Қишлоқдаги аммамнинг бир қари сигири бор.

Қачон қарамай доим кўзи ёшли туради... Нега сигир йиғлайди, а?

– Ҳа энди, очдир, балки амманг вақтида соғмагандир...

– Йўқ! Қорни доим тўқ; жеззам бедапоёга қоровул.

Аммам ҳам вақтида соғади – у чаккифуруш...

– Унда нимага йиғлайди амманнинг сигири?

– Эри сизга ўхшаган хўкиз бўлгач, йиғлайди-да...

– Хап, сени аммангни сигирини...

«Гур-р» кулгу кўтарилади. Дорбоз масхарабозни қувлайди.

Чол масхарабознинг ҳазилидан кулиб юборди. Аммо кап-катта дорбознинг бесўнақай ҳаракатидан кўнглида ғашлик сезди.

Дорбоз сунъий қувлашини давом эттирди. Томошабин ёш-яланг ҳазилданми ёки бошқаданми ҳуштак чалиб шовқин солди.

Чол ўрнидан туриб чопонининг барини қоққан бўлди. У ниманидир эслаб, кетишга тараддудланди. Шу пайт катта дорбознинг ғайритабиий ҳайқириғидан сесканиб, ўйингоҳга сўнгги бор кескин назар ташлади.

...Бу пайт дор майдонини ўн-тўрт-ўн беш ёшлардаги бир ўспирин кесиби ўтиб, дорга чиқадиган нарвонга осилиб кўраётган эди. Уни дорга чиқмоқчи деб ўйлаган дорбознинг ҳайқириғи ўшанга экан:

– Ўв, ҳароми! Падарлаънати, дорга осилма! Ҳей сени яратганни... Қўлларинг акашак бўлсин, илойим!...

Чол дорбознинг сўзларидан жунжикди, сўнгра ранжиб кетди. Шартта носкадисини олди-да, нос отди. Кейин қопини шитоб билан ўнгирига қистирди-ю, кетишга шошилди.

Унинг қулоғига масхарабознинг сўнгги ҳазили илашди:

– Полвон тоғо, ҳов Полвон тоғо!

– Нима дейсан яна, Сўтак?

– Сиз биласизми...

– Нимани?

– Мен афсусланапман ҳозир-ҳозир, жудаям афсусланапман...

– Нимадан афсусланапсан?

– Агар башарангиз тозароқ бўлганда туфламоқчи эдим-да...

Қўш ноғоралар шовқинидан катта дорбознинг гаплари эшитилмай қолди.

Чол қадамини тезлаштирди.





Хусайнхон ЯХЁ



## НАВОЙНИ ҚАЧОН ТУШУНАМИЗ?

Ҳазрат Алишер Навоий ижоди билан ўқувчилик йилларимизда танишган эдим. Бироқ Навоийни тушуниш, унинг бетакрор истеъдоди қирраларини англаш жуда қийин эди. Қолаверса, Навоий асарлари талқини ҳукмрон мафкура мезонларидан чиқиб кетиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам собиқ иттифоқ даврида нафақат Навоий асарларини, балки мумтоз адабиётимизни тўғри англаш имкони йўқ эди.

Навоийни тушуниш учун эса муборак динимиз таълимотларидан, жумладан, тасаввуф илмидан ҳам теран хабардор бўлиш талаб этилади. Маълумки, Алишер Навоий даврида бошқа илмлар қатори тасаввуф илми ҳам ривожланган эди. Алишер Навоий ҳам нақшбандия тариқати солиқларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир илмнинг ўзига яраша атамалари бўлганидек, тасаввуфнинг ҳам ўзига хос атамалари бўлиши табиий. Ибн Синонинг сўзларини тушуниш учун табобат атамаларини, Форобийнинг фикрларини илғаш учун фалсафий ибораларни, муҳаддисларнинг сўзларини англаш учун ҳадис илми истилоҳларини билиш лозим бўлганидек, тасаввуф аҳлининг сўз-ибораларини тўғри тушуниш учун ҳам уларнинг ўзига яраша атамаларини тушуниш керак бўлади.

Масалан, «саҳиҳ» деган сўз луғатда «соғлом, тўғри», фикҳ илмида «тўғри, хато эмас», ҳадис илмида «ишончли», сарф илмида «иллат ҳарфлардан холи сўз», табибларда «соғ-саломат» деган маънода тушунилади. Бинобарин, «саҳиҳ» сўзини қайси маънода тушуниш бу сўзнинг қайси илмга оид китобда келаётганига қараб белгиланади. Яна бир мисол учун «вазн» сўзини олайлик. Бу сўз умумий ҳолатда «оғирлик» маъносини билдиради. «Фалон нарсанинг вазни фалонча грамм», деганга ўхшаш. Аммо бу сўз шеърятда келса, маълум ритмга эга бўғинлар йиғиндисини тушунилади. Сарфда, яъни морфологияда эса бу атама

сўзларнинг «фа», «ъайн», «лам» муқобилидаги ҳолатини ифодалайди. «Вазн» сўзининг истилоҳий маъноларидан беҳабар одамдан «Навоий қайси вазнда?» деб сўралса, ҳеч нарсани тушунмаслиги турган гап. Сарф истилоҳидан хабардор кишигина бу саволга «фаъолий вазнда», деб жавоб бериши мумкин. Аруз истилоҳларини билган инсон эса «фаъулун» вазнда деб жавоб қилади.

Худди шунингдек, тасаввуфга доир сўз ва асарларни ҳам тасаввуф истилоҳларисиз тушуниш имконсиз. Ҳар бир илмнинг атамаларини ўша илмнинг мутахассисларидан ўрганилганидек, тасаввуф аҳлининг истилоҳларини ҳам ўшаларнинг ўзларидан ўрганиш керак. Бу ўринда тахмин билан иш кўриш ёки ўзбошимча «ижодий» ёндашув яхши эмас.

Дарҳақиқат, Навоий асарларини англаш учун ҳам турли исломий атамаларни, хусусан, тасаввуфий истилоҳларни ёритган асарларни ўрганиш керак. Тасаввуф илми ҳам, бошқа исломий илмлар каби, Исломнинг илк даврларида алоҳида илм сифатида шаклланган эмас эди. Балки мусулмонлар билган Қуръон ва Суннат илмларининг ичида умумий тарзда ўрганиларди. Вақт ўтиши билан Қуръон ва Суннатдан олинган илмлар турли соҳаларга ажралиб, алоҳида-алоҳида илм сифатида шакллана борди. Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша мутахассислари етишиб чиқа бошлади. Шу қатори Исломда инсоннинг ахлоқига, қалбига, руҳий тарбиясига оид илмлар ҳам бир тўплам бўлиб ажралиб чиқди. Бу илмга доир билимларни жамлаб, алоҳида ривожлантириш учун махсус уламолар етишиб чиқдилар. Улар ўзларининг саҳобаи киромлар ва тобеинлардан олган илмлари ҳамда ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан билимларни алоҳида китобларга туширишга киришишди. Кейин бу илмга «тасаввуф» деб ном берилди. Мусулмонлар орасида ушбу

Хусайнхон ЯХЁ

*1981 йил Андижон шаҳрида таваллуд топган. 2008 йили Тошкент Ислом институтини тамомлаган. Халқаро ва юртимиз миқёсида ўтказилган Қуръон мусобақалари совриндори.*

илмга алоҳида эътибор берилган. Асосан қалбга доир илмлар билан шуғулланадиган, замона фитналаридан ўзини узоқроққа олиб қочадиган, тоат-ибодат, тақво ва қалб ислоҳига ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳаракат қиладиган кишилар пайдо бўлди. Ана ўша кишилар «зоҳидлар», «обидлар», кейинроқ «сўфийлар» деб ном олди.

Сўфийларнинг баъзиларида ўзларидаги руҳий ўзгаришлар, маънавий камолот босқичлари, қалбларида ҳосил бўлаётган кечинмаларни сир тутта олмай, айтиб юбориш ҳолатлари юзага келди. Бундай ботиний ҳолатларни ҳаммага ҳам айтиш раво бўлмаслигини билган баъзи кишилар ўзларига хос атамаларни ўйлаб топишди. Улар бу билан ўз кечинмаларини фақатгина ўзларига ўхшаган кишилар тушунадиган тарзда баён қилишни ирода қилишган эди. Улар ана шу мажоз йўли билан ҳам ўзларидаги ҳолатни изҳор қилишга ва айна пайтда махфий тутишга эришдилар. Қалб дардини тўкиш билан бирга риёдан ҳам сақлана олдилар. Ўзларига эргашганлар учун ибрат яратиш билан бир вақтда уларни инкор этувчилардан ўзларини тўса олдилар. Шу билан бирга, ўша ҳис ва кечинмаларни мажоз билан ифодалашда ўзига яраша завқ ҳамда балоғат ва фасоҳатнинг намоиши ҳам бор. Балки уларнинг руҳий оламларида рўй бераётган ҳолатларни жўн сўз билан ифода қилишнинг имкони ҳам йўқ эди. Абдурахмон Жомийнинг айтишича, бундай йўлни биринчи бўлиб тутган шахс, Зуннун Мисрий бўлган.

Ҳар қандай мураккаб ва кенг илмнинг ҳам бошлаши нуқтаси кичик ва содда бўлгани каби, тасаввуф атамалари ҳам илгариги ҳолатида унча кўп бўлмаган. Аммо вақт ўтиши билан бу майдон ҳам кенгайиб кетди. Тасаввуфий истилоҳлар икки қисмга: ҳақиқий ва мажозийларга бўлинди. Ҳақиқий маънодаги истилоҳларга мисол тариқасида «тавба», «риё», «узлат», «ихлос», «муҳаббат» каби сўзларни келтириш мумкин. Мажозий истилоҳлар сирасига эга «фано», «бақо», «ишқ», «ҳижрон», «зулм», «аҳдга вафо», «ёр», «дилдор» каби сўзларни киритиш мумкин. Аввалги қисмнинг аксари Қуръон, Суннат ва салафи солиҳларнинг сўзларидан олинган бўлса, кейинги қисм атамалар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ҳолатини оммадан яшириш мақсадида пайдо бўлган.

«Сўфийлар истилоҳи» деганда «сўфийнинг илоҳий висолга етишиш йўлида қилган покланиш, хулқланиш ва етишишдан иборат уч босқичли руҳоний сафари асосидаги завқий тажрибаларини акс эттирувчи тушунчаларни ифодаловчи сўзлар» назарда тутилади. Тасаввуф истилоҳларининг шаклланиши ва бойиб боришида Қуръони Карим, Суннати набавийя, салафи солиҳларнинг ҳикматлари катта ўрин эгаллаган бўлса, шу билан бирга бошқа илмларнинг, жумладан, фалсафанинг ҳам таъсири катта бўлган. Сўфийларнинг истилоҳлари бошқа илмлардаги истилоҳлардан шуниси билан фарқ қиладики, бу истилоҳлар муайян бир маънога боғланиб қолмай, бир неча ирфоний маъноларда ишлатилиши мумкин. Уларнинг қайси маънода қўлланилганини атрофи-

даги бошқа сўзлардан чиқариб олинади. Масалан, «ёр» деганда Аллоҳ таолони тушуниш ҳам мумкин, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёки пирни тушуниш ҳам мумкин. Шунингдек, ғайбий мушоҳада назарда тутилиши ҳам мумкин.

Тасаввуф аҳлининг намоёндаларидан бўлган Алишер Навоийнинг асарлари ҳам, табиийки, ўша истилоҳий маънолар асосида талқин қилиниши шарт. Акс ҳолда, шундай улўғ шахсиятга тил теккизган, унинг омонатига ҳам, тарихга ҳам, илмга ҳам хиёнат қилган бўламай.

Тан олишимиз керак, Навоийнинг кўпгина ғазаллари шу пайтгача айрим «навоийшунос»ларнинг шахсий тасаввурлари билан, ҳавойи нафсларига мувофиқ тарзда шарҳлаб келинди. Бу шарҳларнинг аксари мавҳум талқинлар, тушунарсиз, гажақдор иборалар, ҳиссиз таъбир, тахминий тасаввурлардан бошқа нарса эмас. Бунинг устига, баъзи бир журъатли қаламкашлар ана шундай тасаввуфий ғазалларга муҳаммас боғлашга ҳам кўл уришган. Табиийки, натижада «қовунга қовоқни пайванд қилгандек» бўлган. «Илм ҳар қандай мураккаб нарсани соддалаштириб беради» деган қоидага мувофиқ, агар биз ўша ирфоний шеърларни муаллиф назарда тутган истилоҳлар билан тушунишни йўлга қўйсак, ўзимизни ҳам қийнамаймиз, ўзгаларни ҳам адаштирмаймиз. Мисол учун, биргина байтни шарҳ қилиб кўрайлик:

*Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб.*

Насрий баёни: Тунда ўша гулюзли ёр кулбамга шитоб билан кириб келди. Юриши тезлигидан гул юзидан терлар гулоб бўлиб қуйиларди.

Маълумки, Алишер Навоий уйланмай ўтган. Агар кечқурун Навоийнинг ҳузурига ҳамма ғафлатдалик пайтда у кишининг севган қизи келган бўлса, бу сир тутилиши керак. Агар биз байтни мана шу қабилда, бошқача қилиб айтганда, «замонавий» тушунадиган бўлсак, бу билан Навоийга хурматсизлик қилган бўламиз. Навоийдек буюк инсонни қўйинг, ҳар қандай ўзини хурмат қилган одам ҳам, бундай иш рўй берган бўлса, уни бошқалардан яшириши турган гап. Демак, Навоий бошқа нарсани кўзда тутган. Навоийнинг мақсадини тушуниш учун у кишининг истилоҳларини тушунишга уринамиз. Келинг, бу байтда ишлатилган сўзларни тасаввуфий истилоҳлар асосида шарҳ қилиб кўрайлик. Бу борада Муҳаммад Алий Таҳонавийнинг «Кашшаф истилаҳат ал-фунун», Абдулраззоқ Кошонийнинг «Истилаҳат ас-Суфийя», Доктор Рафиқ Ажамнинг «Мавсуъат мусталаҳат ат-тасаввуф ал-исламий» асарлари бизларга асос бўлади:

Кулба – солиқнинг қалби; (солиқ тариқат йўлини танлаган шахс)

Гулрух (гулюз) – шухуд олами, яъни Аллоҳ таолонинг зотини мушоҳада қилиш ҳолати.

Гул уза хай (юздан оққан тер) – ғайбий илҳом.

Энди ушбу изоҳлар асосида байтнинг насрий баёнини кўрайлик: «Ҳамма ёқни жаҳолат зулмати қоплаб турган бир пайтда, қалбимда Аллоҳ таолонинг зотини мушоҳада қилиш ҳолати юз берди. Бу мушоҳада шу қадар тез рўй бердики, унинг тезлигидан менга ғайбий илҳомлар ҳосил бўлди».

Энди ўзингиз холис ўйлаб кўринг, Навоийга нисбатан аввалги уятли маънони ирода қилиш ақлга тўғрироқ келадими ёки мана бу ирфоний маъноларинми? Қайси бири воқеъликка ва мантиққа тўғри келади?

*Навоий аҳли жунун зумрасиға кирди, Илоҳий,  
Чу айладинг ани Мажнун, Ўзингни қил анга Лайло.*

\* \* \*

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас,  
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.*

\* \* \*

*Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ,  
– деган инсонга қайси маъно муносиброқ?!  
Яна бир мисол. «Ҳазойинул-маъоний»нинг биринчи ғазалида Навоий шундай дейди:*

*Ғайр нақшидин кўнгил жомиди бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.*

Бу байт анчагина равшан.

Ғайр – Аллоҳдан ўзга барча нарса.

Кўнгил жомиди – қалб ойинаси, унда Аллоҳ таолонинг нури тажаллий қилади.

Ғам – монёлик, тўсиқ.

Соқий – муршиди комил, инсонларга руҳий тарбия берувчи устоз.

Майи ваҳдат – тавҳид завқи.

Энди байтни мазкур истилоҳлар асосида насрий баён қилиб кўрамиз: «Эй муршид! Қалб ойинасида унга Аллоҳ таоло томонидан етадиган нурнинг акс этишини тўсадиган занг, яъни Аллоҳдан бошқа бирор нарсанинг нақши – таъсири бўлса, тавҳид завқичалик уни аритувчи, тозаловчи нарса – «ғамзудо» топилмайди».

«Тавҳид» деганда қалб тубидан Аллоҳ таолони барча жиҳатдан ягона, мутлақ танҳо деб эътиқод қилиш, фақат Аллоҳни риоя қилиш, фақат уни ўйлаш назарда тутилади.

Шунингдек, «ваҳдат майи» деганда тавҳид калимасини ҳам тушуниш мумкин. Ҳазрат Навоий унинг айтган сўзларини мақсаддан бурадиган, нотўғри талқин қиладиган кишилар ҳам унинг асарларини ўқиб, ташвиқ қилишлари мумкинлигини сезгани учун девонининг энг биринчи ғазалидаёқ бу нуқтага алоҳида танбеҳ бериб кўйган. «Ашрақат» деб бошланувчи ушбу ғазалида яна шундай байт бор:

*Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафъ этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.*

Маъноси: «Эй тасаввуф аҳлининг истилоҳларидан беҳабар зоҳирпараст! Сен ўйлаётган маст қилувчи, ақлни кетказувчи, инсонни хор қилувчи шароб ва ўша ҳаром нарса қўйиладиган идишдан бошқа ҳам шартли равишда «жом» ва «май» бор. Бу майхонани – орифларнинг ботиний олами вакилларини (ёки муршид хонақоси аҳлини) билмасдан инкор қилиб юрма!».

Хулоса қилиб айтганда, Навоийни тушуниш учун Навоий билган ва фойдаланган билимларни, яъни Қуръон, Суннат, шариат, тариқат, тасаввуф ва бошқа илмларни билиш, ўрганиш керак бўлади. Ўрганганда ҳам асл манбалардан ўрганиш даркор. Бунинг учун, албатта, ўша давр Исломи оламида илмий муомалада бўлган тилларни яхши ўзлаштириб, манбаларни бегоналарнинг таржима ёки тавсифлари асосида эмас, асл ҳолатида ўрганиш талаб қилинади. Бинобарин, навоийшунос бўлишни истаган киши аввало ислом олими, тасаввуф билимдони бўлиши, бу илмларни билибгина қўймай, уларни ўз ҳаётида татбиқ этиб, зикр қилинган даражаларни ўзида жорий қилган бўлиши лозим. Шундагина у Навоийни тўла тушунган, у кишининг шахсиятини тўғри англаган, сўзларини яхши ҳис қилган бўлади. Менимча, бугунги навоийшуносликнинг олдида турган энг катта муаммолардан бири шу бўлса, ажаб эмас.

Улуғ бобокалонимизнинг меросларини тўла ва тўғри тушуниш ҳамда шундай талқин қилиш, бу олтин меросни ҳақиқий, соф ҳолатда кейинги авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир.







## ГИРДОБ

Ҳикоя

Француз тилидан Абдумурод КҮЧИБОЕВ\* таржимаси



«Калтакланиб сувга улоқтирилган ва сув ютиб ўлган!». Мебел қопловчи уста Леопальд Ренар айнан мана шундай айблов билан маслаҳатчилар иштирокидаги суд жараёнида тергов қилинади. Унинг ёнгинасида асосий гувоҳлар – фалокат қурбонининг беваси Фламеш хоним, дурадгор уста – Луи Ладюро ва тунукасоз Жан Дюрдан ўтиришарди.

Айбланувчининг ёнида қоп-қора кийинган, кичкинагина мартишка маймунига ўхшаш хунуқкина хотини ҳам ўтирар, айбланувчи тергов саволларига жавоб берарди:

– Худонинг ўзи гувоҳ, бу бахтсизликдан биринчи навбатда мен жабр кўрдим, кўнглимда ҳеч қандай ғаразим йўқ эди. Барча далиллар менинг беғуноҳ эканлигимни тасдиқлаб турибди, жаноб раис. Мен виждонли, софдил, меҳнаткаш устаман, мана ўн олти йилдирки бир жойда, битта уйда яшаб келяпман, ҳамма мени танийди, ҳамма иззат-обрўйимни жойига қўяди. Бунининг барча қўшнилари ва ҳатто ҳовли қоровулимиз бўлиб ишлайдиган, сира ёлғон гапирмайдиган аёл ҳам тасдиқлаши мумкин. Мен ишлашни, ишлаб топган пулларимни жамғаришни яхши кўраман, софдил одамларни ва одоб доирасидаги кўнгилхушликларни ёқтираман. Тушуниб турибман, менинг айнан мана шундай одамлигим ўзимни жувонмарг қилиб турибди. Бу фалокатда менинг ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ эди, шундай экан, мен ўз шахсимга ҳамон ҳурмат билан қарашни давом эттираман. Мана беш йилдирки, мана шу ерда ўтирган умр йўлдошим билан ҳар якшанбани Паусси қирғоқларида ўтказамиз. Жилла қурса соф ҳаводан нафас оламиз, кейин балиқ овлашни ёқирамиз. Ҳа, яшириб нима қилдим, бу ишни биз жуда ёқирамиз. Бу ишга мени илоё ер ютгур хотиним Мели ўргатиб қўйди. Унинг ўзи ҳам балиқ ови деса, нақ

ақлдан озиб қолади, у мана шундай куйдиргилардан; фалокат ҳам ана шу балиқ ови туфайли содир бўлди, бунга ҳозир ўзингиз ҳам ишониб қоласиз, жаноб раис.

Тўғри, мен бақувват одамман, бироқ феъл-атворим жуда мулойим, юрагимда заррача бўлса-да бадхоҳлик йўқ. Бироқ хотиним! Э, нимасини айтай!? Кўринишидан кичкинагина, ориққина бўлсаям, аслида ғирт ярамас сассиққўзаннинг ўзгинаси! Инкор қилмайман, унинг савдо-сотик ишларида қўл келадиган яхши томонлари ҳам бор. Бироқ унинг феъл-атвори! Бу ҳақда қўшнилари билан, ё бўлмасам, ҳозиргина мени ёқлаб гапирган қоровул аёлдан сўраб кўринг. У хотиним ҳақида бор гапни тўкиб солади.

Хотиним ҳар куни мени «Мен бу ишни шундай қолдирмаган бўлардим!», «Мен фалон кишига фалон нархга кўнмаган бўлардим!» – дея эгзовлагани-эговлаган. Унинг гапларига кирсам, жаноб раис, ҳар ойда камида уч марта кимлар биландир муштлашим керак бўларди...

Айбланувчи шу ерга келганда унинг хотини гап қўшиб қўйди:

– Вайса-я! Ўзингча вайсайвер, қани кўрамыз, энг охирида ким куларкан!

Айбланувчи хотинига ўгирилиб қаради ва соддадиллик билан эътироз билдириди:

– Нима қилди, айбингни очаяпманми? Барибир сен жавобгар эмассан-ку...

Кейин у яна суд раисига қараб гапида давом этди:

– Демак, давом этаман. Шундай қилиб десангиз, ҳар шанба куни кечқурун тонг саҳар туриб балиқ овлаш учун Пуассига жўнардик. Тарки одат амри маҳол дейишади-ку. Бу йил ёзда балиқ ови учун ажойиб бир жой кашф қилганимга уч йил тўлади. Эҳ, унинг қандай жой эканлигини бир кўрсангиз эди! У дарахтлар сояси

### Абдумурод КҮЧИБОЕВ\*

1944 йилда Пойариқ туманида туғилган. СамДУнинг хорижий филология факультетини тамомлаган. Бугунги кунда у Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти сифатида талабаларга француз тили ва таржима сирларидан сабоқ бериб, ёш таржимонлар мактабининг француз тили бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Амин Мааллуфнинг «Самарқанд» романини, Проспер Мерименинг «Коломба» қиссасини, Н.Казанцақининг «Исо Масиҳнинг сўнги вазвасаси» романини француз тилидан ўзбекчага таржима қилган. Шунингдек, М.Осимнинг «Широқ», Ф.Ғулумнинг «Ўғригина болам», Ў.Умарбековнинг «Меҳмондорчиликда» сингари машҳур ҳикояларини, Азим Суюн қайирмалари ва Мусалламбону шеърларидан намуналарни француз тилига ўзгирган.

остидаги чуқурлиги саккиз, эҳтимол ўн футлар келади-ган ажойиб бир гирдоб эди. Бу балиқлар учун ҳақиқий дом, балиқчи учун эса ростакамига жаннат жой. Бу гирдобни, жаноб раис, мен ўзимнинг хусусий жойим деб ҳисоблардим. Чунки уни мен худди Христофор Колумб сингари ўзим кашф қилгандим. Одамлар ҳам «Бу жой Ренарнинг жойи», деб тан олишарди ва ҳеч ким бу борада баҳслашмас, ҳатто хафа бўлса ҳам айтай, чунки буни ҳамма билади, бегоналар ҳисобидан қорин тўйдиришни хуш кўрадиган жаноб Плюмо ҳам менинг гирдобимга яқинлашмасди. Шундай қилиб, мен ўз гирдобимдан мутлақо хотиржам эдим ва ҳар сафар у ерга унинг ҳақиқий эгаси сифатида келардим. Шанба куни кечкурун Пуассига етиб келишимиз биланоқ хотиним билан «Далила»га чиқиб оламиз. «Далила» бу менинг норвег услубидаги қайиғим: Мен уни Фурпездан буюртма орқали олганман, енгилгина ва мустаҳкамгина қайиқча. Демак, «Далила»га ўтирамузу гирдобга бориб балиқлар учун хўрак ташлашга жўнаймиз. Хўрак масаласида ҳеч ким мен билан тенглаша олмайди, менинг ошноларим ҳам буни жуда яхши билишади. Эҳтимол сиз ҳам бу хўрак нима эканлигига қизиқарсиз? Йўқ, буни сизга ҳам айта олмайман. Бу терговга тааллуқли эмас, мен ҳам айта олмайман, чунки бу сир. Эҳтимол икки юз киши, билки ундан ҳам кўпроқдир, бу хўракни қандай тайёрлашимни билишга қизиқиб кўрди. Қайси бири ичимликлар билан, кимлардир қовурилган балиқ билан сийлаб, сиримни билиб олишга уринишди. Нима мен аҳмоқманми, улар ҳам зоғора балиқларни осонгина тутиб олишаверсинми? Хўракни қандай тайёрлашимни билиб олишлари учун улар қандай хушомадгўйликлар қилмади дейсиз? Э, йўқ... Буни хотинимдан бошқа ҳеч ким билмайди... қолаверса у ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайди. Тўғрими, Мели?

– Ишга тааллуқли нарсаларни гапиринг! Четга чиқиб кетманг! – унинг гапини бўлди суд раиси.

– Бўпти, бўпти, – давом этди айбдор. – Демак, мана бундай, шанба, 8 июл куни биз соат беш-у йигирма бешда поездга чиқдик. Манзилга етиб келиб овқатланишдан олдин гирдобга хўрак ташлаб келишга жўнадик. Ўша кун ҳаво жуда яхши бўладигандек эди. Мен Мелига «Эртага ажойиб кун бўлади» дедим.

«Шундайга ўхшайди», жавоб берди у.

Одатда у билан ҳеч қачон кўп гаплашмаймиз. Кейин овқатланиш учун қайтдик. Мен жуда хурсанд эдим ва бироз ичишни кўнглим тусаб қолди. Ана шу сабил барчасига сабабчи бўлди, жаноб раис. Мен Мелига: «Қулоқ сол, бир шишагина бошқиздиргич ичиб олсам, ёмон бўлмасди-я», дедим. Бошқиздиргич деганим бу кучсиз оқ вино. Уни шундай аташимизга сабаб, ундан кўпроқ ичиб қўйсанг, умуман ухлашга қўймайди, ҳақиқий бошқиздиргич. Тушунайсизми, жаноб раис?

«Билганингни қил, фақат мазанг қочиб, эрталаб туролма қолма», деди хотиним. Нимаям дердим, у тўғри, ақлли, ўринли, кейинини ўйлаб фикр билдирди, буни тан оламан. Бироқ мен ичкиликдан ўзимни тийиб туролмадим ва шишадаги ҳамма винони ичиб қўйдим. Ва ҳаммаси шундан бошланди...

Демак, бундай, ётаман-у – бутунлай уйқум келмайди. Жин урсин! Узум шарбатидан тайёрланган бу бошқиздиргич кечаси соат иккиларгача оворамни чиқарди. Кейин гулдир-гурс ухлаб қолибман. Шундай қаттиқ ухлабманки, қиёмат куни Исрофил чаладиган сурнай товушини ҳам эшитмаган бўлардим.

Қисқаси, хотиним мени эрталаб соат олтида уйғотди. Жойимдан сакраб турдим, бир зумда иштоним-

ни, курткамни кийиб, совуқ сувда юзимни ювган бўлдим ва биз «Далила»га ўтирдик. Ўз гирдобим томонга сузиб борсак, у аллақачон эгалланган! Илгари ҳеч қачон бундай қилишмасди, жаноб раис, уч йил давомида ҳеч ким бундай қилмаганди! Бу мени шунчалик эсанкиратиб қўйдики, худди кўз олдимда бор-йўғимни ўғирлашгандек туюлди. «Бу қандай беъманилик!» – дедим ўзимча. Хотиним эса, дарров мени эговлашга тушди: «Мана сенга бошқиздиргич! Эҳ, пиёниста! Энди хурсандмисан, ҳайвон?» – деди у.

Мен баҳслашмадим, чунки ҳаммаси тўғри эди. Нима бўлса-да, жилла қурса қолган-қутган балиқлар билан қаноатланиш учун гирдобдан сал нарироқда қайиқни тўхтатдим. Эҳтимол, менинг жойимни эгаллаган анави муттаҳам бу ердан ҳеч нарса тута олмай, тез орада жуфтагини ростлаб қолар? Менинг жойимда оппоқ кийимли, катта похол шляпа кийган ориқ-тирриқ бир сурбет қармоқ ташлаб ўтирарди. Унинг ёнида бақалоқ хотини ҳам бўлиб, у орқа томонда тўр тўқиб ўтирарди.

– Бу нимаси, дарёда бу ердан бошқа жой йўқми? – илондек вишиллади бақалоқ хотин, биз уларнинг яқинига келиб тўхтаганимизни кўриб.

– Уят-андишали кишилар бировларнинг жойини эгаллашдан олдин бу ердаги тартиб-қоидаларни суриштиради, – деди меники аччиқланиб.

– Жим бўл, Мели, улар билан ишинг бўлмасин, бир гап бўлар, – дедим бу жойга эгалигим тарихини кавлаштиришни истамай.

Биз «Далила»ни тол остига олиб келиб, қирғоққа чиқдик ва Мели иккаламиз бояги икковининг ёнига ўтириб қармоқ ташладик. Бу ўринда жаноб раис, мен воқеани барча тафсилотлари билан айтиб беришимга тўғри келади.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмасданоқ қўшнимнинг қармоғи пўпаги бир силкинди, икки силкинди, уч силкинди ва у сувдан баҳайбат зоғора балиқни чиқариб олди. Шундай катта балиқки, нақ сонимдек келади. Эҳтимол сал кичикроқдир-у, лекин қарийб шунчалар бор. Бирдан юрагим орқага тортиб, пешонамдан тер чиқиб кетди. Мели эса «Кўрдингми, пиёниста!» – дея минғирлайди. Шу пайт танга балиқларнинг ашаддий ишқибози, Пуассидаги дўкондор жаноб Брю қайиғида рўпарамиздан ўтиб қолди. «Нима бало, сизнинг жойингизни эгаллашпими, жаноб Ренар?» – деб қичқирди у. «Ҳа, жаноб Брю, бу ердаги одатларни тан олишни истамайдиган мана шунақа андишасиз кишилар ҳам бор экан», – дедим унга жавобан.

Оқ кийимли тирриқ ўзини бу гапларни эшитмаганга олди. Унинг хотини ҳам ўзини шундай тутди. Хомсемиз, ҳақиқий сигир!

– Одобривок бўлинг, айбдор! Сиз бу ерда ўтирган бева Фламеш хонимни ҳақорат қиляпсиз, – деди суд раиси иккинчи марта унинг гапини бўлиб.

– Узр, кечиринг, менга жуда алам қилиб кетди, – давом этди айбдор. – Шундай қилиб десангиз, орадан чорак соат ўтмасданоқ оқ кийимли тирриқ яна битта зоғора балиқни сувдан тортиб олди. Ундан кейин яна биттасини, кейин беш дақиқа ўтмасдан, учинчисини...

Мен йиғлаб юборишга тайёр эдим. Бунинг устига хотиним қайнаб «Хўш, қалай анқов, кўряпсанми? Сенинг балиқларингни қандай ўғирлаётганини кўряпсанми? Сен эса қурбақани ҳам тутолмайсан, ҳа, ҳеч нарсани тутолмайсан. Менинг эса буни кўриб, қўлим қичишиб кетяпти!» – дея тўхтовсиз бигизляпти.

«Тушгача кутамиз, эҳтимол бу ярамас овқатлан-

гани кетар, шунда ўз жойимни эгаллаб оламан», – қарор қилдим ўзимча. Сизга айтишим жоизки, жаноб раис, ҳар якшанбада биз мана шу ерда овқатланамиз. Овқатни ўзимиз билан қайиқда олиб келамиз. Бироқ нима бўлди денг!? Туш бўлди ва бу муттаҳам газетага ўралган пиширилган товукни чиқарди, у овқатланаётган пайт қармоққа яна битта зогора балиқ илинди!

Биз ҳам Мели иккаламиз бироз татингандек бўлдик, бироқ томоғимиздан овқат ўтармиди! Кейин овқатни ҳазм қилиш учун газета ўқишга тутиндим. Якшанба кунлари дарё қирғоғида сояда ўтириб олиб «Жил Блас» газетасини ўқишни ёқтираман. Айниқса Коломбина деган аёл зўр ёзади, эҳтимол сиз ҳам уни танирсиз, жаноб раис. У «Жил Блас» учун мақолалар ёзади. Мен хотинимга Коломбина билан танишман деб жонига тегишни одат қилганман. Албатта мен уни танитайман ва ҳатто кўрган ҳам эмасман, бироқ бу муҳим эмас. Бу аёл жуда зўр ёзади ва аёл бўлса ҳам жуда дадил ёзади. У менинг кўнглимга ёқади, бундай аёллар жуда кам учраса керак. Хуллас, мен Коломбинани айтиб хотинимнинг жонига тега бошладим. Бироқ у дарров шундай қаҳрга миндики, асти кўяверасиз. Дарров жим бўла қолдим.

Тирриқ яна қармоқ ташлай бошлади. У ташлаган хўракли қармоқни балиқлар шунчалик чўкилай бошладик, буни кўриб бутун вужудим титрай бошлади. Унинг хотини бўлса «Бу ер ростдан ҳам зўр жой экан, энди ҳар сафар шу ерга келамиз, Дезире», – дейди денг.

Менинг елкаларим титраб кетди. Хотиним эса ҳамон «Сен эркак эмассан, йўқ, эркак эмас! Сенинг томирларингда жўжанинг қони оқаяпти» деб минғирлашдан қолмаяпти.

– Биласанми, яхшиси кетақолай, бўлмаса бирор бемаъни иш қилиб кўяман, – дедим унга.

У эса мени эговлагандан-эговладик, жонимни жабборга топшириб юборишга рози қилди: «Сен эркак эмассан! Қочмоқчимисан? Тайёргина жойингни унга ташлаб қочмоқчимисан? Қочақол, ландовур!»

Ҳис қилдимки, у менинг жон жойимдан олди. Бироқ ҳамон унга бўйин эггим келмасди.

Қарасам, тирриқ сувдан лешч балиғини тортиб оляпти! Оҳ! Мен ҳеч қачон бундайини кўрмаган эдим, ҳеч қачон!

Шу пайт хотиним ҳам ичида тўпланиб қолган барча аламларини овоз чиқариб вишиллаш бошлади:

– Мана ўғирлик балиқ қандай бўлади, кўрдингми?! Ахир, бу балиқларга хўрақни биров эмас, биз ташлагандик-ку! Жуда бўлмаса, бизга бу ерга ташлаган хўрақларимиз учун пул тўласин!

Ва шундан бошлаб ишнинг пачаваси чиқа бошладди. Кейин тирриқнинг бақалоқ хотини тилга кирди:

– Бу гапларингизни бизга гапирясизми, хоним?

– Мен балиқларимизни ўғирлаб тутаётганларга, бировларнинг ҳисобига текин томоқлик қилаётган ўғирларга гапиряпман.

– Ҳали биз сизнингча ўғирлик қиляпмизми?

Шундай қилиб ўзаро тушунтиришлар бошланди кетди, кейин тушунтиришлар ўткирроқ сўзлар билан алмашди. Жин урсин, бу аблаҳларнинг "луғат бойлиги" бунчалик катта-я! Улар шунчалик баланд овозда қичқира бошлашдики, нариги қирғоқда кузатиб турганлар кулгуга олиб: «Ҳой аёллар, секинроқ қичқиринглар, бўлмаса эрларингизнинг ҳамма балиқларини чўчитиб

юборасизлар!» деб бақаришди. Гап шундаки, мен ҳам, оқ кийимдаги тирриқ ҳам жойимизда тўнка мисол жим ўтирардик. Аввал қандай ўтирган бўлсак, шундай, худди ҳеч нарса эшитмаётгандек сувга тикилиб ўтирардик. Бироқ, жин урсин, барча гапларни аъло даражада эшитиб ўтирардик.

– Сиз ёлғончисиз!

– Сиз чўрисиз!

– Сиз фоҳишасиз!

– Сиз ифлос чўчкасиз!

Тинимсиз ҳақоратлар бошланди-кетди. Ҳатто энг моҳир денгизчи ҳам ҳақорат масаласида улардан ўта олмаган бўларди.

Бир пайт ортимдан аллақандай шарпа ўтгандек бўлди. Ўгирилиб қарасам, бақалоқ менинг хотинимга ташланиб, уни шамсиясининг дастаси билан дўппослаяпти. Мели иккита зарбани ейишга улгурди. Бироқ менинг Мелим ўлгудек ғазабнок, агар қутуриб кетса, ҳар қандай муштлашувдан тап тортмайди. У бақалоқнинг сочларига чанг солиб, худди дарахтдан олма қоқётгандек шапиллатиб унинг юзига тарсаки тушира бошлади.

Мен уларга ҳалақит бермасам дегандим, юлишаверишсин дегандим. Аёллар ўзаро юлишсалар, эркак аралашши шартми? Бировнинг ишига аралашиб нима қиламан? Бироқ тирриқ сакраб ўрнидан турди ва иблис мисол хотинимга чанг солмоқчи бўлди. «Э, йўқ, ошна, фақат буниси кетмайди!» – деб ўйладим ўзимча. Мен уни, тирриқжонни, қандай лозим бўлса, шундай кутиб олдим. Муштларим билан! Шарақ-шуруқ, бир марта бурнига, иккинчи сафар биқинига туширдим. У қўлларини, оёқларини силкитганича дарёга, айна сув ўрага кулаб тушди. Агар вақтим бўлганда эди, жаноб раис, мен уни албатта сувдан чиқариб олган бўлардим. Шу пайт худди атайлаб қилгандек бақалоқнинг қўли баланд келаётганлигини, бечора Мелимнинг аҳволи чатоқ бўлаётганлигини кўриб қолдим. Албатта тирриқ сув ютаётганида хотинимга ёрдамга шошилмаслигим лозим эди. Тўғриси, у чўкиб кетади деб хаёлимга ҳам келмаганди. «Майли, бироз салқинлаб олсин» деб ўйлагандим. Мен аёллар томон отилиб, уларни ажратишга киришдим. Бу жараёнда улар менга ҳам қўллари, тишлари, тирноқлари билан роса ишлов беришди, жин ургур ярамаслар.

Қисқаси, бу чақамуғларни бир-бирларидан ажратишга беш, эҳтимол ўн дақиқаларча вақтим кетди. Қайрилиб дарёга қарасам, сув сатҳи худди кўл мисоли, тинчгина. Нариги қирғоқдан эса одамлар «Уни сувдан чиқариб олинг! Сувдан чиқаринг!» деб қичқиряшяпти.

«Сувдан чиқариб олинг!» эмиш, бу айтишга осон, сузиш ҳам, шўнгиш ҳам менинг қўлимдан келмайди!

Ниҳоят орадан чорак соатлар ўтгач, дарғот тарафдан қоровул ва икки жаноб чангақлар билан чошиб келишди. Уни гумнинг энг тубидан қидириб топишди, гумнинг чуқурлиги аввал айтганимдек, саккиз футлар келарди. Оқ кийимли тирриқ ана шу чуқурликда ётган экан.

Мана, воқеа қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича, соф виждон билан айтиб бердим. Худо ҳаққи, бу ишда мен гуноҳкор эмасман.

Судга чақирилган гувоҳлар ҳам бу гапларни тасдиқлашди ва айбдор беғуноҳ деб топилди.



Алишер НАРЗУЛЛО



## Танидингми, мени о, хаёт

\*\*\*

Гуллаши мумкин оҳ, бодомлар,  
Тогларнинг бошида ҳали қор.  
Бир енгил шаббода эсади,  
Қайдадир бир кўнгил йиғлар зор...

Бодомлар гуллади ўнгурда  
Сен гамгин ўйларга ботибсан.  
Илонлар гимирлай бошлаган  
Заминда нега сен ётибсан?..

\*\*\*

Қопогон итмиди  
йўлимдан  
тўсатдан чиқди, о –  
ёқмади.  
Бир бурда нон тутсам  
на қиё...  
ҳаттоки,  
қайрилиб боқмади.  
Дедим:  
эй, ёнимда бори – шу...  
Билмадим,  
шўрлик гап уқмасми?  
индамай  
жим ўтиб кетсам гар  
олдимдан бошқа ит чиқмасми?..



\*\*\*

Кўзларим ичида қалқиди  
Дилимда кўзгалган унларим.  
Қаршимдан ўтяпти индамай  
Ҳам ширин, ҳам аччиқ кунларим.

Кун келиб эшикдан  
бир зарба,  
Танимни кўчага отмасми?..  
Дунёнинг ҳасрати  
баногоҳ  
Суякка пичоқдек ботмасми?..

\*\*\*

Кечир, дедим  
Сен: зинҳор, дединг,  
Қаргамоқни қилмадинг қанда...  
Оёгингга йиқилмоқ бўлдим  
Эслайсанми, ўксиб... ўшанда.  
Аммо,  
энди...  
Кўнгул озурда,  
яйрамоққа қолмаган ҳоли.  
Менга энди дўст ҳам керакмас,  
суянсам бас  
Бўлса... чумоли.



Алишер НАРЗУЛЛО

1967 йилда туғилган. Олий маълумотли. "Рангин олам", "Яшил дарахтлар", "Болаликнинг сўнги куни" сингари китоблар муаллифи. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## САҲРОДА

Шамоллар кезинар бегона  
Ёмгир савалайди қумларни.  
Жунжикиб санайман  
мен бу дам  
Ҳар лаҳза, ҳар соат...  
кунларни.  
Шамоллар қайтмайди ортига  
Бу дайри дунёда  
кенглик йўқ.  
Мен йўлга чиққанман  
биламан...  
Биламан  
ҳеч қачон тенглик йўқ...

\* \* \*

Бу гапларни шивирлаб ҳам  
айтсам  
сенга етарди,  
Аммо, дилдан томирлар  
узилиблар кетарди.  
Ичкаридан бир вулқон  
отилади, қарамас.  
Отилмаса бугун у,  
бир чақага ярамас...  
Кўзларимни юмаман  
руҳ уйғоқ –  
сўлмаганман.  
Нечун шивирлай ахир  
мен ҳали ўлмаганман...

\* \* \*

Нима эди бу талаш,  
ким эди у,  
айт, бебош?  
Пешонамга қарсиллаб  
теккан  
наҳот... эди тош?

Энди бир қадам нари  
юрсам мен юрак сари,  
кимдир шу дам атайин  
кетиб қолса тескари...  
Қон силқиган бошимни  
бошлайман  
хуш дамларга.  
Менинг гапим бор ахир  
ҳали бу одамларга...

\* \* \*

Парвойи палакми  
бу одам,  
– Борман, деб қўйишни  
Кўзламас...  
Ўзининг борлиги ҳақида  
шивирлаб бўлса-да  
сўзламас.  
Қушлар:  
– Бормиз, дея  
жар солар,  
бир тонгда  
ўрик ҳам гуллайди...  
Уйғонмаса агар шунда ҳам,  
Тангрим уни  
қандай қўллайди?..

\* \* \*

Чумчуқлар чуғурлар шохларда  
дон сепиб қўймабман  
негадир,  
Ёмгир, сўнг  
майдалаб ёғар қор  
аччиқ қилгандайин  
само кимгадир.  
Қоп-қора қарганинг  
хурпайган  
вужудин қор лекин  
қўммайди.

Бу оппоқ кенгликда  
неки бор,  
Негадир кетишга қўнмайди.  
Чумчуқлар шохларда  
вақтинча,  
Вақтинча  
дилларда бир хуруж...  
Атиги бир кунга чўзилар  
эълон қилинмаган  
бу уруш...

\* \* \*

Сенга қарай олмадим  
бу дам,  
Балки етар,  
бўлди, етгани...  
Аммо  
кимга мен аччиқ қилиб  
Чўгландим, о, у кун  
кетгани...  
Очдим, мана – юрак  
зорманда  
Ичкарига кирди  
дўст, ҳам ёт...  
Бир дунё гам-андуҳлар  
ичра  
Танидингми, мени о, ҳаёт...

\* \* \*

Юзларимга боқмагил энди  
Қилма энди зарра андиша.  
Мен ўзгариб кетганман буткул,  
Сен-чи, ҳамон фаршита – ўша...

Сен оловнинг ёлқинидансан  
Чиқишмайсан бу олам билан.  
Нега ахир яшайсан жим  
Нари борса бир одам билан.





Саъдулло ҚУРОНОВ



## ИФОДА ВА ИФОДАВИЙЛИК

\*\*\*

Ўзбек адабиётининг янги тамоиллари, хусусан, модернизм, постмодернизм каби йўналишлар мени доим қизиқтириб келган. Қизиқишларим кучайиб, шу мавзуда иш олиб борарканман, қўлғиналаримни ўқиб кўрган устозларимдан бири: “Сиз Фахриёрдан қўшимча равишда фазилат қидирмаяпсизми?” – деб қолди. Кўнглим хижил бўлди, мақолани таҳририятга олиб бориш иштиёқи бир қанча муддатга сўниб қолгани ўшанда.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, балки сизда ҳам бўлгандир. Бирор асар мутолаасига киришарканмиз, ундаги гўзалликлар ижодкорга эмас, ўзимизга тегишлидай туюлаверади. Гоҳида “Буни ҳатто ижодкорнинг ўзи ҳам англаб етмаган бўлса керак” – деб ғурурланганимиз ҳам бор. Шу тариқа аксарият ўқувчи ва мунаққидлар асардаги топилмани “ўзлаштиради” ёки бу гўзалликни зўрма-зўракисига чиқариб олинган деган хулосага келади.

Албатта, ҳар биримиз ўқувчи, айна вақтда кашфиётчи ҳам бўла оламиз. Чунки ижодкор ҳар доим ҳам асарига барча гўзалликларни кўришга қодир эмас. У ёзганларининг баъзи жиҳатларини ўзи ҳам билмаслиги, керак вақтда тушунтира олмаслиги мумкин. Худди шундай ўқувчи ҳам асардан айнан нимани олганини доим ҳам англай билмайди.

Биз юқорида бежизга “гўзаллик” сўзини ишлатмадик. Айтмоқчи бўлганимиз, “гўзаллик” асарнинг ифодавий-шаклий хусусиятига тааллуқли ҳодиса. Аммо “гўзаллик” ортида, албатта, кайфият мавжуд. Биз асарни ўқиб завқланамиз, ўзимизни кашфиётчидай ҳис қиламиз-у, асар ортидаги кайфиятни унутиб қўямиз. Қўйингки, ижодкор ўзидаги кайфиятни тафаккур этиб улгурмаган бўлсин, лекин кечинма уники-ку. Шундай экан, чинакам санъат асарларидан “кашф” этганларимиз ҳам бизники бўла оладими?

\*\*\*

Санъаткорнинг ижод жараёни тушга ўхшаб кетади. Туш эса жудаям мураккаб ҳодиса, мураккаблиги шундаки, унинг синоатларини онг билан англаб бўлмайди. Туш ҳаётда рўй бермайдиган, баъзан тасаввурга ҳам сиғиши даргумон бўлган нарсаларни кўрсатади. Биз ҳаётда ечимини тополмаган жумбоқлар, ёд олинмаган шеърлар, билмаган тиллар тушда “реал”лашиши мумкин... Тушда кечувчи ҳодисалар қачонлардир эшитилган, ҳис қилинган ва кўрилган нарсаларнинг инсон онги ва қалби тубида ётган акси эканлигини психолог олимлар кўп таъкидлашади. Сиз аслида эътибор қилмаган нарсалар ҳам қачонлардир сизнинг руҳингизга таъсир этган ва шу таъсирланиш онгингизнинг қайсидир пучмоқларида сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Ижодда ҳам худди тушдагидай ҳолат воқе бўлиб, бу жараёнда санъаткор ўз оламининг туб-тубида яшириниб ётган, ҳали ўзига ҳам нотаниш саналган гўзалликни беихтиёр дунёга келтира бошлайди. Аслида бу гўзаллик у ҳаётда кўрган, эшитган, ҳис қилганларининг парчаси – образ, унинг кайфияти, ҳис-туйғусини ифода этувчи восита холос. Шу маънода, яратилган асар ижодкор учун ҳам янгилик бўлиб, ундан аввало санъаткорнинг ўзи завқланади:

*Қор гулхани...  
Биғиллаб қайнаётган човғум...  
Бўғотларда ҳақкалаб юрган қиш...  
Қор чақмоғи...  
Этаги куйган изғирин...  
Қор бўрони...  
Ўйин тушаётган аёл...  
Чарх уриб... Чарх уриб...  
Чарх уриб...*

(Абдували Қутбиддин)

Саъдулло ҚУРОНОВ

1989 йил Андижон туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини тамомлаган (2006-2012 й.). Ҳозир “Шарқ юлдузи” журналида ишлаб келмоқда. Унинг “Ифода ва ифодавийлик” номли адабий-илмий мақолалар тўплами нашр этилган.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, шеърий парча кўпчиликнинг ҳаёлида абстракт, пароканда таассуротларни қалаштириб юборади. Лекин мен уларда муайян тартиб, ассоциатив боғлиқлик мавжуд деган бўлардим. Психологлар инсон характери баҳолашда бир методдан самарали фойдаланадилар. Бунга кўра, мутахассис бирор шакл ёхуд суратни кўрсатиб, сизда уйғонган илк фикрни сўрайди. Дейлик, сизга қошиқни кўрсатишди, сиз “ғурра” деган жавобни бердингиз. Аниқроғи сиз эмас, мен шундай деган бўлардим. Чунки болалигимда укамнинг бошимга пўлат қошиқ билан яхшилаб туширганини ҳечам унутолмайман. Айтмоқчимизки, асар таҳлилида ҳам, аввало, унинг ортидаги кайфиятни топиш зарур бўлади. Шундагина “қошиқ” ва “ғурра” уйғунлигидаги гўзалликни кўради киши.

Майли, кўп чалғимамайлик-да, ўзимизнинг шеърга қайтайлик. Сиздан шеърнинг бундан ўн беш йиллар олдин ёзилганига эътибор қилишингизни сўрайман. Чунки шеърни тушунишда у ёзилган давр, ижтимоий ҳаётни бирровга эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биз юқорида айтганимиз кайфият ҳам давр билан узвий боғлиқ ҳодисадир. Ўзбек модернизмнинг “қайнаган” вақти ўтган асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Бунга сабаб ижодкорларни бирлаштирган бир хил кайфият ва шу кайфиятни таъминлаб турган “ўтиш даври” эди. Мисол учун келтирганимиз Абдували Қутбиддиннинг “Тасаввур лаҳзалари” (асардан парча) шеъри, Фахриёрнинг “Мучал ёши”, “Ёзиқ” каби дostonлари, Баҳром Рўзимухаммад, Азиз Сайиднинг бир туркум шеърлари, Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдамнинг қисса ва ҳикоялари яқин ўтган тарихнинг бутун кайфиятини акслантиради.

Менимча, гап нима ҳақда бораётганини англаб улгурдингиз. Шеърий парчадаги ўзига хос ифода (“Қор гулхани”, “Қор чақмоғи”, “Этаги куйган изғирин”) унинг ортида турган субъект руҳияти мевасидир. Оламда фақат тартибсизликни кўраётган ижодкорнинг тушқун руҳи ғайришуурий тарзда ўзига монанд образларни дунёга келтирган бўлиши мумкин. Ёки бу маҳоратли шоирнинг ўқувчини-да ўз кайфиятига яқинлаштириш мақсадида қўллаган усулида. Шундай экан, ҳар бир образда анланган маъноларни қидиравермай, гоҳо унинг муайян ҳол тасвири эканлигига ҳам эътибор қилиш даркор. Аксинча, маъни қидирувчиларга “Тасаввур лаҳзалари” шеърини тўла ўқиб чиқишни маслаҳат бераман...

Темирни қизиғида бос деганларидай, гап келганда айтиб кўйсам. Баъзиларнинг ҳалигача ўзбек модернизми ҳақида эшитганларида энсалари қотади. Аслида ўша давр ижтимоий-маданий ҳаётида билиб-билмай модернизм термини остида бирлашган ижодкорлар 90-йиллар адабий авлодини шакллантириб улгурган эди.

\* \* \*

Келинг, бундай жиддий мавзуларга кўпам тўхталмай, мақола аввалида бошлаганимиз, ифодавий хусусиятларга қайтамиз. Юқорида шеърий парча мисолида образнинг худди тушдагидай қуйилиб келиши мумкинлигини айтиб ўтдик. Демак, бадий образ ҳар доим ҳам тафаккур маҳсули эмас, у баъзан кайфиятга

монанд, ғайри оддий ҳолатда туғилади. Буларни тушуниш учун ўтган аср аввалида фалсафа ва психологияда вужудга келган қарашларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя.

Биз илмий асарларда интуиция терминини кўп учратганмиз. Бу инсон тафаккуридан ташқарида содир бўлувчи идрок, яъни ички бир туйғу ёрдамида сезиш, англаш дегани. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб файласуфларнинг бу борадаги қарашлари фанга интуитизм терминини олиб киради. Фалсафадаги бу йўналишнинг асосчиларидан бири франсиялик А. Бергсон интуитизмни объект ва субъектнинг бевосита қўшилиб кетиши, улар орасидаги зиддиятнинг бартараф этилиши дея талқин қилиб, уни мантиқий фикр ва тафаккурга қарши қўяди. XX аср санъатида чуқур из қолдирган модернизмнинг ғоявий-психологик асосчилари Зигмунд Фрейд ва Карл Юнг каби файласуфларнинг қарашлари ҳам бевосита интуиция билан алоқадор.

Инсоннинг ҳаёлот олами чексиз, айниқса, санъаткор бу борада оддий одамларга қараганда бир неча бор устун туради. Лекин санъаткор (инсон) борлиқни билиш мобайнида ҳар доим ҳам кўрганларини тафаккурида англашга ҳаракат қилавермайди, баъзан у “кўрган”ларини қалби билан ҳис этиб қўя қолади ва руҳда шу ҳиснинг ўзигина сақланади. Биз билиш эҳтиёжида олам билан муносабат ўрнатарканмиз, ҳар биримизда табиатнинг муайян бир жабҳасини кўпроқ кузатишга, ҳис эта олишга мойиллик, қобилият борлигини кўпам сезмаймиз. Айни дамда кузатишимиз жараёнида туйган таъсирнинг шу мойиллик натижаси ўлароқ юзага келаётганига аҳамият бериб ўтирмаймиз. Худди шундай санъаткор ифода этаётган ҳодисалар ҳам таъкидлаб ўтганимиз мойиллик билан узвий боғлиқ.

Фанда шунга ўхшаш ҳолатлар билан синестезия илми шуғулланади. Синестезия ҳиссий аъзоларнинг бир вақтда фаолият олиб бориши, олинган ҳиснинг қоришиб кетиши демақдир. Яъни кўз воситасида олинган информация – таъсир, нерв системасида бошқа бир сезги органини ҳаракатлантириб юбориши мумкин. Америкалик олим Мелиссой Саэнс ўз илмий фаолиятида баъзи одамларнинг кучли эшитиш қобилияти, кўз билан кузатилаётган ҳаракатда муайян товушларни эшитиш имкониятини бера олишини асослаб беради. Яъни синестетлар рангнинг ҳидини ёки товушларнинг таъминини сеза оладилар. Олимларнинг таъкидлашича бир ҳиснинг ассоциатив ҳолда бошқа бир ҳисни уйғотишига ранг, сўз, ҳид, товуш ва таъм восита бўлиб, синестет кишилар санаб ўтганларимизнинг қайси биридан сезгирроқ бўлса, у табиатдаги ҳодисаларда шуни туйиб юради. Умуман, синестезия озми-кўпми ҳар бир инсонда мавжуд. Кўпчилигимиз тўқ сариқ рангда иссиқни, тўқ кўк рангда совуқни ҳис қиламиз. Баъзан сўз ҳам одамда шундай ҳисларни уйғотиши мумкин.

Албатта, синестезия ҳодисаси бадий образ яралишидаги мураккабликлар билан ҳам узвий боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ҳозирги замон санъатшунослигида бадий синтез масаласини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Яъни ижодкор асар яратаркан, ўз қобилиятига монанд синкретик образларни дунёга келтириши ҳам мумкин. Дейлик, мусаввир ижод қиларкан, ўз асарига поэзияни сингдиради, шоир эса ифодада

тасвирийликка ва мусикийликка берилади. Умуман, бу мураккабликда баъзан ижодкор кўнгли ҳали ўзи билмаган, англаб етмаган, аммо ҳис қилиб улгурган олам ҳодисаларига тортиб кетади:

*Қўғирчоқ муштининг сояси  
халал бермасмикан  
тундан ажралиб чиқяпкан тонгга  
садафи ҳам тушиб қолибди  
мана ялтироқ шабнам  
типратикан жимлик шаклида эди  
устига олма куламасидан аввал  
мана игналик шовқин  
яна кўп нарсани айтиш мумкин  
хулласи калом*

**(Баҳром Рўзимухаммад)**

Шеърни ўқиркансиз, узуқ-юлуқ, сиртдан қараганда бир-бирига боғлиқ бўлмаган метафоралар кетма-кетлигини кўра бошлайсиз. Аммо шеърни тушунишда ҳам унинг ёзилиш тамойилларидан келиб чиқилса, яъни тасаввурга эрк берилса, “тартибсизлик”даги муайян ассоциатив боғлиқлик кўрина бошлайди: бу образларни бирлаштириб турувчи умумий восита – тонг отиш вақти, ёруғлик ва соя қаршилиги, шабнамнинг садафга қиёсланиши, типратиканнинг ғужанак ҳолати унинг ухлаётганидан, тинчликдан хабар бериши, олманинг типратикан “игна”лари устига тушиб “овоз”, “игналик шовқин” чиқариши ва ҳ.к. Лекин буларнинг бари англамаган ижодий жараён маҳсули сифатида намоён бўлмоқда.

\* \* \*

Сиз ҳозирги тасвирий санъатдаги жараёнларни кузатиб борасизми? Агар кузатсангиз, мусаввир-устанинг рамкаларга солиб қўйилган турли мато ва фигураларига, ҳар хил шаклдаги “лаш-луш”ларнинг уюми, хуллас, ақл бовар қилмайдиган ўзига хос “нимарса”ларга эътибор қаратганмисиз? Албатта, булар ҳам ўз муаллифлари таъкид этаётганидай САНЪАТ асари. Демак, улар ҳам образли ҳодиса. Аммо бу образлиликни ҳам биз ҳар доим бадиийликни тушунишда таяниб келаётган нуқтаи назар билан ҳис этиб, тушуниб бўлармикан?.. Худди тасвирий санъатдаги каби бадиий адабиётда кечаётган ўзига хосликларни-чи?

Бадиий образ – санъаткор ҳиссий олами билан йўғрилган ташбеҳ. Демак, унинг бирламчи вазифаси инсонга ҳиссий (эстетик) таъсир ўтказиш. Бадиий образнинг яралиши муайян бир таъсирланишнинг сабаби ўлароқ юзага келиб, бу таъсирланиш оламни билиш эҳтиёжидеги санъаткор(инсон)нинг кузатувлари мобайнида юзага келади. Санъаткор оламнинг маълум бир жабҳасини образли ифода этишга киришаркан, бу жараён замирида метафора (ўхшатиш) ётади. Шундай экан, образ оламга (ёки унинг бир бўлаги санъаткорга) хос бирор жиҳатнинг бадиий шаклидир.

Табиатдан олинган таъсир маълум маънода бу дунёдан, аниқроғи, моддиятдан ташқарида туради. Агар шу таъсирланишни ифода этишига эҳтиёж туғилса, яратилажак образ ана шу тебранишни акс эттириши шарт. Одатда ҳар бир метафоранинг объектив ёки субъектив ибтидоси кўриниб туради. Аммо санъаткор ўзи ва бутун борлиқ моҳиятида шундай бир ҳисларни туйиши мумкинки, бу ҳисни биз айтаётган, асосида метафора ётувчи образлилик билан ифодалаш жуда мушкул. Чунки, санъаткор объектив олам манзаралари билан ўз кечинмалари ўртасида ҳеч қандай ўхшашликни тополмай қолиши ҳам мумкин. Шунда у кечинмаларини ўз тасаввуридеги, ижодий жараён маҳсули ўлароқ яратган олам моҳияти кўринишлари асосида ифодалашга уринади. Айни дамда юзага келган образлилик ҳам ўзида метафориклик хусусиятини сақлаб қолган бўлса-да, ўхшатишга асос бўлган ва ўхшатилаётган нарса фақат субъектнинг ўзига тегишли ҳодисага айланиб қолади. Бундай образлиликда метафоранинг ифодавийликдаги аҳамияти ўзгариб, табиатдан олинган таъсир ва ҳиснинг ўз “кўриниш”и асосий планга чиқарилади. Шунда ўрганганимиз гўзал ташбеҳлар унутилиб, шеърдаги эмоция ҳам бир мунча сўниши мумкин. Аммо ифодавийликнинг таъсир кўлами ва ҳайратга солувчи қудрати ортиб кетади:

*(Тўртбурчак ва шип-шийдам) боғларга  
қайтади баҳор  
(учта бурчаги) билан.*

**(Фахриёр)**

Фахриёр шеъриятдан келтирганимиз кичик парча юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаб турибди. Хувиллаган боғни тўрт бурчакка, баҳорни эса уч бурчакка қиёслаш, албатта, ўзига хос метафора. Аслида бу мақола аввалида қошиқ ва ғуррани ташбеҳ қилганимиздай гап. Уни тушунишда боғнинг тўрт бурчак хусусиятларини эмас, балки шу образ яралгунига қадар боғ уйғотиши мумкин бўлган бошқа шакл – таъсирни ва уларнинг якуний шакл билан ассоциатив боғлиқликларини қидирган маъқул. Айтиб ўтганимиз тасвирий санъатдаги ифодани ҳам, келтирилган шеърий мисоллардаги бадиийликни ҳам образ яралишидаги мана шу силсилалар асносида тушуниш керак деб ўйлаймиз. Ва яна таъкидлаймиз, образли тафаккурнинг бундай жиҳатлари англонадиган ижодий жараёнга хос бўлиши жуда ҳам қийин.

Ижодий жараён – мураккаб ҳодиса. Шу билан бирга унинг натижаси ҳам англаб бўлмас даражада сирли. Бу сирлиликда баъзан санъаткорнинг ўзи учун ҳам янги, унга ҳам “нотаниш”, “ўзим ҳам билмайман” дейишга мажбур ётувчи жиҳатлар талайгина топилади. Аммо биз ифодавийликда кашф этган гўзалликлар, истаимизми-йўқми санъаткорга тегишли. Чунки биз бадиий олам билан билвосита, яъни ижодкор кўнгли орқалигина алоқа ўрнатамиз.







## Кетаяпти кўнгил тўлғониб

\* \* \*

Тўкиламан...  
Сўнги хазондай  
Ул заъфарон борлиги билан ...  
Тўкиламан...  
Ғариб дунёнинг  
Ғўрлигию торлиги билан...  
Тўкиламан...  
Ўксик кўнгилининг  
Юксаклиги – тоғлиги билан...  
Тўкиламан...  
Тутиб қол мени,  
матонату борлигинг билан...  
Йўқса,  
Тўкиламан...

### ДУНЁ БУ

Мен унга гуллар берсам,  
Гуллар тутган дунё бу.  
Муҳаббат деб талтинсам,  
Фироқ тутган дунё бу.  
Лойга чаплаб юракни,  
Воҳ, тупроққа қориди.  
Онам айтган эртақнинг,  
Ботирлари қариди.

\* \* \*

Мен чўққиман,  
Энг баланд чўққи,  
Ҳеч бошидан  
Кетмас қорлари.  
Кўзим тушмас  
Бир олам йўқки,  
Бор оламни  
Ўзга чорладим.  
Мен чўққиман,  
Қора булутлар  
Атрофимда гирдиқапалак.  
Мен чўққиман,  
Қуёш гул тутар,  
Балки шундан  
Рухим сарбаланд.  
Мен чўққиман,  
Оёқларимда  
Не-не мардлар  
Ожиз жон берган.  
Вулқонларим,  
Титроқларимда  
Мусаффолик, поклик  
Уфурган.  
Мен чўққиман,  
Тинмас кўз ёши,

Олам билмас  
Фигонларим бор.  
Елкаларим –  
Қушлар ошёни,  
Қалбим меҳр,  
Жисмим пурвиқор.  
Мен чўққиман ...

### КЕТАЯПМАН ...

Кетаяпман ...  
Тамом бегона  
Охуларнинг ўт маконига.  
Кетаяпти кўнгил тўлғона.  
Кетаяпман,  
Сўқмоқ оралаб.  
Аро йўлда қоврилади жон,  
Бораяпман тоғлаб, даралаб.  
Кетаяпман,  
Қадимий горга,  
Унда қолган хотирлар унут.  
Унда хаёл осилган дорга.  
Кетаяпман,  
Қуёш, нур излаб  
Зулматлардан қочиб, тисланиб,  
Аламларим қолдилар бўзлаб.  
Кетаяпман....



Ирода УМАРОВА



## Толсаи субҳидамининг ёноқларидан

### ОТА УЙ

Мўъжаз ҳовли,  
Каттагина бог,  
Дарвозаси ҳеч турмайди берк.  
Бунда кезиб юрар бош-адоғ  
Тог ҳавосин кийиб олган Эрк.  
Бунда кесмас қуёш қўлини  
Кўча бўйлаб чўзилган девор.  
Бунда турмас юрак зўриқиб,  
Овоз чиқар яйраб, жарангдор.  
Тепсанг, қўшининг қилмас безовта,  
Пешонаси тош остоналар.  
Сомонсувоқ баданларига  
Беҳи ҳидин сепган хоналар.  
Учта сандиқ, бир эски танча –  
Шудир холос бисот дегулик.  
Дабдаба ва буюм ўрнига  
Ўрнатилган меҳр, тотувлик.  
Ота ҳовлим,  
Томинг четида  
Айронкади осилган бутоқ –  
Кучогингда тургани учун  
Мендан кўра бахтли,  
Бахтлироқ!..

### ТИЛАК

Кўкнинг товонига санчилар чўққи,  
Қаранг, ярасидан оқмоқда шафақ.  
Бир кунлик умрининг раҳмати ҳаққи,  
Капалак сўнги бор кўтарар қадаҳ.



Қумушранг тераклар фавворасида  
Оймомо нозланиб ювар экан жом –  
Туйгулар чирпинар дил қафасида,  
Бир гўзал, бир ширин туюлар оқшом.

Хайрли тун... ёнар юлдузлар тани,  
Хайрли тун... титраб-титраб йиғлар шам.  
Тилагим: ҳар саҳар бандаларини  
Яхши одам қилиб уйғотсин Эгам.

\* \* \*

Сенга қўл силтадим, мунаввар очун,  
Қуёшинг кўнглимга оқмайди сирқиб.  
Кимнидир ўйлашим, йиғлашим учун  
Умримни тунларга бераман қирқиб.

Юлдуз бисотида тугагунча зар,  
Қўяман кўзимни осмонга ташлаб.  
Ой яқин келади юрагим қадар,  
Лабимга бир томчи кулгу бағишлаб.

Қалбимга бостириб атиргулдан из,  
Согиниб яшашидек ҳаёт меники.  
Қутганим келар ва йиғлар чўкиб тиз:  
Бу чиройли согинч... наҳот меники?!

Ўшанда елкамдан қўлин олар тун,  
Ва қайтиб келади тонгги кулгулар.  
Маҳзун тақдиримга кўниб топган шу  
Бахтимга кўзингиз тегмасин, гуллар!..

Ирода УМАРОВА

1987 йилда, Жиззах вилояти, Фориш тумани, Гараша қишлоғида таваллуд топган.  
Айни пайтда Тошкентда истиқомат қилади.



## Муҳаббат дилимининг бебаҳо мулки



### КҮНГИЛ УЧУН СЕВМАНГИЗ

Шунчаки илтифот мен учун ётдир,  
Шунчаки севмоқлик шоирга гуноҳ.  
Йўқса томирларим куйиб кетар-ку,  
Юрак тоқчасига тахланади оҳ.

Муҳаббат дилимининг бебаҳо мулки,  
Шунчаки ўзгага ишонолмайман.  
Шунчаки туйғудан дилда изтироб,  
Нетай, туйғулардан ҳеч тонолмайман.

Дерлар: “Кўнгил учун ўлмоқлик керак”,  
Майли, азизим, бир кўрсатинг шафқат.  
Лекин юрагингиз қўйинг майлига  
Кўнгил учунгина севмангиз фақат.



### ШОИРНИНГ ЮРАГИ

Баъзан тушунмайди одамзод ўзин,  
Қанча танқидларни кўтарар филдек.  
Баъзан фигонини чиқарар бир сўз,  
Жон ипи омонат тортилар қилдек.

Эҳ, кўнгил торлари бунчалар нозик,  
Шоирнинг юраги гулдан-да латиф.



Ҳақиқатни унга айтаверинг тик,  
Тополсангиз агар юмшоқроқ таъриф.

### ЁР ҚАДРИ

Қидирамиз бир инжа сатр,  
Янги ташибеҳ туюлар нурли.  
Топганимиз топмайди қадр,  
Йироқдаги туюлар сирли.

Янги кийса шодланар киши,  
Дилга таскин янги иморат.  
Ҳар нарсанинг янгиси яхши,  
Ёрнинг эса... эскиси фақат.

### КҮНГИЛ НАҚШИ

Сўз ижро-ла кўрсатар самар,  
Ваъда қарздир, қайтармоқ даркор.  
Юракларда тугилмасин жар  
Субутсизлик эркак учун ор.

«Бир сўзликни изланг эртакдан»,  
Демангиз, лафз – кўнгиллар нақши.  
Минг ваъдабоз, лафзсиз эркакдан,  
Сўзда собит бир аёл яхши.

### Фарида ҲУСАИНОВА

1959 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Қўқон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. "Сумбулгинам", "Порлаётган шуъла" номли китоблари чоп этилган. Ҳозирда Қўқон Давлат педагогика институти ўқитувчиси.



Устуклол фарзандлари  
Устуклол фарзандлари  
Устуклол фарзандлари

Элмурод НИШОНОВ



# МУДОМ ЮКСАЛГАЙДИР ПАРВОЗЛАРИМИЗ

**ФИФА рефериси Равшан ЭРМАТОВнинг футболчилик фаолиятини қандай тугатгани ва ҳакамликка қандай қадам қўйгани ҳақида лавҳа**

– Ука, инсон иродали бўлиши керак, – дейди шифокор ёш йигитнинг юзига тушқунлик ина бошлаганини кўргач. – Сен ҳаётингни энди бошляяпсан. Футбол ўйнамаслик фожиа эмас, насиб этса, футболдан ҳам бошқа бирор соҳани танлаб, кўп муваффақиятларга эришасан ҳали. Мана, кўрасан...

Ўшанда у йигирмага ҳам тўлмаган йигитча эди.

Бу ёшда кишининг орзулари осмон бўлади. Ҳеч ким бу орзуларининг келгусида орзулигича қолиб кетишига ишонмайди, нимага интилаётган бўлсам, етишаман, деб ўйлайди. Умид – одамнинг энг дилбар йўлдоши. Аллоҳ ато этган улғу неъмат. Болалигидан зўр футболчи бўлиши мумкин, дея истеъдоди юксак баҳоланган, ўзи ҳавас қилган Биродар Абдурайимов, Миржалол Қосимов, Игор Шквирин каби футболчи бўламан, деб ният қилиб юрган ўспирин фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ оғир жароҳат олишини, оқибатда футболчилик фаолиятини яқунлашини билганида нима бўларди?.. Ҳолбуки, Яратган унинг дилидан умидни олмади, ғайрат-шижоатдан қисмади, меҳнатсевар қилди...

Кутилмаган жароҳат (болалигида шикастланиб, сўнг тuzалган оёғи футболчилик даврида яна жароҳатланади) унинг келгуси фаолиятига таъсир этди. Бу – ўн тўққиз яшар йигитча учун оғир зарба бўлди. Ахир, қанча орзу-умидлари бор эди унинг. Жаҳон чемпиони бўлмоқчи эди. Наҳот, у юксак орзулардан воз кечса! Наҳотки, умид оловини биргина совуқ сўз сўндиради? Бу шунчалик осонми?

– Йўқ, – дейди у ўзига-ўзи қатъий. – Йўқ! Мен таслим бўлмаслигим керак...

Каравотда ётар экан, деразадан қуёшнинг заррин нурлари кириб, хонасини нурафшон этаётганини кўради.



«Кечаси билан ухламабман-а, – ҳаёлидан ўтказади у, – тонг ҳам отибди, офтоб чиқибди. Мен бўлсам... Мижжа қоқмабман...»

Синиқ жилмаяди. Бироқ бу жилмайишда аллақандай умид ва яхши ниятнинг билинар-билинемас учқуни бор эди.

– Бугун бу оддий дардга енгилсам, мағлубиятларга кўникувчан бўлиб қолмайманми? – дея ўзига-ўзи пичирлайди у. Шу онда хонасига кимдир оҳиста қадам ташлаб келаётганини сезади.

«Ойим, – дейди кўнгли бебаҳо бир ҳароратни туйиб. – Ойижоним! Адам икковларини кўп қийнаб юбордим-да. Кеча-кундуз парвона, жим ётишимни кўриб, ухлади деб ўйлаган бўлсалар керак... Меҳрибонларим...»

У тун бўйи мириқиб ухлаган қилиб кўрсатиш учун ўзини дадил тутишга уринади.

– Яхши дам олдингми, болам?

– Зўр, ойижон, ўзингиз-чи...

**Элмурод НИШОНОВ**

1986 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетини тамомлаган. (2005-2009)  
Ҳозирги кунда "Туркистон" газетасида хизмат қилмоқда.

Аниса ая ўғлининг кўзларига термилади:  
– Бугун ҳам ухламабсан-да, Равшан?..

*Фасл танламаймиз. Ҳаммаси баҳор,  
Қовжирайди фақат ёлгон-яшиқлар.  
Биз абадий некбин. Мангу умидвор.  
Биз – кўнгли совишни билмас ошиқлар.*

*Қишлар ва баҳорлар, ёзлар ва кузлар,  
Биз учун баробар янграқ торлардир.  
Ерга ёға олмай ёнган юлдузлар  
Бизлар қаловини топган қорлардир.*

*Тоғдек тоқатлардан мўмиёдек сирқиб,  
Дўстларга аталган дил розларимиз.  
Қанотимиз пўлат. Ҳеч бўлмас қирқиб.  
Жаранглаб туради парвозларимиз.*

**(Матназар Абдулҳаким, «Ирода»)**

2000 йилнинг қиши. Футбол жамоалари янги мавсумга тайёргарлик кўриш асносида турли мусобақаларда, ўртоқлик учрашувларида иштирок этишар, ўз олдига улкан мақсадлар қўйган 23 яшар бир йигит ҳам навбатдаги мавсумга ҳозирлик кўрарди. Шу орада уни Қашқадарёда футбол бўйича вилоят ҳокими кубоги мусобақасида ҳакамлик қилиш учун чақириб қолишди. Мамлакат чемпионати олий лигасида қанот ҳаками, иккинчи лигада эса бош ҳакам сифатида фаолият олиб бораётган ёш йигит учун бу ажойиб чорлов эди. Омади кулиб, финал учрашувини бошқариш унга ишониб топширилади.

Ўйин қизғин кечаётган бир паллада, вилоятда меҳмон бўлиб турган, ушбу учрашувни бевосита стадионда кузатаётган таниқли мураббий, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини 1994 йилги Осиё ўйинлари ғолиблик шохсупасига олиб чиққан Рустам Акрамов ёнидаги шерикларидан «Бу йигит ким?» деб сўрайди майдондаги ҳакамга имо қилиб. Машҳур футбол мутахассисининг бу янглиғ эътибор бериши, алоҳида қизиқиши учун жиддий сабаб бўлиши керак эди.

– Ёш судьяларимиздан, Равшан Эрматов... Ҳали жуда ёш-да, – дейди бир киши ўзлари ташкил этган мусобақада ҳакамлик қилаётган йигитнинг хатти-ҳаракатларини гўё «оқлаётгандек» оҳангда. – Рустам ака, нима, у қандайдир... хато қилиб қўйдими-а?

– Қаерда ҳакамлик қилади? – ҳамон ўша алфозда сўрайди Рустам Акрамов.

– Иккинчи лигада.

– Бундай савия билан у «олий»да ишлаши керак...

– Ёшлигимда жароҳат олиб, олти ой даволанишимга қарамай, футболчилик фаолиятимни яқунлашга мажбур бўлганман. Бундан қаттиқ қайғурганман, – дейди жароҳат олган йиллари, сўнг яна катта футболга қайтган дамлари ҳақида Равшан Эрматов. – Ана шундай кунларимда менга оилам суянч бўлди. Агар яқин инсонларим, отам, онам, опаларим, жиянларим бўлишмаганда, ўзим севган соҳадан бутунлай кетишим мумкин эди...

У ҳикоя қилар экан, бирорта сўзини қолдирмасдан дафтаримга ёза бошлайман. Мана, у болалик йиллари, футболчи бўлиш орзуси, унинг амалга ошмагани, ҳакамликдаги илк қадами ҳақида гапираяпти. Қўлим бу сўзларни қоғозга тушираяпти, аммо хаёлимнинг бир чеккасида бошқа бир манзара: тўп тепаётган болалар, «Ошир! Қани, бўл, те!» дея шовқин солиб, қийқиришиб футбол ўйнаётган ўспиринлар, майдоннинг бир чеккасида ўтирганча, уларга ҳавас билан боқаётган ўн тўққиз яшар йигитча. Ана, атиги бир неча кун олдин ўзи билан бир жамоада тўп сурган дўсти. Бугун ҳам майдонда жон-жаҳди билан ўйнапти. Бу эса... Лаблари куламан дейди-ю, кўзлари жиққа ёш... У энди футболчи бўлолмайди...

– Мен учун ҳаммаси тугагандек эди, – дея давом этади Равшан Эрматов. – Ҳатто ўша кунлари футболдан бутунлай воз кечиш ҳақида ўйлай бошлаганман. Умидсизликдан ёмони бўлмас экан. Биласизми, шундай вазиятларда ҳаммасига қўл силтайдиганлар ҳам бўлади. Баъзи тўсиқларни, омадсизликларни «орзулар чегараси» деб биладиган, интилишдан тўхтайдиган ёшларни кўрганман. Мен ҳам шулардек бўлишим мумкин эди...

Ўғлининг қалбида нималар кечаётгани Аниса ая билан Сайфиддин акага маълум эди. Жигарбандини бу қоронғу дамлардан олиб чиқиш учун улар энг яхши чорани қўллайдилар. Юзлаб болалар ва ўсмирларни тарбиялаган тажрибали мураббий, моҳир педагог Сайфиддин Эрматов ўғлини мураббийлик курсларига қатнашга кўндиради.

– Мураббийлик аввалига зерикарли кўринди, – деганча кулиб эслайди рефери. – Яқиндагина ўзим майдонда югуриб юрардим. Бугун болаларни шуғуллантириш... Дам олиш кунлари Тошкентдаги «Чигатой» стадионида ўсмирлар ўртасида шаҳар биринчилиги ўтказиларди. Отам мураббий, мен у кишига ёрдамчи эдим...

Буёғи жуда тез ривожланади. Қайсидир ўйинга ҳакам келмай қолади. Кимдир унинг ишини бажариши керак эди. Бу иш ёрдамчи мураббийлардан бирига – Равшан Эрматов зиммасига юкланади.

– Равшан, ўйинни ўзинг бошқарсан!

Отасининг бир сўзли эканини билган қаҳрамонимиз бу «ҳукм»га қарши боролмайди.

– Футболчилик пайтларим ҳакамларни ёмон кўрардим, – дейди Равшан ака жилмайиб. – Адамнинг қистовлари билан ўзим «севган» ишни ноилож бажаришга киришдим.

Хатти-ҳаракатларидан ҳеч ким бу ишни у биринчи марта қилаяпти, деб ҳеч ким ўйламасди. Ҳамиша ҳакамлардан норози бўладиган ота-оналар, мураббийлар ўйинни жим кузатишади. Уларда эътироз тугдирадиган бирорта вазият содир бўлмайди.

– Биласанми, ўғлим, ҳаракатларингни кузатиб, сендан жуда яхши судья чиқармикан, деб ўйлаб қолдим, – дейди уйларига қайтишар экан, йўлда Сайфиддин ака. – Бошқалар оғзидан ҳам шу гапни эшитиб хурсанд бўлдим, ўғлим...

Қаттиққўл, қатъиятли, унча-мунчага мақтайвермайдиган Сайфиддин аканинг бу эътирофидан Рав-

шаннинг кўнгли кўтарилади. Бироқ отасининг салобати боисми, фарзандлик андишаси туфайлими, нима дейишни билмас, ичида қувониб турса ҳам, уни билдиролмас эди. Кулимсирар экан, «Билмадим, ада...» дея олади аранг.

Гоҳида шундай ҳолатлар бўладики, бир оғиз сўз инсон ҳаётини буткул ўзгартириб юборади. Болаларни суннат қилиб қўвчи самарқандлик уста Тангрикул Бобоқулов ёшлигида бир оқил раиснинг ишончи билан шу қутлуғ касбни эгаллаб, ҳаётида барака топганини ўзи айтган, яқин дўстим ўспиринлигида бир одамнинг «сендан адвокат чиқармиди, ҳолингга қараб ният қилсанг-чи», деган аччиқ гапидан сўнг анча пайтгача ўзига келолмай, ўқиш-ёзишни ташлаб қўйганини айтиб берган, уларни эшитиб, сўзнинг қудратига минг карра амин бўлган эдим.

Отасининг далда бағишловчи бу эътирофидан кўнгли тоғдек юксалган Равшан Эрматовда энди янгича иштиёқ, баланд чўққилар сари ундовчи шижоат пайдо бўлади.

Профессинал ҳакамлик билан шуғулланаётган йигитнинг Қашқадарёдаги футбол ўйинига таклиф этилганини, уни одилона бошқарганини, эҳтимол, «шундай бўлиши табиий эди» ёхуд «бу оддий тасодиф-ку», «йўқ, шунчаки омад нишонаси бўлган» қабилда изоҳлаш мумкинлиги. Бироқ ҳақиқат шуки, у мана шу даражага етиши учун ҳаётининг энг қувноқ, беғубор, гўзал онларини қурбон қилган, азиз орзусини – футболчиликни ҳакамликдай сермашаққат, балки ғавғоли ишга алмаштирган эди.

– Бундай савия билан у «олий»да ишлаши керак, – дейди Рустам Акрамов, майдонда қатъийлик билан қарор чиқараётган, ёшлиги шундоқ кўриниб турган, бироқ катта ёшли футболчиларга-да ўз қарорларининг ҳақлигини исботлаб бера олаётган истараси иссиқ йигитдан кўзини узмай.

– Олий лигада бош ҳакам бўлиш учун ёши етмайди, регламентда шунақа, – луқма ташлайди кимдир.

Бироқ ҳаммаси истеъдодли ҳакам учун ажойиб яқунланади. Ушбу мусобақадан сўнг унга олий лига ўйинларини бошқариш ҳуқуқи берилади.

Шоирнинг:

*Яхшиларнинг меҳри унутилар, лекин*

*Унутилмас улар олдидаги қарз...*

– мисраси айнан мана шу ҳолат учун ижод этилгандек, назаримда.

Футболни тушунадиган, истеъдодларни пайқай оладиган фидойи инсонларнинг яхшилиги билан Рав-

шан Эрматов ҳакамлик фаолиятидаги энг катта ва залворли қадамни қўйган эди.

Мени ҳамиша шундай савол қизиқтириб келган: «Нима учун болалиқдаги покиза орзуларнинг кўпи амалга ошмайди?». Буни кимдир ижтимоий ҳаёт билан боланинг орзулари ўртасидаги номутаносиблик, истеъдод, билим, қобилият ва бошқа «объектив-субъектив» сабаблар билан тушунтириб берар. Аммо, менимча, ўша турли-туман факторларни бошқариб турадиган, инсонни ички ва ташқи хавфли омиллардан сақлаб, фақат олға бошлайдиган, бутун салоҳияти, руҳий-маънавий қувватини бир мақсад йўлида сафарбар этадиган учта туйғу бор. Булар – муҳаббат, ирода ва ишонч.

Осиёда тўрт марта йилнинг энг яхши ҳаками деб тан олинган, жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинлари ва қитъа кубоги мусобақаларида ҳакамлик қилиб келаётган ФИФА рефериси, юртдошимиз Равшан Эрматов ёшлигидан ана шу туйғуларни қалбига мустаҳкам жо қила олган, уларнинг қатъий мақсад йўлида қандай кучга айлана олиши мумкинлигини ҳис этган эди.

Биз кўпинча машҳур спортчилар, сиймолар ҳақида гапирганимизда, оддий одам эмас, қандайдир ўзга сайёралик бир зот ҳақида сўзлаётгандек гапирармиз. Шундайки, гўё улардек бўлиш иложсиз; шундайки, улар эришган мартабанинг манзили бизнинг Она Еримизда эмас, аллақандай сайёрада; шундайки, уларда бундай мавқега эришиш учун ўзгача қобилият, одам зотига хос бўлмаган хусусият бор... Ваҳоланки, улар ҳам сиз билан менга ўхшаган одамлар. Улар ҳам бола бўлишган, ўсмирлик, ёшлик дамларини ўтказишган. Фарқи шундаки, улар мақсад йўлида собитқадам бўлганлар, беқарор эмас. Улар орзу қилишни ҳам, орзу йўлида интилишни ҳам билишган. Йўлида учраган тўсиқларни сабр-тоқат, матонат, ирода билан енгиб ўтишган. Ярим йўлда «бўлди энди, шуниси ҳам менга етади» дея қолиб кетишмаган.

«Ҳеч бир ёш йигит ўзининг иқтидоридан шубҳа қилмаслиги керак» деган экан психолог Виллям Жеймс.

Миллионлаб футбол мухлислари меҳрини қозонган (ҳакамликда шундай мавқега эга бўлиш ҳазил гап эмас), болаларнинг севимли кумири Равшан Эрматов ҳам ўз иқтидорига заррача шубҳа қилмаган эди. Унинг ютуқларида ўзига бўлган ана шу ишонч ҳам муҳим ўрин тутганига шубҳа йўқ.

Зеро, истеъдодли одамлар ҳамиша ўзига ишониб яшайди.





# Биринги уғрашув

Биринги уғрашув  
Биринги уғрашув



Мадина  
ГУЛОМҲАСАНОВА

*Сени қайта  
тополмайман,  
болалигим*

## БОЛАЛИГИМ

Тонгда эсан шаббоданинг ҳидларидан,  
Кеча-кундуз ой, қуёшнинг нурларидан.  
Оллоҳ берган ҳар фаслнинг кунларидан,  
Сени қайта тополмайман, болалигим.

Ҳар бир оннинг яхши-ёмон кунлари бор,  
Бутун эмас ҳаётимнинг камлари бор.  
Нолимайман, умримнинг зўр дамлари бор,  
Сени қайта тополмайман, болалигим.

Хаёл оғушида тинмай тўлғонаман,  
Телбалардек мен ошиғу, девонаман.  
Сен сеҳрли куйингни чал деб ёнаман,  
Сени қайта тополмайман, болалигим.

Болаликдан кўрдим дашту, саҳроларни,  
Сокин шамол эсди, кўрдим дарёларни.  
Синглим билан ўйнаб юрган боғ-роғларни,  
Сени қайта тополмайман, болалигим.

Ўн саккизга кирдим, аммо билолмайман,  
Ортга йўл йўқ, энди асло юролмайман.  
Болалигим, сени қайта қуролмайман,  
Сени қайта тополмайман, болалигим.

### Мадина ҒУЛОМҲАСАНОВА

1994 йилда Пастдарғом тумани Чархин қўрғонида туғилган. "Ойдин тонғлар ифори" номли китоб муаллифи. Ҳозирда Чортут Автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.



Савара  
БАҲРИДДИНОВА

*Сиз туфайли бу  
олам рангин*

## ҚИЗЛАР

Сиз асли гўзаллик боғида бир гул,  
Муҳаббат куйининг навоси қизлар.  
Сиз ойсиз, малаксиз заминда танҳо  
Умримиз, бахтимиз маъноси қизлар.

Сизларни юлдузга қиёс этдилар,  
Чўлпон шеърларида гоҳо кулдингиз.  
Қанча Тоҳир, қанча Отабекларнинг  
Хаёл осмонида ойдек тўлдингиз.

Маъсум чеҳрангизда Кумушбибининг  
Ҳаёси, ибоси, нози яширин.  
Ахир сиз туфайли бу олам рангин,  
Сиз туфайли сездик баҳорнинг сирин.

\* \* \*

Сени менга йўллади Худо,  
Шу йўлларда бу жоним фидо,  
Юрагимдан келар бир садо,  
Сен меники, меникидирсан.

Сени кутдим кўзларим гирён,  
Хаёлимда яшарсан ҳар он.  
Сенсиз дунё зулматдир ишон,  
Сен меники, меникидирсан.

Сени менга йўллади Худо...

### Савара БАҲРИДДИНОВА

1993 йилда Қўшработ тумани Заркент шаҳарчасида туғилган.



## Янги пародиялар

□ў□□□□□□ □□□  
□□□□□□□□

**Раҳимжон РАҲМАТга**

“Мендан нари тур, десанг, йироқларда юр десанг,  
Кетмон олиб, гўр ковлаб, ўша ерда ётаман.  
Сенсиз дардга даво йўқ, бу шаҳарда маъно йўқ,  
Мен ўзимни қул қилиб, лўлиларга сотаман.  
Ўлдирса, ёр ўлдирсин, паймонамни тўлдирсин.  
Лаҳаднинг деворига шиқий шеърлар битаман”.

**“Жонимни ол” шеърдан**

\* \* \*

Машиқингизни ўқиганлар ҳайрон, ўйлар,  
Девор оша ҳилхонага аста бўйлар.  
Укагинам, ўзингизга қабр қазманг,  
Хизматга шай гўрковлару мурдашўйлар.

Сиз айтмоқчи бўлган гаплар янгимасдир,  
Кетмондаги догдан юрак зангласдир.  
Лаҳаддаги дастхатингиз тўкис бўлса,  
Қадимишунос тадқиқотчи гангимасдир.

Биласизми, у дунёнинг тартибларин?..  
Балки хешдир, иш юритар хатиблари,  
“...Жононасиз жонларни итлар еса”,  
Нима қилар унда ажал котиблари?..

Мунгли қўшиқ хамиртуриши эртақларга,  
Ўхшаб қолманг, дostonдаги Эрсакларга

Лўлилар ҳам анойимас, қул бўлсангиз,  
Бартер қилар Сизни темир-терсақларга...

□□□□ □□□□□?

**Асрор МЎМИНга**

“Чаман кўрсак, гуллар сеники,  
Тоғлар тўсса, кемириш – мендан,  
Бахтга кўприк йўллар сеники,  
Селлар тўсса, симириш – мендан”.

**“Тўғри тақсимот” шеърдан**

\* \* \*

Расул Ҳамзатни ўгириб қўйдим.  
Пуллари Сенга, доллари менга.  
“Қўш хўкиз” дерлар эру хотинни,  
Эчкиси сенга, моллари менга.  
Догистонларнинг тоғи тўсса ҳам  
Кемириш менга, семириш сенга.  
Бўзаси менга, кўзаси Сенга.  
Бахтга элтувчи йўллар Сеники,  
Торнадо, тўфон, селлар меники,  
Пластик карта, омад Сеники,  
Келишган, хипча қомат меники.  
Хатланиб бўлди тол ва терақлар,  
Азизим, Сенга капгир, элақлар.  
Валидол ичиб, эзма юракни,  
Соплатиб қўйдим болта, куракни.  
“Тўғри тақсимот” турмуш таянчи,  
Хўш нима қолди, жоним, сананг-чи?!